

IX Белги Соғлом жамоатларни кўтариш ҳаракатида

ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗ ҚИЛИШ

Бугун
Худонинг
Сўзини қандай
айтамыз?

ДЭВИД ҲЕЛМ



“Девид Хелмнинг “Экспозицион ваъз қилиш” номли ушбу китоби ихчам ва мен шу пайтгача ўқиган шу турдаги китобларнинг энг фойдалисидир.”

Мэт Чандлер, Техас штатининг Даллас шаҳрида жойлашган The Village Church жамоатининг бош чўпони; Ҳаворийлар 29 жамоатларни барпо қилиш тармоғининг президенти.

“Агар мен ваъз айтиш борасида дарс берадиган устоз бўлиб, талабаларимга фақат битта китобни ўқиб чиқишни тавсия қилишим керак бўлса, мен фақат мана шу китобни тавсия қилган бўлардим. Бу ваъз айтишни энди ўрганаётганларга анчагина маълумот берадиган, шу билан бирга тажрибали воизларга ҳам бемалол йўл-йўриқ кўрсата оладиган ноёб китобдир. Дэвиднинг камтарлигига қойил қоламан. Унинг камтарлиги орқали Худо мени воиз сифатида фош қилади, менга намуна бўлиб хизмат қилади ҳамда рағбатлантиради. Умид қиламанки, бу китоб сизга ҳам худди шундай таъсир қилади.”

Марк Девер, Вашингтон шаҳрида жойлашган Capitol Hill Baptist Church жамоатининг бош чўпони; 9Marks ташкилотининг президенти.

“Дэвид Хелминг воиз сифатидаги маҳоратлари ва воизларга устозлик қилиш борасидаги улкан тажрибаси туфайли унинг бу мавзуда айтган ҳар бир ўгити жуда фойдалидир. Мен бу китобни дилимда миннатдорчилик туйғуси билан ўқийман, сабаби, муаллиф ўзининг ва бошқа воизларнинг мажбуриятларини ушбу китоб саҳифаларда аниқ ифодалаб беради. Муқаддас битикларнинг асосий хабарига диққатни жамлаш, қўшимча безаклар қўшмасдан ёки муҳим қисмларини қолдириб кетмасдан матнни мунтазам равишда тўғри талқин қилиш жуда муҳим. Бу нафақат тўғри кўникмаларга эга бўлиш ва доноликни, балки содиқликни ҳам талаб этади. Чунки айнан мана шу содиқлик туфайли ҳақиқий ваъз пайдо бўлади.”

Брайан Чапэл, Covenant Theological Seminary (Аҳд Илоҳиётшунослик семинариясининг) нафақадаги фахрий президенти; Илиной штатининг Пеория шаҳрида жойлашган Grace Presbyterian Church жамоатининг бош чўпони.

"Дэвид Хелм бу китобда бизга астойдил ишлаб чиқилган ва мутлақо ишончли маълумотни беради. У бизга Худонинг Каломини садоқат билан ваъз қилишимиз учун нималарни тушунишимиз ва нима қилишимиз кераклигини баён қилади. Бу катта аҳамиятга эга бўлган китоб."

Р. Кент Хьюз, College Church жамоатининг нафақадаги бош чўпони, Уитон, Илиной штати.

“Кўлингиздаги ушбу ихчамгина китобда Дэвид Ҳелм Charles Simeon Trust ташкилотининг семинарларида бўлажак воизларни илҳомлантирадиган асосий тамойиллар ва ғояларни баён қилган. Дэвиднинг ўзи мана шу материаллар асосида таълим берганида, ваъз қилишдан воз кечган воизлар семинар давомида яна мана шу сермашаққат ишга қайтганларини кўрганман. Ушбу китоб орқали ваъз қилишнинг самаралари янада кўтарилсин.”

Пол Риз, Шотландия, Эдинбург шаҳрида жойлашган
Charlotte Chapel жамоатининг бош чўпони.

“Кўпинча, воизлар экспозицион ваъз қилиш “Соғлом жамоатнинг 9та белгиси”нинг асосий таркиби эканини билиб ҳайратланадилар. Мен эса уларнинг ҳайратини кузатишни ёқтираман. Экспозицион ваъз қилишнинг муҳимлиги “Экспозицион ваъз қилиш” китобида ўз тасдиғини топган. Ушбу китоб унинг афзаллигини яхши тушунтириб беради. Дэвид Ҳелм барча воизларни Муқаддас Китоб матнида келтирилган хабарни аниқ-равшан ва тўғри етказишга чақиради. Ушбу китоб Хушхабарни садоқат билан эълон қилишда туртки бўлиб хизмат қилсин, жамоатлар такомиллашишига ва Худонинг улуғланишига сабабчи бўлсин!”

Ҳ.Б. Чарльз, Флорида штатининг Жэксонвил
шаҳрида жойлашган Shiloh Metropolitan Baptist
Church жамоатининг чўпони.

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАРНИ КЎТАРИШ
ҲАРАКАТИДА

**ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗ
ҚИЛИШ**

**БУГУН ХУДОНИНГ СЎЗИНИ ҚАНДАЙ
АЙТАМИЗ?**

ДЭВИД ХЕЛМ

CROSSWAY
WHEATON, ILLINOIS

BUILDING HEALTHY CHURCHES

**EXPOSITIONAL
PREACHING**

**HOW WE SPEAK
GOD'S WORD TODAY**

DAVID HELM

CROSSWAY
WHEATON, ILLINOIS

Экспозицион ваъз қилиш: Бугун Худонинг Сўзини қандай айтамиз?
Дэвид Хелм томонидан

Муаллифлик ҳуқуқи © 2026 йил
Марварид Хизматлари



Expositional Preaching: How We Speak God's Word Today
By David Helm
Copyright © 2014 by The Charles Simeon Trust
Published by Crossway, 1300 Crescent Street, Wheaton, Illinois 60187

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Бу нашрнинг бирор қисми қайта чиқарилиши, қидириш тизимида сақланиши ёки бошқа шаклда, бошқа йўл билан, электрон, механик, фотонусха, кўчириб олиш ёки бошқа усул билан нашриётни олдиндан огоҳлантирмай етказилиши мумкин эмас. АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқида кўзда тутилган қонунлари бундан мустаснодир. Crossway АҚШда рўйхатдан ўтган савдо белгиси ҳисобланади.

Originally published in English by Crossway with all International rights owned by Crossway and The Charles Simeon Trust.
This edition published by arrangement with 9Marks.
All rights reserved.

Муқаддас Битиклардан парчалар 2024 Муқаддас Ёзувнинг Сўзма-Сўз Таржимасидан [МЁССТ] олинган. Рухсат билан ишлатилади. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муқаддас Битиклардан олинган парчалардаги таъкидлар муаллиф томонидан киритилган.

9Marks ISBN: 979-8-89218-238-6

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ

Экспозицион ваъз қилишнинг мақсади ва фойдалари 9

КИРИШ

Эски суяклар 17

1–БОБ

КОНТЕКСТУАЛЛАШТИРИШ 23

2–БОБ

ЭКЗЕГЕЗА 55

3–БОБ

ИЛОҲИЁТГА ОИД МУЛОҲАЗА 81

4–БОБ

БУГУН 113

ХУЛОСА

Қуриган суяклар 145

ИЛОВА

Воизлар берадиган саволлар 147

АЛОҲИДА МИННАТДОРЧИЛИК 151

МУҚАДДАС КИТОБГА ИҚТИБОСЛАР 155

СЎЗБОШИ

ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗ ҚИЛИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ФОЙДАЛАРИ

Мигел Нуньез

Охирги ўн йиллик, эҳтимол ундан ҳам ортиқроқ вақт давомида экспозицион ваъз қилиш борасида кўпгина китоб ва рисоалар ёзилган. Экспозицион ваъз янги атамга ё яқиндагина кашф этилган тушунча эмас. Шахсан Исо Масихнинг Ўзи Луқо 24:17-47 да экспозицион ваъз қилган бўлса, ҳаворий Павлус ҳам Ҳаворийлар 17:22-31 да худди шундай ваъз қилади (*мен юқорида иккита ваъзни тилга олганимнинг сабаби, Дэвид Теологик мулоҳазалар деб номланган учинчи бобда шу ваъзлар ҳақида гапиради*). Ўтмишда яшаб хизмат қилган кўпгина воизлар ҳам экспозицион ваъзнинг кучини яхши англаганлар.

Агар шундай бўлса, у ҳолда нима сабабдан экспозицион ваъз қилишга энди урғу берила бошлади? Шубҳасиз, бу саволга кўплаб, ўзига хос жавоблар бор, аммо умуман айтганда, жамоатлардаги муаммоларнинг (касалликларнинг) аксари айнан воизларнинг ҳамда устозларнинг экспозицион ваъз қилмаганидан келиб чиқаётганини таъкидлаш мумкин.

ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗ ҚИЛИШДАН МАҚСАД

Қўлингиздаги китобда, биз кўриб чиқадиган экспозицион ваъзнинг мақсади Муқаддас Калом парчаларидан муаллифнинг асл ниятини тушуниш, уни ҳозирги авлодга тушунтиришдан иборат. Токи улар буни тушуниб Масихга ўхшаш бўлиш йўлида ҳаётига қўлласинлар. Услуб оддий, аммо у қадар осон эмас: парчани ўқийсиз, тушунтирасиз, сўнг уни ҳаётда қўллайсиз. Неҳемияҳ даврида тафсирчи (уламо ва руҳоний) Эзра худди мана шу тартибга риоя қилган ҳолда Муқаддас битикларни изоҳлаб бизга ажойиб намуна кўрсатган: “Шу тариқа, Худонинг Қонун китобидан аниқ ва тушунарли қилиб ўқишар ҳамда буни изоҳлашар эди, халқ эса ўқилган нарсаларни тушунар эди” (Неҳемияҳ 8:8). Бу оятда келтирилган учта сўзга алоҳида эътибор беринг-а: аниқ қилиб ўқишар, буни изоҳлашар ва халқ тушунарди. Воиз Каломдаги парчани ўқигач, агар у садоқатли воиз бўлса, у ҳеч қачон матнга ўз нуқтаи назаридан ёндашмайди. Ахир, бу парчанинг ёзилишига у на илҳом берган ва на муаллифлик қилган. Бу матннинг асосий ягона муаллифи Худодир. Шунинг ўзи Муқаддас битикларни садоқат билан талқин қилиш ҳамда эълон қилишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Агар Муқаддас битиклар Худодан илҳомланиб ёзилганига ва хатодан ҳоли эканига, шунингдек, бу битиклар Худонинг ўй-хаёлларини, ниятларини ҳамда иродасини ифода этишига ишонсак, у ҳолда биз Ундан олганларимизга бирор қўшимча киритишдан ёки тушириб қолдиришдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Эски Аҳдга қарайдиган бўлсак, Худо Мусога ёнаётган бута ичидан туриб гапирар экан, шундай деган: “Худо: - Бошқа яқинлашмагин. Оёгингдаги пойабзалингни ечгин, зеро сен турган жой муқаддас ердир, - деди” (Чиқиш 3:5). Биз Мусо эмасмиз ва табиийки, Худо бизга ёнаётган бута ичидан гапирмайди, бироқ У воизларга Ўзининг

бонуқсон сўзини тўғри етказишни ишониб топширган. Ҳар сафар матни очганимизда, биз ҳам муқаддас ерга кириб бораётганимизни англашимиз керак. Воиз ҳар сафар ваъз тайёрлар экан, Муқаддас битикларга хурмат-эҳтиром билан ёндашиши шарт. Воизнинг минбардан туриб Худонинг Каломига қандай муносабатда бўлиши Каломнинг жамоатга таъсир қилишида катта роль ўйнайди.

Экспозицион ваъз ҳақиқатни гапиради, унда ҳокимият ва қудрат бор. Буларнинг ҳеч бири воизга боғлиқ эмас. Улар Муқаддас Руҳ илҳоми билан ёзилган Каломга тегишли. Ваъзни кучли қиладиган нарса воизнинг ақл-заковати ёки эгаллаган нотиқлик санъати эмас, балки Муқаддас битикларнинг ўзи. Бу ҳокимият диний таълимотга кўра, азалда сўз билан бизнинг дунёимизни яратган ва шу билан бирга миллиардлаб галактикалардан иборат коинотни йўқдан бор қилишга қодир бўлган Қудратли Зотга тегишли (Ибтидо 1-2). Бутун ҳам айнан мана шу сўз бутун дунёни барбод бўлишдан сақлаб турибди (Ибронийлар 1:3), у руҳан ўлик бўлганларга ҳаёт бахш этади (1-Петрус 1:23). Шундай бўлса, нима сабабдан биз Худонинг хабарига “сув қўшяпмиз” (сусайтиряпмиз)? Бундай қилиш билан воиз Худонинг қудрати, илҳоми билан маълум бир мақсадда ёзилган Каломни кучсизлантиради. Шу тобда масиҳий файласуф ва илоҳиётшунос Жон Фреймнинг ушбу сўзларини эслаш жоиз бўларди: “Худо нимаики қилса, Каломни орқали қилади; Худо нима қилса, Калом ҳам шуни қилади.”¹

ЭКСПОЗИЦИОН ВАЪЗНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Шубҳасиз, экспозицион ваъз қилиш анчагина афзалликларга

1 Жон Фрэйм, *Худо Каломининг таълимоти* (Филипсбург, Нью-Джерси: P&R нашриёт компанияси, 2010), 55-6ет; [John Frame, *The Doctrine of the Word of God* (Phillipsburg, NJ: P&R Publishing Company, 2010), page 55].

эга. Биз ваъз орқали биринчи навбатда Худони ва Унинг номини улуғлаймиз. Худонинг сифатлари бевосита Унинг номига ва Каломига боғлиқ. Худо бу ҳақида Забур 137:2 да шундай дейди: “... Сенинг номингни шарафлайман, чунки Сен Ўз сўзингни Ўзингнинг барча номингдан устун қўйдинг.” Қадимда инсон исми обрў-эътиборига чамбарчас боғлиқ эди. Шу сабабдан Худо Исроил халқига Ўнта Амрни берар экан, улардан бирида Ўзининг номини беҳудага тилга олмасликни буюрган. Шу билан бирга Худо Ўз Каломини ҳам улуғлади; бордию, Унинг Каломи ишламаса, у ҳолда Унинг номи ва борлиги ҳам шубҳа остида қолади. Экспозицион ваъз Худо Каломининг тубига шўнғиб, Худо етказишни истаган фикрни топишга интилади. Шунингдек, бундай ваъз Худо Ўзининг муқаддас феъл-атворидан келиб чиқадиган Сўзини ҳурмат қилишини тан олади.

Иккинчидан, воиз Худонинг сўзини ваъз қилар экан, бу билан у тингловчиларга ўзининг ёки бирор бир инсоннинг сўзларига эмас, аксинча, Худонинг Каломигагина хос бўлган қудратга ишонишини ва унга таянишини кўрсатади.² Павлуснинг Фессалоникаликларга ёзган мактуби ушбу фикрни тасдиқлайди: “Шунинг учун биз Худога тинимсиз миннатдорчилик билдирмоқдамиз, чунки сизлар биздан эшитган Худонинг Сўзини инсон сўзи сифатида эмас, балки Худонинг Сўзи сифатида қабул қилдингизлар. Бу Сўз эса сиз имонлиларда кучли ҳаракат қилмоқда” (1–Фессалоникаликлар 2:13). Шу тариқа одамлар воиз ишонадиган ва ҳурмат қиладиган нарсага ишонишни ўрганадилар. Бунда Худонинг Сўзини чуқур таҳлил қиладиган экспозицион ваъз катта роль ўйнайди.

² Жон Стотт, *Икки дунё орасида: Бугунги кун воизлик муаммолари* (Гранд Рапидс: William B. Eerdmans нашриёти, 1982), 132–бет; [John Stott, *Between Two Worlds: The Challenge of Preaching Today* (Grand Rapids: William B. Eerdmans Publishing Company, 1982), page 132].

Учинчидан, Худо Каломини экспозицион ваъз қилиш воизни матнга боғлайди, шунда воиз матни эмас, матн воизни бошқаради. Шу тариқа биз ваъз қилаётган сўз – Худонинг Сўзи эканига амин бўламиз. Воиз Худонинг ҳақиқатларига таянмаса, инсоний доноликнинг беқарор шамолига эргашиб, осонгина мақсаддан адашади.

Тўртинчидан, Худонинг Сўзи ваъз қилинаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, Худо бу хабарни маъқуллайди. Шундай экан, воиз уламолар каби эмас, балки ҳокимият эгаси сифатида кўрилиши керак (Матто 7:28). Ҳокимият билан таълим бериш ёки ваъз қилиш ҳокимиятга эга бўлиш дегани эмас. Чинакам илоҳий ҳокимият воизда Худонинг ҳақиқати билан ёнганида намоён бўлади. У Худонинг ҳақиқатини бўлишиш билан ёнганида бошқалар ҳам бу иссиқликни ҳис қилади ва воиз ваъз қилаётган Исони яхшироқ билиб оладилар.

Экспозицион ваъз тингловчиларни бошидан охиригача Масихга етаклайди. Янги Аҳдда ваъз қилишга боғлиқ тўртта калит сўз берилган. Уларнинг биринчиси “*kerusso*”. Ҳар сафар шу сўз ишлатилганида, деярли ҳар бир ҳолатда, асосий мавзу/нишон Хушxabар ёки Исо бўлади.³ Иккинчи “*euangelizo*” сўзи эса Исо Масих ҳақидаги Хушxabарни тарқатиш контекстида ишлатилади.⁴ Кейинги сўз “*martureo*” бўлиб, бу сўз Исо Масих ҳақидаги ҳақиқат тўғрисида гувоҳлик бериш маъносини англатади.⁵ Ниҳоят, “таълим

3 Уолтер А. Элвелл (муҳаррир), *Евангелик Теологияси лугати* (Гранд Рапидс: Baker Academics нашриёти, 2001), “Ваъз қилинг ва эълон қилинг” мақоласи, муаллифи Хоберт К. Фаррелл; [Walter A. Elwell, ed., *Evangelical Dictionary of Theology* (Grand Rapids: Baker Academics, 2001), s.v. “Preach, Proclaim,” by Hobert K. Farrell].

4 Жозеф Х. Тайер, *Тайернинг Янги Аҳд бўйича юнонча-инглизча лугати* (Peabody: Hendrickson нашриётлари, 1996), “*Euangelizo*” мавзуси бўйича; [Joseph H. Thayer, *Thayer's Greek-English Lexicon of the New Testament* (Peabody: Hendrickson Publishers, 1996), s.v. “*Euangelizo*”].

5 Илгари келтирилган манбадан, “*Martureo*” мавзуси бўйича.

бериш” ёки “йўл-йўриқ кўрсатиш” деган маъноларни англаувчи “didasko” деган сўз, одатда, Исонинг таълимотига ишора қилади.⁶ Юқоридаги мана шу тўртта сўз Янги Аҳд бошидан охиригача Масих ҳақида эканлигининг ёрқин далилидир.⁷ Шундай экан биз ҳам жамоатда ваъз қилар эканмиз, бутун диққатимизни Масихга қаратишимиз керак.

Бешинчидан, экспозицион ваъз қилиш Муқаддас Китоб матнини нотўғри талқин қилишдан, маъносини етарлича очиб бермасликдан, маъносини бутунлай бузиб кўрсатишдан сақлайди.⁸ Мана шундай хатолар ҳақиқатни эмас ёлғонни ваъз қилишга сабаб бўлиши мумкин. Муқаддас Китобни талқин қилишга жиддий ёндашадиган талаба ёки воиз мана шундай хатоларга йўл қўйишни истамайди. Павлус шогирди Тимотийни шундай деб огоҳлантиради: “Ўзингни Худога муносиб тарзда, бенуқсон ишчи ва ҳақиқат сўзини тўғри уқтирувчи сифатида тақдим этишга ҳаракат қилгин” (2–Тимотий 2:15). Худонинг Сўзига тўғри муносабатда бўладиган хизматчи эса ўқитувчи/устоз сифатида Худонинг олдида уялиб қолмайди.

Ниҳоят, экспозицион ваъз уни тинглаганларга ваъзни экспозицион тарзда эшитишни ўргатади, шу тариқа у бошқа турдаги ваъзларни эшитганида, ундаги хатоларни кўра оладиган бўлади. Бу

6 Илгари келтирилган манбадан, “didasko” мавзуси бўйича.

7 Мигел Нуньезнинг: *Худо Каломининг миллатни ўзгартириш қудрати: Лотин Америка чўпонларига Муқаддас Китоб асосида ва тарихий мурожаат*, асаридан олиб мослаштирилган, докторлик диссертацияси, Жанубий баптист илоҳиёти семинариясига тақдим этилган, 2014 йил 11 ноябрь; [Adapted from Miguel Núñez, *The Power of God’s Word To Transform a Nation: A Biblical and Historical Appeal to Latin American Pastors*; doctoral thesis presented to the faculty of The Southern Baptist Theological Seminary, Nov. 11, 2014].

8 Рамеш Ричард, *Экспозицион ваъз тайёрлаш* (Гранд Рапидс: Baker Books нашриёти, 2005), 46–6ет; [Ramesh Richard, *Preparing Expository Sermons* (Grand Rapids: Baker Books, 2005), page 46].

эса, ўз навбатида, Худонинг сурувига таълим бериш ва чўпонлик қилишнинг асосий омили ҳисобланади.

Хўш, биз экспозицион ваъз ҳақида бир оз маълумотга эга бўлдик, энди бу ваъзни “қандай қилиш керак?” деган саволга етиб келдик. Шу тобда менда бир савол туғилади: “Экспозицион ваъз қилишнинг шунча афзалликлари бор экан, у ҳолда нима учун баъзилар ҳали ҳам бошқа йўллар билан ваъз қилишни хоҳлайди?”

КИРИШ

ЭСКИ СУЯКЛАР

Англиянинг Кэмбриж шаҳрида жойлашган Қиролик коллежи ибодатхонасидан бир буюк одамнинг жасади топилди. Жасад ибодатхонанинг тош ётқизилган поли тагидан, ғарбий эшиги яқинидан топилди. Қабр тепасида иккита белги бор эди: бири инглиз тилида “CS” деб ёзилган ҳарфлар бўлса, иккинчиси ўша одамнинг ўлган йили эди – 1836. Иккала белги ҳам тош йўлакка ўйиб ёзилган ва қўрғошин билан муҳрланган эди. Агар қачонлардир сиз ҳам мен турган жойда туришга муваффақ бўсангиз, билингки, оёқларингиз остида турган бу эски суяклар Муқаддас Китобни Инглиз жамоатининг марказига қайтарган одамга тегишли.

1836–йилнинг ноябрида Чарльз Симеон вафот этди. Ўша кун унинг дафн маросимига 1500 одам йиғилган ва уларнинг ҳаммаси қайғуда эди. Ўша даврнинг одатига кўра, дафн маросимига шунча одамнинг келиши мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Бироқ бу одамларнинг бари ўзлари севган чўпон ва воизга ҳурматларини бажо келтириб, уни охириги манзилга кузатиб қўйиш учун келган эдилар.⁹

Чарльз Симеон ўз даври одамларига Худодан берилган туҳфа эди. У бизнинг авлодимизга ҳам Худодан туҳфа. Чарльз Симеоннинг

⁹ Чарльз Симеоннинг дафни ва қабри ҳақидаги тафсилотлар учун мен Вильям Карусдан миннатдорман. Вильям Карус, *Чўпон Чарльз Симеоннинг ҳаёти хотиралари* (Лондон: Hatchard and Son нашриёти, 1847), 582–583–бетлар; [William Carus, *Memoirs of the Life of the Rev. Charles Simeon* (London: Hatchard and Son, 1847), pages 582-583].

Хушxabарга оид сезгирлари (инстинктлари) вақт синовидан ўтган ва бугунги кун воизлигида янги таассурот қолдириши мумкин. Симеоннинг ваъзларида бугунги кун воизлигига етишмайдиган фазилатлар бор эди.

Хўш, ўша бизга етишмайдиган фазилатлар нима экан? Бундан бизга қандай фойда бор?

Бу саволларнинг жавоби оддий, шу билан бирга, улар бизни *экспозицион воизликнинг* моҳиятига етаклайди. Буюк инсоннинг таъсири асосан унинг Муқаддас Китобга бўлган муҳаббатидан келиб чиққан. Симеон Муқаддас Китобни оддий ва тушунарли тарзда талқин қилиш жамоат саломатлиги ва бахтининг калити эканига ишонган. Муқаддас Китобни тушунарли тарзда талқин қилиш жамоатни шакллантиради ва ривожлантиради.

Ушбу ўзгармас ишонч Симеонни ҳеч қачон тарк этмаган. Эллик тўрт йил давомида Англиянинг Кэмбриж шаҳрида жойлашган Муқаддас Учбирлик жамоатида чўпон бўлиб хизмат қилар экан, ўзини фидойилик билан ваъз қилишга бағишлади. У ҳар ҳафта, йиллар давомида, бир неча ўн йил ўтса ҳамки, ўз жамоати қаршисида туриб, Худонинг Сўзини оддий, бироқ қудрат билан эълон қилди. У Муқаддас Китобни экспозицион ваъз қилиш кераклигига ишонган ва бу ишончини у қуйидаги сўзлар билан таърифлаган:

Мен Муқаддас Китобни ўқиганимда, унга ҳеч нарса қўшмай ёки олиб ташламай, у менга ўргатаётган фикрларни тушунишга ҳаракат қиламан. Мен бу масалада жуда эҳтиёткорман ва унга жиддий қарайман. Матнни ваъз қилаётган пайтимида Муқаддас Рух ўша матндан менга очиб берганидан

кўп ҳам, кам ҳам гапирмайман.¹⁰

Симеон ҳар бир воиз матни тадқиқ қилиши керак, деб ҳисобларди. У матн чизигидан чиқиб кетмасликка: ундан ортиқ ҳам (матнда ёзилмаганларини қўшиш), кам ҳам гапирмасликка интиларди. Аниқроғи матннинг қудрати ва тўлиқлигини мукамал даражада очиб беришга ҳаракат қиларди.

Бугун айнан мана шу ишонч – ушбу етук инсонларга хос бўлган вазминлик ва бошқарув кўпинча Худонинг Китобини ваъз қиладиган одамларга бир оз етишмайди. Очигини айтганда, бу фикрни кўп сонли соғлом таълимотга асосланган жамоатлар ҳам қўллаб-қувватламаяптилар. Муқаддас Китоб асосидаги ҳақиқий ваъз деб ҳисоблаганларимиз ҳам матни талқин қилишда назорат/чекловнинг етишмаслиги туфайли ҳақиқатга тўғри келмайди. Тан олиб айтишим керакки, мен ҳар доим ҳам фақат Муқаддас Китобдан иқтибос келтиришга ҳаракат қилмаганман. Умид қиламанки, Худо Ўз улуғворлиги йўлида бошқа китоблар ва рисоалар қатори қўлингиздаги ушбу ихчам китобдан ҳам фойдаланади. Шунингдек, бу китобча Муқаддас Китоб ўқитувчилари ва воизларига Китобни тўғри талқин қилиш фикрини қайта кашф этишларига ҳамда бу йўлда ўқиб-изланишларига ёрдам беришига ишонаман.

Бироқ, бу билан фақат Симеоннинг фикри ўйлаб кўришга арзийди, демоқчи эмасман. Ваъз қилиш жараёнида Симеоннинг мақсадини қайта тиклаш керак. У ўз мақсадларини қатъий, Муқаддас Китобга асосланган ҳолда шундай ифодалаган:

Гуноҳқорни камтарликка чақириш;

10 Хендли Карр Глин Моул, *Чарльз Симеон* (Лондон: Methuen & Co. нашриёти, 1892), 97–бет; [Handley Carr Glyn Moule, *Charles Simeon* (London: Methuen & Co., 1892), page 97].

Нажоткорни улуғлаш;
Муқаддасликка чорлаш.¹¹

Бунданда оддийроқ ва тушунарлироқ таъриф бўлмаса керак. Биз бутун ҳам мана шу мақсадда ваъз қилишимиз керак. Бизнинг дунёмиз ҳам худди Симеоннинг дунёсидай инсоният қанчалик разилликка ботиб кетганини, Исо Масих қанчалик юксакликка кўтарилганини ва Худо Ўз халқидан нимани талаб этишини билиши керак. Дунё буни тушуниб этишига ёрдам беришнинг энг яхши ва ягона усули бу Худонинг Сўзини Муқаддас Рухнинг кучи билан гапиришдир. Хўш, унда буни қандай қиламиз? Экспозицион ваъз ўзи қанақа бўлади?

Бу саволга жавобни фақат экспозицион ваъздан топиш мумкин. Экспозицион ваъз – асосан Муқаддас Китоб матнига эътибор беришдир. Шу билан бирга экспозицион ваъз асосан матннинг тузилиши ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши лозим. Шу тариқа, бундай ваъз воиз матнда бор деб ўйлаган нарсаларни эмас, Симеон айтганидай, Муқаддас Рух матнга қўйган ҳақиқатларни чиқариб олади. Албатта, бу жараён бир оз мураккаб. Ушбу китоб мана шу ҳақида сўзлайди.

Биз кўпчилик йўл қўядиган хатолар, айниқса, контекстуаллаштириш борасидаги вазвасалардан келиб чиқадиган хатолар ҳақида фикр юритамиз. Сўнг, биз маттни тафсир қилиш, яъни изоҳлаб, тушунтириб бериш жараёнидаги муаммолар ва унинг талабларини кўриб чиқамиз. Матнни бутун Муқаддас Китоб асосида тушунамиз ва сўнг уни ўз контекстимизда ваъз қиламиз.

Ушбу китоб экспозицион ваъз қилиш мавзусига тўғри

11 Чарльз Симеон, *Horae Homileticae* (Гранд Рапидс, Мишиган штати, Zondervan нашриёти, 1847), ххi–бeт; [Charles Simeon, *Horae Homileticae* (Grand Rapids, MI: Zondervan, 1847), page ххi].

келадиган ва кириш қисми сифатида етарли бўлса-да, ваъз айтиш ёки Муқаддас Китобни ўргатиш билан шуғулланадиганлар учун ўз хизматини текширишда фойдали асос бўлиб хизмат қилади. Бу “андаза” ўзингиздан “Мен ўз ишимни тўғри бажаряпманми? Муқаддас Китоб матнидан фақат ўша ерда ёзилганларини чиқариб оляпманми? Мен қилаётган иш тингловчиларни камтарликка етакляптими, Нажоткорни улуғляптими, тингловчиларни муқаддасликка чорляптими?” деб сўрашга имконият беради.

Экспозицион ваъзнинг талаблари ва қийинчиликлари анчагина. Шунингдек, Худонинг Сўзига содиқлик билан муносабатда бўлиш маҳоратида ўсишимиз ҳам осон бўлмайди. Аммо мен бир нарсага аминман: агар бугун воизлар, чўпонлар ва жамоат оқсоқоллари Симеоннинг содда эътиқоди ва мақсадлари қабрда қолиб кетмай, бизгача етиб келишига йўл қўйсалар, бугунги кундаги жамоатларимиз соғлом, гуллаб-яшнайдиган жамоатлар бўлади.

Демак, бошладик!

1–БОБ

КОНТЕКСТУАЛЛАШТИРИШ

Контекстуаллаштириш матни яхши экспозицион таҳли қилиш учун жуда муҳим омил ҳисобланади. Авлиё Августиннинг бизгача етиб келган ваъз қўлёзмаларидан биз у киши бу ишни жуда аъло даражада бажарганини билиб олишимиз мумкин.

Шундай қилиб, Авлиё Августин жамият ҳақидаги фикрини олға сурар экан, тўғридан-тўғри маъжусий классик адабиётлардан иқтибослар келтиради. Унинг бу гоаяларини ўқир экансиз Августин бу ишни уларнинг эътиборини қозониш ёки уларни жамоатга жалб қилиш учун қилган деб ўйламаслигингиз керак. Бугун ернинг юмалоқлиги далил бўлганидай, у ҳам ўз иқтибосларини тўғри маънода далил сифатида келтирган. У ўзининг кўпгина далилларини соғлом фикрга асосланган ҳолда тақдим этган.¹²

Августиннинг контекстуаллаштиришга бўлган муносабати ажойиб. Унинг ажойиблиги шундаки, бу муносабат бизга контекстуаллаштириш ва ваъз ўртасидаги муносабат ҳақида қимматли билим беради. Августин тингловчилари билан жуда яхши тил топишарди. Ундаги бу сифат олдиндан ўйланган ҳисоб-китоб ёки

¹² Питер Браун, *Игна тешигидан* (Принстон, Нью-Джерси: Princeton University нашриёти, 2012), 54–бет; [Peter Brown, *Through the Eye of a Needle* (Princeton, NJ: Princeton University Press, 2012), page 54].

замонга мос кўриниш учун маданий маълумотларни йиғиш натижаси эмас, аксинча, ҳаётга бўлган самимий қизиқишининг натижаси эди. Ушбу бобда биз матн сунъий тарзда контекстуаллаштирилганда юзага келадиган муаммолар ҳақида сўз юритамиз.

Ушбу китобнинг кириш қисмида, биз экспозицион ваъзга бир оз таъриф бериб ўтдик. Экспозицион ваъз – Муқаддас битикларда бор бўлган, парча етказмоқчи бўлган нарсаларни чиқариб олиш, Муқаддас Рух очмаган нарсаларни матнга сунъий тарзда киритмасликдир. Шу билан бирга у тингловчиларни фош қилиши ва камтарликка етаклаши, Нажоткорни улуғлаши ҳамда уларнинг ҳаётига муқаддасликни тарғиб қилишдир. Гарчи буларнинг барини қандай амалга ошириш кераклигига ҳали тўлиқ таъриф бериб ўтмаган бўлсак-да, талабга жавоб бермайдиган ваъзларнинг кенг тарқалган усулларига алоҳида урғу бериб ўтсак.

КЎР-КЎРОНА ЁНДАШУВ МУАММОСИ



Матн Контекстуаллаштириш Бизга/Ҳозир

Ваъзда контекстуаллаштириш деганда нимани назарда тутаётганимни биласизми?¹³ Оқддийгина қилиб айтганда, ваъзда контекстуаллаштириш бу матндаги хабарни тингловчиларга

13 Китобда келтирилган графиклар менинг шахсий талқиним бўлиб, бир неча йил аввал Эдмунд Клоунининг *Муқаддас Китобдан Масиҳни ваъз қилиш* (Ўитон, Илиной: Кроссвей, 2003) китобининг 32–бетига келтирилган графикнинг ўзгартирилган вариантыдир. Мен уни худди жамоат ҳамду-сано хизматчилари қадимги ҳамду-сано кўшиғини олиб, унга янги мусиқий аранжировка яратгани каби яратдим; [Edmund Clowney, *Preaching Christ in All of Scripture* (Wheaton, Ill.: Crossway, 2003)].

тушунари қилиб, аниқроғи, уларнинг маданий контекстига мос келадиган тарзда етказишдир. Бу тингловчиларга қаратилган ваъз усулидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, контекстуаллаштириш бу *ҳозир* ва *биз* ҳақимизда деганидир. Матнда муҳокама қилинаётган мавзунини замонга мослаштириш ва қўллашга интилиш усули. Шунинг учун 4–бобда бу мавзуга конструктив ёндашиш ҳақида маълумот берилди.

Бироқ, бугунги кундаги воизликнинг муаммоларидан бири бу контекстуаллаштиришга ортиқча урғу беришдир. Воизлар ва илоҳийтшунослар контекстуаллаштиришни илмий, ўргатиладиган даражага кўтариб, амалий жиҳатларига ҳаддан ташқари эътибор қаратадиган бўлишди. Натижада, баъзи воизлар матннинг асл маъносига бепарво бўлиб, қўл учидан ваъз қиладиган бўлиб қолишди. Мана шу *кўр-кўрона ёндашув* муаммосидир. Воиз ўз жамоатинини руҳан ўстириш, хизматлари илдамлаши учун яхши ният билан ваъзларига тайёргарлик кўрар экан, ижодий ва бадий тарзда ёндашади. Шу билан бирга у ўз жамоати аъзоларига долзарб ҳамда уларга тегишли бўлган (улар истаган) мавзуларни тақдим этади. Воиз матн билан ишлаб, уни тингловчиларга муносиб тарзда етказиш ўрнига ваъзни жамоатдагиларга ёқадиган тарзда тузади. Оқибатда ваъз тингловчиларнинг хоҳишларига йўналтирилган ваъзга айланади. Павлус Тимотийни айнан мана шундай ваъздан огоҳлантирган эди: “Чунки шундай замон келадикки, одамлар соғлом таълимотга дош бера олмайдилар, лекин улар ўз ҳирсларига биноан қулоқларига ёқимли сўзларни гапирадиган устозларни ўзларига тўплайдилар. Улар қулоқларини ҳақиқатдан ўгириб, афсоналарга бурадилар” (2–Тимотий 4:3-4).

Бу ҳақида ўйлаб кўринг. Баъзи воизлар кўп вақтларини Худонинг Каломини ўқиб ўрганишдан кўра, бизнинг контекстуал

муҳитимизни ўрганишга сарфлайдилар. Кўриниб турибдики, воизлар замон билан ҳамнафас бўлишга интилиб, долзарб мавзулар борасида ваъз қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун уларнинг ваъзалари дунё ва шаҳарлар ҳақида бўлиб қолмоқда. Натижада, воизлар ҳам, тингловчилар ҳам матнни юзаки ўқиш билан қаноатланиб қолмоқдалар. Биз Муқаддас Китоб матни ҳамма нарсадан ҳам муҳим эканини унутиб қўйяпмиз. Муқаддас Китоб бизнинг бор кучимиз билан мулоҳаза қилишимизга ва астойдил тушунтиришларимизга лойиқ.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар воиз Масихга эргаштирмоқчи бўлган контекст (тингловчилар ва муҳит) унинг ваъзини бошқаришига йўл қўядиган бўлса, у ҳолда матннинг асл мазмуни назардан четда қолади. Кириш қисмида таъкидлаганимдай, бу вазият кўплаб жамоатларимизнинг қулашига сабаб бўлади. Кўпларимиз англамаган ҳолда, кучли ва таъсирли ваъз қилишнинг сирини Муқаддас Китобни синчиклаб ўрганиш ва уни тўғри етказишда эмас, аксинча, маданий контекстни тушунишда деб ўйлаймиз.

Контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашиш (контекстуаллаштиришдан номаъқул тарзда фойдаланиш) ваъзнинг камида уч марта бемаъни тарзда ўзгаришига сабаб бўлади. Бемаъни дейишимнинг сабаби, буларнинг ҳеч бири яхши натижага олиб келмайди. Биринчидан, бу ёндашув Муқаддас Китобни тадқиқ қилиш борасидаги қарашларимизни бузади. Ваъзни тайёрлаш жараёнида воиз Худонинг Каломига эмас, дунёга кўпроқ диққат қаратади. Бу эса “таассуротларни уйғотувчи”, одамларнинг ҳис-туйғуларини манипуляция қилувчи ваъзга сабаб бўлади. Иккинчидан, ваъзнинг асл моҳиятини ўзгартиради – бу вазиятда ваъз Худонинг мақсадлари ва режаларидан кўра, бизнинг ўз манфаатларимиз йўлидаги режаларимиз ва мақсадларимизни қўллабқувватлаш воситасига

айланади. Бу “мастлик” ҳолатидаги ваъз деб аталади. Ниҳоят, учинчиси, бундай ваъз бизнинг ҳокимият ҳақидаги тушунчамизни ўзгартиради. Воизнинг “янги” ва “руҳ етакловидаги” ваъзи ҳақиқатни англашда олдинги ўринга чиқиб қолади. Ваъзга бундай ёндашувни мен “илҳомлантирадиган” ваъз қилиш деб атайман.

Келинг, уларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз. Уларга чуқурроқ назар ташлаш жараёнида, биз яхши экспозицион ваъз деб ҳисоблаган баъзи ваъзларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрамиз.

ТАЪСИРЛАНТИРУВЧИ ВАЪЗ (ТААССУРОТЛАР УЙҒОТУВЧИ ВАЪЗ/ ИМПРЕССИОНИСТИК ВАЪЗ)

1850–йилларда тасвирий санъатнинг *реализм* услуби оммалашган эди. Бу йўналишга кўра, рассом кўрган нарсаларини имкон қадар аниқроқ, ҳаётий қилиб етказишга ҳаракат қиларди. Бу санъат йўналиши фотосуратнинг ўша замондаги эквиваленти бўлган. Рассомлар кўрганларини реал акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Икки ёш йигит – Клод Моне ва Пер-Огюст Ренуарлар ўша пайтда эндигина тасвирий санъатнинг реализм йўналишини ўрганаётган талабалар эдилар. Улар дўстлашиб қолиб, худди ўша замоннинг бошқа рассомлари каби бирга расм чизадиган бўлишди. Бу ёш йигитлар, ўзларининг реализм йўналишида ижод қиладиган устозларидан фарқи ўларок, ёрқин ранглاردан фойдаланишни, тарихий ёки афсонавий саҳналарни эмас, аксинча, ўз замонидаги ҳаётни қоғозда акс эттиришни маъқул кўрардилар. Шу билан бирга бу икки йигитнинг онгли равишда ўзларидан аввал ўтган ижодкорлар фойдаланган романтизм руҳидан узоқлашганлари эътиборга лойиқ.

1863–йили Парижда бўлиб ўтган танлов сифатидаги Париж

кўрғазмаси ёш рассомларнинг жамоа сифатида ўзларини намойиш қилишларига ёрдам берган воқеа бўлди. Ўша кўрғазма ва танловда бу икки рассомнинг кўплаб ишлари ҳакамлар томонидан рад этилди, бироқ бу рад этилиш кейинчалик муқобил кўрғазма – “Рад этилган суратлар”¹⁴ кўрғазмаси ташкил этилишига сабаб бўлди. Кўрғазмадан кейинги ўн йил давомида ёш рассомлар ўзларининг янгича услубларини намойиш этишлари учун муқобил кўрғазмалар ўтказилишини сўраб бир неча бор мурожаат қилишди. Бироқ уларнинг илтимослари мунтазам равишда рад этилаверди.

1873–йили Моне, Ренуар ва бошқа бир қанча рассомлар ўз асарларини доимий равишда оммага тақдим этиш учун аноним гуруҳ туздилар. Ушбу янги гуруҳнинг биринчи оммавий кўрғазмаси Парижда 1874–йилнинг апрель ойида бўлиб ўтди. Аммо бу вақтга келиб уларнинг услубларида сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлди. Ренуар реализмдан узоқлашиб, янгича услубларни қўллаб кўришни бошлади. Моне эса расмларини ўзгача тарзда – чўткасини энгил ҳаракатлантириш натижасида ҳосил бўлган услубда бўйяй бошлади. Бу кекса авлод кўришга ўрганиб қолган аниқ тасвирлардан ҳали ҳам фарқ қиларди. У кўрган нарсасини эмас, унинг умумий шаклини тасвирларди. Масалан, унинг “Таассурот, қуёш чиқиши” суратида Гавр шаҳрининг бандаргоҳидан кўтарилаётган қуёш тасвири туширилган эди. Бу сурат реал тасвирланмагани учун Монедан суратнинг номини сўрашганида “Қуёш чиқиши” сўзининг олдига “таассурот” деган сўзни қўшиб қўйди. Кейинчалик бир танқидчи масхараомуз тарзда уларни “импрессионистлар” деб атади. Бу тасвирий санъатнинг ҳамда рассомларнинг янги ва ўзига хос

14 Бернард Денвир, *Темза ва Хадсон импрессионизми энциклопедияси* (Лондон: Thames and Hudson нашриёти, 1990); [Bernard Denvir, *The Thames and Hudson Encyclopedia of Impressionism* (London: Thames and Hudson, 1990)].

йўналишига асос солди.

Гуруҳнинг тасвирий санъатга қўшган дадил янгиликларидан бири бу ёруғликдан ўзгача тарзда фойдаланиш бўлди. Мисол учун, Ренуарнинг “Мулен де ла Галетдаги рақс” суратида Парижнинг Монмартр туманидаги бир боғда бўлиб ўтган базм тасвирланган. Расми чизар экан Ренуар қуёш чарақлаб турганини тасвирлаш учун ер ёки қаҳрамоннинг устки кийими устидан оқ чизиқлар юргизади. Ёруғликнинг ўзгариши тафсилотларнинг бўрттириб кўрсатилишига сабаб бўлади ва бу рассом реал ҳаётда кўрган тасвирни бузиб юборади.

Импрессионистик услуб кўз кўрган нарсани олади-да, уни таърифлайди, бўрттиради ва баъзи реал тасвирларни кўздан қочиради ва охир-оқибат асл тасвир бузилади.

Энди эса ўйлаб кўринг, ваъзга тайёргарлик кўраётганингизда нима қиласиз? Биринчи навбатда Муқаддас Китобингизни очасиз. Вақтингиз зиқ. Бугун кечқурун битта ёки иккита учрашувингиз бор. Эҳтимол оилангиз бордир ёки ходимларингизга ёрдам беришингиз керакдир. Ундан ташқари чўпон сифатида қилишингиз шарт бўлган анча-мунча ишингиз бор. Бироқ шунга қарамай, яна якшанба кунини учун сўз тайёрлашингиз керак. Шундай қилиб, парчани ўқийсиз-да, худди рассом оқ матога тезгина бўёқ юргизганидай, компьютерингизга тушунганларингизни ёзиб қўясиз, ўзингизча матн билан дунё ўртасида кўприк ясайсиз.

Сиз ваъзга тайёргарлик кўрар экансиз, тингловчиларингизда ўша заҳоти уларда *таассурот қолдирадиган* фикр ёки маълумотни топишга ҳаракат қиласиз. Сиз мана шу бир лаҳзалик таъсирлантирадиган ғоя билан ёна бошлайсиз. Тингловчиларда таассурот қолдириш асло мураккаб эмас. Тез орада асосий фикр ҳам топилади. Сиз контекстни яхши биласиз, қолаверса, сиз

ҳам, якшанба кунини жамоатга келадиган жамоатингиз аъзолари ҳам тарихий воқеаларга унчалик қизиқмайсизлар. Аслида сизнинг тингловчиларнинг эътиборини жалб қила олганингиз учун мана шу вазифага тайинлашган. Сиз кўзлаган мақсадингизга қисман эришдингиз, чунки улар Муқаддас Китобдаги воқеаларни қадимий реаллигидан чекиниб, сизнинг бу хабарларни қанчалик кучли таассурот қолдирадиган даражада етказиб берганингиздан хайратда қолишди. Афсуски, матнни батафсил кўриб чиқиш унчалик муҳим эмас, деб ўйлайсиз.

Бу ҳафта ҳам худди ўтган сафаргидай, асосан, матндаги тингловчиларни таъсирлантирадиган далилларга эътибор қаратасиз. Тингловчиларни таъсирлантириши мумкин бўлган мисоллар ҳам ярқ этиб хаёлингизда пайдо бўла бошлайди. Соатга қарайсиз, ишлаб ўтирганингизга эндиgina 15 дақиқа бўлибди.

Мана, таъсирлантирувчи ваъз ана шундай тайёрланади.

Бундай ваъзларни тез-тез учратамиз. Аслида бу бугунги кунда воизлар олдига турган энг муҳим муаммо ҳисобланади. Таъсирлантирувчи ваъз нафақат матннинг воқелигини, балки унинг тарихий, адабий ва илоҳий хусусиятларини ҳам эътиборга олмайди. Бундай ваъзнинг “антиқа” лиги шундаки, сиз йиллаб ўрганган билим ва маҳоратларингизни четлаб ўтадида, матнга бирров назар ташлаб, тезда импрессионистик хулоса чиқаради. Агар реалист рассом қоғозга (ёки матога) бир марта чўтка уришдан олдин, объектга ўн марта қараса, импрессионист рассом объектга бир марта қарайди-ю, ўн марта қоғозга чўтка уради. Таъсирлантирувчи ваъз айтадиган воизни ҳам импрессионист рассомга ўхшатса бўлади.

Шубҳасиз, таъсирлантирувчи ваъз айтиш осон ва тез тайёр бўлади. Агар иш жадвалингизнинг тигизлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу усулда ваъз тайёрлаш мантиқан тўғри деб ҳисоблаш

мумкин. Аммо охир-оқибат сиз матнни ўзингиз истаганингизча ўзгартираётганингизни англаб етишингиз керак.

Келинг, бунга бир мисол келтирамиз. Айтайлик, сиз ёш ота-оналар гуруҳи учун бир ваъз тайёрлашингиз керак. Сиз Муқаддас Китобни очасиз-да, 1–Шоҳликлар 2:12-21 ни танлайсиз. Энди мана шу парчани ўқиб чиқинг:

Руҳоний Элийнинг ўғиллари ярамас одамлар эдилар. Улар Раббийни ва халқ олдидаги ўз руҳонийлик бурчларини билмас эдилар. Кимдир қурбонлик келтирганида, руҳонийнинг ўғли уч тишли санчқи билан келиб, қурбонлик гўшти қайнатилаётган пайтда санчқини қозонга ёки товага, ё бўлмаса товоққа тикқар эди. Санчқига илинганини руҳоний ўзига олар эди. Улар Шилоҳга келган барча исроилликларга нисбатан шундай иш тутар эдилар. Ҳатто қурбонликнинг ёғини тутатмасдан олдин, руҳонийнинг ўғли келиб, қурбонлик келтираётган одамга: “Руҳонийга қовуриш учун гўшт бер! У сендан қайнатилган гўшт олмайди, хомидан бер”, — дер эди. Агар кимдир унга: “Аввал қурбонликнинг ёғини тутатсинлар, кейин эса хоҳлаганингизча олаверинг”, — дейдиган бўлса, у жавобан: “Йўқ, ҳозир бер, бўлмаса, зўрлик билан тортиб оламан”, — дер эди. Шундай қилиб, бу одамларнинг гуноҳи Раббий олдида жуда оғир эди, чунки улар Раббийга қурбонлик келтиришдан халқнинг кўнглини қолдирар эдилар. Ўспириш Шомуил эса зиғир эфодни кийиб, Раббий ҳузурида хизмат қилиб юрар эди. Онаси ҳар йили унга устки кийим тўқиб, отаси билан ҳар йилги қурбонликни

келтириш учун келганида унга олиб келар эди. Рухоний Элий эса Элқанаҳга: “Раббийга бағишлаган фарзандингнинг ўрнига Худованд сенга шу хотиндан яна фарзандлар берсин”, — деб, уни хотини билан дуо қилди ва улар ўз уйларига кетдилар. Раббий Ханнаҳни ёдга олди. У ҳомиладор бўлиб, яна уч ўғил, икки қиз туғди. Ўспирин Шомуил эса Раббийнинг хузурида ўсиб-улағаяр эди. (1–Шоҳликлар 2:12-21)

Ушбу матнни биринчи марта ўқиганингиздаёқ уч нарса диққатингизни тортади:

1. Матн икки хил тоифадаги ота-оналарни: Элий ва унинг ярамас ўғиллари ҳамда Ханнаҳ ва унинг Раббийга хизмат қилаётган жажжи ўғли Шомуилни тақдим этади.
2. Уларнинг орасидаги тафовутдан ҳайратланасиз. Элийнинг ҳикояси худди ёмон ота-оналикнинг қўлланмасидай кўринса, Ханнаҳнинг хатти-ҳаракатлари эса яхши натижа берганлигини кўрамыз.
3. Ваъзингизга иккита мисол топилди. Биринчидан, ёмон ота-оналар фарзандига жуда кўп овқатланишга рухсат беришса, яхши ота-оналар бунга рухсат бермайдилар. Элийнинг ўғиллари қурбонликка келтирилган гўштдан ейиши жуда жирканчли эди! Иккинчидан эса ёмон ота-оналар ўз фарзандларини Худога йўналтириш учун жамоатдаги бор имкониятлардан фойдаланмайдилар, яхши

ота-оналар эса аксинча доим фарзандларини Худого йўналтиришга ҳозир у нозир. Имконият бўлганида Ҳаннах Шомуилни жамоатга таклиф қилгани қандай яхши!

Мана, ваъз режангиз ҳам тайёр. Энг муҳими, сиз гапирадиган гаплар жамоатингиздаги ёш ота-оналарнинг ҳаётига тегишли бўлса бўлгани. Сиз ваъзингизда болаларнинг жисмоний аҳволи ҳақида гапиришингиз мумкин. Уларнинг руҳий фаровонлигига ҳам тегишли бўлган мисолларни/тамойилларни топишга ҳам кўп вақт ва куч талаб этилмайди.

Кейин эса ваъзингизни тақдим қиласиз. Бинобарин, бундай ваъзлар натижасида янги болалар дастурлари пайдо бўлиши одатий ҳол. Бу ажойиб-ку, чунки одамлар масиҳийча тарбиянинг нақадар муҳимлиги ҳақида гапиришади, деб ўйлашингиз мумкин.

Афсуски, жамоатларда мана шундай таъсирлантирадиган ваъзлар кўпаймоқда. Кўриниб турибдики, биз ваъз тайёрлашга кўп вақт сарфламаяпмиз. Бунга зарурат ҳам йўқ. Биз қисқа вақт ичида ваъз тайёрлаймиз ва бу иш беряпти. Ваъзларимиз деярли бадихага (ваъз жараёнининг ўзида пайдо бўлаётган ваъз) айланиб қолди.

Бироқ, бу билан биз Худо Каломининг хазинасидан қуруқ қоляпмиз. Биз матннинг асосий моҳиятини ўтказиб юборяпмиз. Келинг, 1–Шоҳликлар 2:12-21–оятларни яна бир марта ўқиб чиқамиз. Аслида бу парчанинг асосий мазмуни болалар тарбияси ҳақида эмас, *Худонинг муқаддаслиги ҳақида*. Худди шундай, бу парча Худонинг халқини нотўғри бошқариш Худони масхара қилиш билан тенг эканлиги ҳақидадир. Матндаги асосий муаммо Худони тўғри улуғламаслик ёки тўғри сажда қилмасликдир. Агар биз китобга яхшироқ эътибор қаратадиган бўлсак, Худо халқи ичида

“алмашинув” мавзуси борлигини кўраимиз. Айнан шундай вазиятда Шомуилнинг тилга олинishi бежиз эмас, у Элийнинг ўғилларига муқобил сифатида Худонинг Каломига мувофиқ сажда қиладиган руҳоний бўлиб кўтарилшини кўришимиз мумкин. Худонинг Сўзи амалга ошмас экан, Худо Ўз ишини бажара олмайди. Гарчи баъзан умид йўқдай кўринса ҳам, Худо бошқа руҳонийни кўтараётган бўлади.

Демак, бу парчани ваъз қилаётганимизда ота-онанинг тарбияси ҳақида ҳеч нарса дея олмаймизми? Албатта, тарбия ҳақида гапириш мумкин, аммо у матннинг асосий мавзуси эмас. Иккиламчи даражадаги мавзулар ва бу мавзуга ҳаётий мисоллар матннинг асосий мазмунига соя солмаслиги керак. Албатта, биз Муқаддас Китобдан болалар тарбияси ҳақидаги мавзуларда ваъз қилишимиз мумкин, бироқ шу билан бирга матннинг асосий мазмунига ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз керак. Ваъзнинг фарқи мана шунда. Муаммо ҳам мана шунда. Биз Муқаддас Китобдаги парчаларни ўқиймиз-у, Муқаддас Рух таъкидлаётган мавзуга эътибор қилмаймиз. Худонинг Каломини бор-йўғи художўй ҳаёт кечириш тамойили сифатида қабул қиламиз. Шоҳликлар биринчи китобида келтирилган мисолда биз Масихни чиқариб ташлаб, унинг ўрнига вазифасини эплай олмаган руҳонийга эътибор қаратдик. Исонинг ўрнига импрессионизмга эътибор қаратдик. Шу сабаб бугун масихий ота-оналар Муқаддас Китоб хабари асосида яшаш ўрнига, кўпроқ ахлоқий тамойиллар билан яшайдиган одамларга айланишган.

Бу каби импрессионистик воизлик жамоатда асосан “дунё ташвишлари”га (Марк 4:19) эътибор қилинадиган жойда гуллаб яшнайти. Аниқ натижаларга йўналтирилган амалий муҳитда ёки Шарқий Осиёдай ишлашга йўналтирилган маданиятларда,


ривожланаётган давлатларда (масалан, менинг жамоам Жанубий Осиёда хизмат қилади) импрессионистик ваъзлар кўп ҳолларда ваъз қилишга тайинланган одамларга кўрсатилган прагматик босимлар натижасидир. Мен уларни тушунаман.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, импрессионистик ваъз қилиш асосий муаммо эмас. Бу *контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашишининг* табиий оқибати бўлиши билан бирга, у ҳамма вақтимизни ўғирлайди. Чарльз Симеон Муқаддас Китобни ўқиб ўрганар экан, энг муҳими Муқаддас Китобда нима дейилганини тушуниш эканлигига ишонарди. Мана шу ишонч уни четга чиқиб кетишдан, нотўғри талқин қилишдан сақлаган. Биз ҳам мана шу нарсага амал қилиб, уни ёдда тутишимиз керак. Муқаддас Китобни ўрганаётганингизда ёки ваъзга тайёргарлик кўраётганингизда тезда, ўзингиз англамаган ҳолда импрессионистик ёндашувга берилиб кетишингиз мумкин. Бундан эҳтиёт бўлинг. Айниқса, агар сиз табиатан жозибали (замонавий ёки хиппи) инсон бўлсангиз, ёки шундай бўлишга ҳаракат қилаётган бўлсангиз, бу усулга ўрганиб қолишингиз мумкин. Бордию, сиз алақачон бу йўналишда бир оз тажрибага эга бўлиб улгурган бўлсангиз (ва одамлардан мақтов олган бўлсангиз), у ҳолда ўзингизни талқинчи деб ҳисоблай бошлагансиз. Аммо кейинги бобларда сиз Муқаддас Китобни талқин қилиш бошқача ёндашувни талаб этишини билиб оласиз.

МАСТОНА ВАЪЗ (МУҚАДДАС КИТОБДАН ЁРУҒЛИК, ОЧИҚЛИК ОЛИШ УЧУН ЭМАС, ЎЗ ФИКРЛАРИДАН ТАСДИҚЛАШ УЧУН ФОЙДАЛАНИШ)

Келинг, офисимиздан ташқарига чиқиб, ваъз қилишда

Муқаддас Китобдан қандай фойдаланишимиз ҳақида фикр юритиб кўрайлик. Шотландиялик шоир Эндрю Лэнг ўз замонасининг сиёсатчиларини статистик маълумотларни ўз фойдаларига ишлатганлари учун танқид қилиб, уларга ҳазилона кучли зарба берган эди.¹⁵ Унинг сўзларини бироз ўзгартирган ҳолда, бу гапни бугунги кундаги кўплаб Муқаддас Китобдан таълим берувчиларга ҳам қаратиш мумкин: “Маст одам чироқ устунига ёруғликдан баҳраманд бўлиш учун эмас, шунчаки йиқилиб тушмаслик учун суяниш мақсадида фойдаланганидай, баъзи воизлар ҳам Муқаддас Китобдан ёруғлик, очиқлик олиш учун эмас, ўз фикрларини тасдиқлаш учун фойдаланадилар.”



Бу “маст” ёки маст-аласт воиздир. Сизга бундай йўл тутмаслик кераклигини айтишга ҳожат бўлмаса керак. Аслида ҳар биримиз қачондир мана шундай йўл тутганмиз, фақат буни билмаганмиз.

Келинг, бу қандай усул эканини сизга тушунтириб

¹⁵ Эндрю Ланг ҳақидаги ҳикоя ва иқтибос манбаси аниқ эмас, бироқ у кенг тарқалган иқтибослар тўпламларида келтирилган, масалан, Элизабет М. Ноулз, *Оксфорд иқтибослар лугати*, 7–нашр (Оксфорд: Oxford University нашриёти, 2009), 478:12; [Elizabeth M. Knowles, *The Oxford Dictionary of Quotations*, 7th ed. (Oxford: Oxford University Press, 2009), 478:12].

бераман. Биз тингловчилар қаршисида туриб, айтмоқчи бўлган фикрларимизни тасдиқлаш учун Муқаддас Китобдан оятлар/далиллар келтирганимизда (суянганимизда), фақат Муқаддас Китоб бизга айтмоқчи бўлган маънони айтиш ўрнига маст одамдай ёруғлик олиш ўрнига чироқ устунига суянган маст одамдай ҳаракат қилганмиз. Воиз учун энг тўғри иш бу “чироқ устунга тагида туриб” – матннинг нуридан тўғридан тўғри баҳраманд бўлишдир. Зеро, биз ваъз қилаётганлар эмас, балки айнан Муқаддас Китоб Рухнинг Каломидир (Ибронийлар 3:7; Юҳанно 6:63 га қаранг).

Бундай ёндашувга энг аниқ ва ҳалокатли мисоллардан бири бу *фаровонлик хушхабари* деб номланадиган сохта таълимот ҳисобланади. Мен Кения бўйлаб саёҳат қилганимда ва Африканинг қолган давлатларида ҳам худди шу нарсани эшитганимда, жанубдаги кўплаб воизлар одамларга Муқаддас Китоб ердаги ҳаётимиз давомида ваъда қилмаган соғлик ва бойликни ваъда қилаётганларини англадим. Эҳтимол, воизнинг кундалик ҳаёти шундай ўтар. Аммо бу Муқаддас Битикда ёзилганларига тўғри келмайди.

Мен кўп йиллардан буён воизлик қиламан ва ҳозир ортга қараб, мен ҳам кўп маротаба маст одамнинг ваъзига ўхшаш ваъзлар қилганимни эслайман. Мен ўз фикрларимни битиклардан тасдиқлаш учун Муқаддас Китобга мурожаат қилганман. Бундай усул менга жуда қўл келди. Муқаддас Китоб мен ўйлаганларимни амалга оширишимга ёрдам берди. Баъзида, аслида мен Худо илоҳий мақсади йўлида фойдаланиши керак бўлган восита бўлишим кераклигини назардан қочирдим. Менинг вазифам маълум бир матнда берилган хабарни одамларга етказишдир.

Ўтмишда мен қилган хатони ҳар биримиз такрорлашимиз эҳтимоли бор. Худди маст одам чироқ устунидан фойдалангандай Муқаддас Китобдан фойдаланишнинг кўплаб усуллари бор.

Эҳтимол, сизнинг доктринал қарашларингиз ақл бовар қилмайдиган даражада кучлидир. Бу қарашларингиз матн нима ҳақида бўлишидан қатъи назар, сиз ваъз қилаётган ҳар бир парчанинг маъносига айланиши мумкин. Эҳтимол, матндаги Муқаддас Рух узатаётган фикрни эътиборга олмасдан ўз сиёсий, ижтимоий ёки терапевтик хулосаларингизни олға сураётгандирсиз. Аслида, экспозицион ваъз қилиш ўрнига бизнинг худди маст одамнинг услубига ўхшаш ваъз қилишимизга мойиллигимиз бир нарсадан келиб чиқади: биз Муқаддас Китоб матнига ўзимизнинг ички истаklarимиз, режаларимиз ва қарашларимизни тиқиштирамиз/юклаймиз. Биз шундай қилганимизда, Муқаддас Китоб биз айтмоқчи бўлган нарсамизни қўллаб-қувватлайдиган восита бўлиб қолади, холос.

Бу услубнинг қанчалик тез содир бўлишига шахсий ҳаётимдан бир мисол келтираман. Бир неча йил илгари мен Коринфликларга 2–мактубдан ваъз қилганман. Ушбу китобнинг 8-9–бобларига келганимда, уларни қолдириб, тўғридан-тўғри 10–бобдан ваъз қилишга қарор қилдим. Сабаби жуда оддий. Мен 8-9–бобларни кейинроқ ваъз қилишга қарор қилдим. Бу боблар пул маблағлари ҳақида, шундай эмасми? Мен ўзимча: “Бир кун оқсоқоллар келиб мендан манбалардан тўғри фойдаланиш ҳақида ваъз қилишимни сўрашади”, деб ўйладим. Ўша пайтда жамоатимиз моддий жиҳатдан гуллаб-яшнаётган пайт эди. Шунинг учун мен бу бобларни кейинроққа, моддий маблағга муҳтож бўлган пайтимизга олиб қўйиш тўғри бўлади, деб ўйладим. Матн кетма-кетлигига қатъий амал қиладиган мендай воиз учун 8-9–бобларни қолдириб кетиш деярли ноодатий иш эди.

Чиндан ҳам ўшандай вақт келди. Мен Коринфликларга 2–мактуб 8-9–бобларни очдим. Астойдил ўтириб сахийлик билан беришнинг қанчалик муҳимлиги ҳақида ваъз қилиш мақсадида

тайёргарлик кўришга киришдим. Энди бир нарсага диққат қилинг, мен ўз офисимга кириб кетаётганимда аллақачон ваъзда нима ҳақида айтишимни аниқ билардим. Мен ваъзимни сахийлик билан беришнинг фойдаларига эътибор қаратадиган учта оят асосида ривожлантиришни ўйлаб қўйгандим:

Шуни айтиб қўяйки, хасислик билан экадиган хасислик билан ўриб олади: сахийлик билан экадиган эса сахийлик билан ўриб олади. Ҳар ким қайғу ёки мажбурият билан эмас, балки юрак хоҳиши билан берсин, чунки Худо қувониб берувчини севади. Сизлар ҳамиша ҳамма нарсада ҳар қандай қаноатга эга бўлиб, ҳар қандай хайрли ишларга бой бўлишингиз учун Худо сизларни ҳар қандай инояти билан бой қилишга қодирдир.

Ёзилганидек:

“Сарфлаб, камбағалларга берди; унинг ҳақлиги абадий туради”. (Коринфликларга 2–мактуб 9:6-9)

Биринчидан, мен Худо биздан пулга нисбатан қандай муносабатда бўлишимизни хоҳлашини айтишдан бошлайман. Ушбу бобнинг 6–оятида сахийлик билан берган сахийлик билан ўриб олади, деб ёзилган (Мен ваъзимни шу тарзда бошласам яхши, чунки шу орқали тингловчиларни Худога беришга чақираман, деб ўйладим). Ундан кейин, 7–оятда, Худо қувониб берувчини ёқтиришини айтади. Бериш учун чорлов (Худо сизга мўл-кўл қилиб қайтаради) ваъзимнинг иккинчи банди бўлади, деб ўйладим. Чунки 8–оятда шундай дейилган: “.. ҳар қандай хайрли ишларга бой бўлишингиз учун Худо сизларни ҳар қандай инояти билан

бой қилишга қодирдир.” Охирида эса сахийлик билан беришга руҳан далда бериш учун Забурдан бир неча оятни иқтибос тариқасида келтираман. Чунки Забур 111:9 Худонинг Ўзи “тарқатиб юбор”ганини ва “камбағалларга бўлишиб бер”ганини кўрсатиб турибди (Забур 111:9). Менинг уч босқичли режам қуйидагича кўринишда эди:

1. Коринфликларга 2–мактуб 9:6-7 – Худого беринг (У бизнинг шундай қилишимизни истаydi).
2. Коринфликларга 2–мактуб 9:8 – Худодан баракалар олишга тайёр бўлинг (бучорловимизга тўғри келади).
3. Коринфликларга 2–мактуб 9:9 – Бериш орқали биз Худого тақлид қиламиз (Эски Аҳд шундай дейди).

Гарчи матнни ўрганишга кўп вақт сарфламаган бўлсам-да, бу ваъз тингловчилар тушунадиган даражада осон ва ёқимли бўлишига ишончим комил эди. Мен жуда амалий ва руҳан таъсирли хабарни етказишга тайёр эдим. Мен жамоатимиз одамларига қандай мавзудаги ваъзни етказишим кераклигини билардим ва Муқаддас Китобдан шунчаки фикримни тасдиқлаш учун фойдаландим.

Аmmo қизиқ бир нарса содир бўлди. Ҳали яқшанба келмасидан олдин, ваъзга киришимдан олдин, бу парчаларни чуқурроқ ўрганиб чиқишни бошладим. Бу боблардан ўрганганларим аввалроқ ваъз қилишга тайёрлаб қўйган фикрларимнинг ҳаммасини чиппакка чиқарди. Мен 1–Коринфликларга 16:1-4 ва Ҳаворийлар фаолиятлари 11:27-30 дан бу парчада баъзи жамоатлардаги очлик ва муҳтожлик билан боғлиқ воқеа ёритилганини билиб олдим. Бу боблардаги сахийлик билан бериш мавзуси мен ўйлагандай,

жамоатларда мунтазам равишда сахийлик билан ушр ва эҳсон бериш ҳақида эмас эди. Бу парча дунёнинг бошқа бурчагидаги, асосан яҳудийлардан иборат бўлган ва очликдан қийналаётган жамоатларга ёрдам бериш ҳақида экан.

Бу ҳам етмагандай, мен яна бир нарсани билиб олдим. Коринфликларга 2–мактуб 11:5 ва 12:11 дан шу нарса маълум бўлдики, мактубдаги асосий баҳс Павлусликнинг хизмати ҳақида экан. Афтидан, Коринф жамоатидагилар бошқа олий ҳаворийлар Павлустан кўра кўпроқ кучга эга деб ўйлашган ва мактубда айнан шу масала тилга олинган эди. Павлус сўзда жоҳил одам эди (11:6), доим ўзини паст олиб келган (11:7), ҳар доим муҳтож аҳволда бўлган (11:9) ва молиявий манбага эга эмас эди (12:14-15). Демак, бу бобларнинг контексти асосан хайр-эҳсон қилишга қаратилган. Бу бобларни синчиклаб ўқиганимдан сўнг бир фикр хаёлимга чақмоқдай урилади. Бу хайр-эҳсон шунчаки синов бўлган! Агар Коринфликлар сахийлик билан беришни бошлашса, бу уларнинг “заифлик” қандай бўлишини тушунишларини ҳамда заиф бўлганларнинг эҳтиёжларини қондиришга тайёр эканликларини кўрсатади. Аммо, агар улар қизганиб беришса, улар бор-йўғи буларнинг барига эга бўлган одамлар билан биргалигини кўрсатарди. Шунда бирданига, мен бутун бир китобни нотўғри талқин қилиш хавфи ёқасида турганимни англадим!

Кейин эса ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Мен Коринфликларга 2–мактуб 9:9 да Забур китобида келтирилган иқтибос бизга Худога сахий бўлишни ўргатади деб ўйлаган эдим. Аслида бу оят бизга “солиҳ инсон” каби бўлишни ўргатар экан. Павлус Коринфликларни Худога тақлид қилиш учун сахийлик қилишга ундамаган. Аксинча, сахийлик Худога эргашганларнинг умумий хусусиятидир.

Ўша дамда қийин аҳволга тушиб қолганимни англадим. Мен жамоат бюджетига юзага келган тақчилликни ҳал қилиш мақсадимга эришиш учун Муқаддас Китобга асосланган ажойиб режани ишлаб чиққан эдим. Аммо, афсуски, бу ишда мен худди чироқ устунига ёруғликдан баҳраманд бўлиш учун эмас, шунчаки суяниш учун фойдаланган маст одамнинг ишини қилдим.

Энди мен жавоб беришим керак бўлган қуйидаги саволлар қолган эди: хўш, бу вазиятда энди ким Шоҳ бўлади? Менми? Ёки Муқаддас Китоб матними? Бу ҳафта мен Муқаддас Китобни бошқараманми ёки Муқаддас Китоб мени бошқарадими? Мен шунчаки ўз мақсадларим ва режаларимни амалга ошириш учунгина Муқаддас Китобдан фойдаланаманми, ёки чироқ устунни остида Муқаддас Рух менга парча орқали тингловчиларимнинг онгини ва юракларини ёритишига йўл қўяманми?

Охир-оқибат, Чарльз Симеоннинг етук инсон сифатидаги сабр-тоқати ва ўзини назорат қила олиш хислатига бўлган ҳавас мен учун ҳал қилувчи омил бўлди. “Мен бу масалага ўта эҳтиёткорлик билан ёндашаман: мен талқин қилмоқчи бўлган матн орқали Муқаддас Рух нимани айтмоқчи бўлса, фақат ўшани айтаман, ундан ортиқ ҳам, кам ҳам айтмайман.”¹⁶

Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, менинг ногўғри/маст одамнинг ваъзи каби воизлик қилиш билан боғлиқ қийинчиликларим доимо *контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашувга* асосланган. Лекин шунга амин бўлдимки, жамоатимнинг руҳий эҳтиёжлари ёки одамларнинг истаклари эмас, Худонинг турткиси менинг ваъзимни бошқариши керак. Муқаддас

16 Хендли Карр Глин Моул, *Чарльз Симеон* (Лондон: Methuen & Co. нашриёти, 1892), 97–6ет; [Handley Carr Glyn Moule, *Charles Simeon* (London: Methuen & Co., 1892), page 97].

Каломни истаган кўйимизга сола олмаймиз. У – Худонинг Сўзи. У – олийҳукмрон Китоб. У ҳар доим голиб чиқиши керак. Унинг ҳақиқатлари устувор бўлиши керак.

Бизнинг воиз ва Муқаддас Китоб ўқитувчилари сифатидаги вазиғамиз – Муқаддас Руҳ томонидан аввал ёзиб қолдирилган сўзларга асосланиш, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, чироқ устунига ёруғлик учун келиш ва ёруғликдан баҳраманда бўлишдир. Демак, бугунги кундаги вазиғамиз Худо аввал нима деган бўлса, ўшани айтиш. Чунки Худо ҳали ҳам Ўз Каломи орқали гапиреди.

“ИЛҲОМЛАНГАН” ВАЪЗ

Биз экспозицион ваъз қилишда контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашиш қандай иккита салбий оқибатга олиб келишини кўриб чиқдик. Биринчидан, бу ёндашув воизнинг тайёргарлик жарёнига қандай таъсир қилишини ўргандик. Бундай усул билан тайёргарлик кўриш натижасида тасаввурга асосланган, яъни *таъсирлантирувчи/импрессионистик ваъз* келиб чиқади. Иккинчидан, контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашиш воизнинг Муқаддас Китобдан фойдаланиш усулига қандай салбий таъсир қилишини кўрдик. Ҳар ҳафта “долзарб масала”ларни ваъз қилишим керак деган босим оқибатида *маст одамнинг ваъзига* ўхшаш, асл маънодан узоқлашган ваъзлар пайдо бўлиши мумкин.

Энди эса мен воизни ўз кабинетидан ва жамоатдан ташқарига олиб чиқиб, у Муқаддас Китобни шахсан қандай ўқишига диққатингизни қаратмоқчиман. Чунки айнан шундай пайтларда, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, унинг сокин вақт пайтида қўллайдиган замонавий ўқиш усуллари Худонинг Каломини омма олдига ваъз қилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аслида, агар сиз сокин вақт пайтида қўллайдиган усулларингиз билан

контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашиш усулини қўшадиган бўлсангиз, мен “илҳомланган ваъз” деб атайдиган ваъз пайдо бўлади.

Келинг, буни яхшироқ тушунтириб бераман. Муқаддас Китоб илоҳий илҳом билан ёзилган олийҳукмрон Сўздир ва доим шундай бўлиб қолади. Бироқ, афсуски, бугунги кунда баъзи воизлар Муқаддас Китобни сокин вақт пайтида ўқиш жараёнида нимани ҳис қилса, ўша ҳис-туйғуларни Худонинг илҳоми деб қабул қилишмоқда. Бугунги кунда Муқаддас Китоб ўқитувчиларига: “Муқаддас Китобни ўқийётган пайтингизда юрагингизга нимадир таъсир қилса, демак *Муқаддас Рух* диққатингизни шунга қаратмоқда ва буни оммага ҳам айтишингиз керак”, деб ўргатиляпти.

Бундай ўқиш услубининг пайдо бўлишига бир мисол келтираман, у анча узоқ тарихга бориб тақалади. Бу усул “*Lectio Divina*” деб аталади. Бу Бенедикт тартибига хос анъанавий Муқаддас Китобни талқин қилиш усули бўлиб, асосий мақсади Худо билан яқин алоқа (руҳан бирлик) ўрнатиш бўлган. Муқаддас Китобни чуқурроқ ўрганишга эса камроқ эътибор қаратилган. Бу усул Муқаддас Китоб матнларини ўрганиладиган ёзма сўзлар сифатида эмас, балки “Тирик Сўз” сифатида қабул қилишни афзал кўради. У сокин вақт пайтида анъанавий ўқиш усулига қуйидаги тўрт қадамни киритади: ўқиш, мулоҳаза қилиш, ибодат қилиш ва кузатиш. Бу жараён пайтида қалбингизни тинчлантириб, Каломни оддий ўқишни бошлайсиз. Сўнг, бирорта сўз ёки ибора устида фикр юритасиз. Бу босқичда парчани таҳлил қилишга (аналитик ёндашувга) онгли равишда йўл қўйилмайди. Бу усулда, асосан, парчанинг маъносини Муқаддас Рух очиб беришини кутасиз. Бу ҳолатда Исо келиб, юрагингизга мурожаат қилади, деб ишонилади. Маъно аён бўлганидан сўнг, ибодат босқичига ўтасиз. Чунки ибодат

– Худо билан мулоқотдир. Худо Ўз Сўзи орқали гапиради, инсон эса ибодат орқали жавоб қайтаради. Охирида эса бу ибодат чуқур, кузатувчи ибодатга айланади ва бу орқали инсон чуқурроқ илоҳий ҳақиқатларни англаш қобилиятига эга бўлади.

Бу усул жуда ажойиб илоҳий усулдай туюлади. Ҳатто бу усулни Муқаддас Китобнинг ўзи ҳам тасдиқлаётганга ўхшайди: “Бизга эса Худо бунини Ўз Рухи билан ошкор қилди. Чунки Рух ҳамма нарсани, ҳатто Худонинг теранликларини текшириб кўради” (1–Коринфликлар 2:10). Бу парчада ҳаворий Павлус аслида нима демоқчи эканини бир оз кейинроққа қолдириб, *Lectio Divina* Муқаддас Китобни тизимли ўрганишдан воз кечиб, руҳийликка таянишига эътибор қаратсак. Бу усул Каломни экспозицион талқин қилиш ўрнига ички туйғуга/интуицияга таянади. У муҳит ва ҳиссиётни, яъни кайфиятни услубли ва ақлга асосланган таҳлилдан устун қўяди. Унинг хавфли томони инсоннинг ўз руҳини Муқаддас Рухга тенглаштириб қўяди.

Контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашув усулига бу жуда қўл келади! Бугунги кунда одамлар Худодан кўпроқ бизнинг қашшоқлашган руҳий ҳаётимизга озуқа берадиган “янги хабар”ни эшитишни истайдилар.

Аслида *Lectio Divina* тарихда рим-католик черковига хос тафсир, яъни изоҳлаб бериш усули бўлган. Бироқ, сўнгги йилларда, айниқса, евангелик протестантлар орасида бу усул қайта оммалашмоқда. Гарчи бу усулнинг номи ишлатилмасида, ёш воизларни ваъзга тайёрлашда қўлландиган усулга жуда ўхшайди. Уларга сокин вақт олиб Муқаддас Китобни тинчликда ўқишни, Муқаддас Рухнинг гапиришини кутишни ўргатишади. “Ишончингиз комил бўлсин, Худо сокин вақт пайтида қалбингизга солган очиқликларини бошқаларнинг ҳаётида ҳам қўллайди.

Шунинг учун буни ваъз қилинг! Худо қалбингизга гапирган нарса мана шу”, дейишади.

Келинг, кўпинча тақвимларга (календарларга) ёзиладиган (ва ошхонангизда илиниб турадиган) ажойиб оятлардан бири Филиппиликларга мактуб 4:13 ни олайлик: “Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихда мен ҳамма нарса қила оламан.”

Бу оятга қандай ёндашамиз? Биз бу оятни шахсан ўзимизга тегишлидай қабул қиламиз, худдики, ҳаворий Павлус буни бизга қарата айтгандай. Кейин эса биз бу оятдаги “ҳамма нарса” деган сўзни “исталган ҳамма нарса” деб қабул қиламиз. Биз “албатта, бу оят ҳамма нарса деяпти”, деймиз. Ҳаётимизга қандайдир қийинчиликлар келса (қандай бўлса ҳам), Худо буларни енгиб ўтишга бизга куч беради. Иш жойимда кўтарилишим керакми? Худо куч беради. Ўйин майдонида сўнги йигирма сония ичида бизга уч очко керакми? Худо куч беради. Қандай ажойиб илҳом! Биз муваффақиятга эришишимиз керак бўлган пайтларга мукамал тарзда мос келадиган оят. Биз Муқаддас Китобни ўқиш жараёнида уни шундай тушунганимиз учун жамоатдагилар олдида ҳам мана шундай ваъз қилишга мойил бўламиз.

Бироқ, муаммо шундаки, агар биз бу парчани салгина кўпроқ кўриб чиқадиган бўлсак, бу парчага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, Павлус “ҳамма нарса”ни назарда тутмаётганини билиб оламиз. Агар биз оятнинг тепасидагиларни ва давомини ўқийдиган бўлсак, бу оят Павлуснинг қамоқдаги азоблари ҳақида гапирган парчасининг бир қисми эканини тушуниб оламиз. У омон қолиш ҳақида гапиряпти. У юқори лавозимга кўтарилиш, ўйинда ғалаба келтирадиган очколар ҳақида эмас, Хушxabар янада кўпроқ ёйилиши учун қийинчиликларга дош бериш ҳақида гапиряпти (Филиппиликлар 1:12 га ҳам қаранг). Деярли илҳомланган ва жуда

астойдил ўқиб чиқарган хулосангизни йўққа чиқариш учун кўп нарса керак эмас – иккита, учта оятни ўқиш кифоя.

Агар бундай “илҳомланган” ваъзни ўйин деб оладиган бўлсак, бу жуда хавфли ўйин. У мутлақо субъектив (шахснинг ўзигагина тегишли ва ўзига хос фикри), яъни фақат инсоннинг шахсий туйғуларига асосланган. Агар биз Муқаддас Рух берган сўзларни тушуниш йўлидаги жиддий меҳнатдан воз кечиб, фақат “Рухнинг нияти”ни ҳис қилишга берилсак, у ҳолда сўнги сўзни Худо эмас, ўзимиз айтадиган бўлиб қолмаймизми?! Биз парчанинг маъносига Муқаддас Китобда ўз тасдиғини топмаган ёки унга асосланмаган ўзимизнинг “ҳақиқатлар”имизни ва “маслаҳатлар”имизни тиқиштира бошлаймиз. Эҳтимол, биз буни яхши сабабларга кўра қилармиз. Масалан, жамоатимиз аъзоларининг ахлоқий ҳолатидан хавотирда бўлганимиз учун ёки яшаб турган жамиятимизга янгилиниш олиб келишни чин дилдан истаганимиз учун шундай қилишимиз мумкин. Аммо, барибир, биз тўғри таълимот чегарасидан чиқиб кетамиз. Натижада биз “Худо шундай гапирмоқда” дейиш ўрнига, “менинг фикрим қуйидагича” дейдиган бўлиб қоламиз. Биз жамоатимиз аъзоларига Худонинг Сўзига ишониш ўрнига бизга ишонишни таклиф қиламиз.

Энди, Муқаддас Китоб ҳақида гап кетганда, эҳтимол, сиз ҳам, мен ҳам бу назарияга ишонмасмиз. Бироқ, ўзимиз англамаган ҳолда, кўпинча, худди мана шу назарияга ишонадигандай иш кўраемиз.

Хўш, бу қандай кўринишда бўлади? Кўплаб воизлар, айниқса, ёш воизлар матнни ўзлари ўқиб-ўрганишлари учун ёки руҳий ўсиш учун ўқийдилар. Моҳиятан бу ногўғри эмас, сокин вақт пайтида ўрганганларини ваъз қилиш ҳам ёмон эмас. Муқаддас Рух бизни фoш қилишига ва ҳар биримиз аста-секин матнда кўрсатилган Масиҳнинг суратига ўхшаб боришимиз керак. Аммо муаммо

шундаки, биз осонгина “Рух таъсирлантирган” усулга ўтиб олишга мойилмиз. Шу тариқа Муқаддас Рух менга шундай демоқда, демак, менинг тингловчиларим орасида ҳам шундай ишлашни истаяпти, деган хулосага келамиз. Бу импрессионистик ваъзга ўхшайди. Лекин амалий кўринишда эмас, “руҳга тўлган/тақво” кўринишдаги усул.

Шундай гўё тақводор ёки “руҳга тўлган”дай кўринадиган воизликнинг яна бир намунасини жанубий мамлакатларда, хусусан, Лотин Америкасидаги баъзи харизматик жамоатларда кўриш мумкин. Анимизмга асосланган дунёқарашлар энди шундай бир мистик (сирли) ёндашувга йўл очганки, у доимий равишда долзарб бўлиб туриши учун канон бўлган Муқаддас Китобнинг ўзи кифоя қилмайди.¹⁷ “Рухга тўлган” тақводор воизлар эса шунда янги “ваҳийлар”ни маслаҳатлар, таълимотлар ва ижтимоий тамойиллар шаклида тақдим этадилар. Агар шу тарзда кетадиган бўлса, “руҳий маслаҳатлар” берадиган воиз янги ваҳийларни тақдим этиши ҳеч гапмас. Бу каби доираларнинг кўпчилигида ушбу одамларга хизмат қилишга чақирилган кишининг белгиси сифатида қаралади. Натижада, ҳам ўқишдаги оддий ва рационал йўналишдаги субъектив изоҳлар ҳам, янги ваҳий тақдим этувчи бундай воизлик шакли ҳам масиҳийча “руҳга тўлганлик” ниқоби остида, Муқаддас Ёзувларнинг етарлиги (кифоялиги) ни шубҳа остига қўяди.

Чалкашликка йўл қўймаслик учун аниқлаштириб ўтай: мен экспозицион (яъни, мазмунли ва матнга асосланган) воизликда Муқаддас Рухга ўрин йўк, *демоқчи эмасман*. Бундай дейиш жуда нотўғри бўлар эди. Шубҳасиз, экспозицион ваъз орқали одамлар имонга келадилар ва руҳан ўсадилар. Лекин инсон гуноҳини

17 Бундан кўпроқ маълумот олиш учун Мигел Нуньезнинг 2015 йил 4 мартда Калифорния, Сан Вэлидаги Grace Community Жамоатида бўлиб ўтган Чўпонлар ва хизматчилар конференциясидаги нутқини тинглашингиз мумкин. Унинг нутқини куйидаги сайтдан топасиз: <https://www.gracechurch.org/sermons/10912>

англаши, Руҳдан қайта туғилиши, тавба қилиши ва Масихга имон келтириши ҳамда бутун умри давомида имонда собит туриши учун Муқаддас Китобнинг Муқаддас Руҳ билан уйғунликдаги ишига муҳтожмиз. Ёки буни бошқача қилиб айтадиган бўлсак, “Шунинг учун экадиган ва суғорадиган ҳеч нарса эмасдир, ўстирадиган Худо ҳамма нарсадир” (1–Коринфликлар 3:7).

Маълум бўлишича, Муқаддас Китобни сокин вақт пайтида ибодат билан ўқиш ва ваъз қилиш ўртасидаги бу “яқинда пайдо бўлган” ҳамкорлик, хусусан, контекстуаллашув (яъни, шароит ва вазиятларга мослашиш) орқали руҳан ўсишга уриниш билан боғлиқ талқин, аслида, ўйлаганимиздек янги пайдо бўлган нарса эмас экан. Бунинг бир кўриниши XX–асрнинг бошларида реформаторлар ичидаги Карл Барт ва неоортодокс ҳаракати каби шахслар ва оқимлар орасида намоён бўлган. Немис олий танқидчилари Муқаддас Китоб матни бузилган, деган фикрни “исботлаб” қўйган эдилар — ёки ҳеч бўлмаганда шундай деб ўйлар эдилар. Агар матн бузилган бўлса, демак, имонли энди муаллифнинг асл ниятини била олмайди, деган хулосага келинган. Барт ва неоортодокс ҳаракати умумий маънода Муқаддас Китобни юксак қадрлаган бўлсалар-да, сўзма-сўз ваҳий борасида Китобнинг айрим қисмларида олий танқидчиларнинг фикрларига қўшилганлар. Натижада, неоортодокс жамоатларида: Муқаддас Китобга нисбатан “Бу — Худованднинг Каломидир”, деб баралла айтилмайдиган бўлиб қолган. Унинг ўрнига, имонли шундай дейиши мумкин эди: “Худованднинг Каломига қулоқ тутинг.” Бу ердаги асосий тушунча шундаки: “агар бизда фақат Руҳ қолган бўлса, демак, биз Ундан эшитган воизга қулоқ солишимиз лозим.”

Ҳали бир авлод ўтиб-ўтмай, баъзи евангелик масихийлар илҳомланган ваъз ёки Руҳ томонидан бошқариладиган ваъз илинжида Бардан ҳам илгарилаб кетмоқдалар. Бизга ишониб

бўладими ўзи? Муқаддас Рух, шубҳасиз, ишончли ва У мўъжизавий тарзда Ўз ниятларини бизнинг қалбимизга сола олади. Лекин бу нарсани бизни матнни таҳлил қилишдек машаққатли ишдан озод этадимиз? Агар шундай бўлса, унда Унинг аввал бошдан оқ Муқаддас Китобни ёзишлари учун махсус одамларни илҳомлантиришига қандай зарурат бор эди? Муқаддас Рух ҳар иккала усулда – экспозицион изланиш ва ибодат билан мулоҳаза қилиш орқали ишлай олмайди? Агар “илҳомланган” воизликка субъектив ёндашсак, у ҳолда биз Худо Ўз Каломидан нимани назарда тутганини этиборсиз қолдириб қўймаймизми? Биз Унинг Сўзи теранлигига эмас, аксинча, замона зайлига мослашишга ҳаракат қилиб қўймаймизми?

ДАВОМ ЭТИШДАН ОЛДИН ҲАММАСИНИ ЖАМЛАШ

Воизлар учун ҳақиқий, катта муаммо бу контекстуаллашув (яъни маданий ёки ижтимоий муҳитга мослашиш)га кўр-кўрона ёндашиш бўлиб қолди. Бу бизни матнни чуқур таҳлил қилмасдан, фақат долзарбликни сақлаб қолишга уринишга ундайди. Агар шундай қиладиган бўлсак, у ҳолда биз матн бўйича жуда юзаки иш олиб борадиган бўлиб қоламиз. Ушбу бобда биз бу муаммони уч хил нуқтадан назардан кўриб чиқдик.

Биринчиси, агар ваъзимизни маданий контекст асосида шакллантирадиган бўлсак, у ҳолда воиз ўз кабинетидан матн устида ишлар экан, у матннинг ҳақиқийлигини йўқотиб, ваъзини фақат шахсий *таассуротлар* асосида ифода қилади.

Иккинчиси, контекстуаллашувга кўр-кўрона ёндашиш кўпинча Муқаддас Китобдан нотўғри фойдаланишимизга сабаб бўлади. Биз, воизлар кўпчилигимиз амалийликка ўрганиб қолганмиз

– яъни одамларга ҳаётида тўғридан тўғри фойдаси тегадиган, амалда қўллаши мумкин бўлган ваъзларни беришга интиламиз. Шу билан бирга одамларимиз нимани эшитиши кераклигини ўзимиз олдиндан хулоса қилиб, ўша нарсани айтишга ҳаракат қиламиз. Шундай қилганимизда биз “*маст*” ҳолдаги *воизлик* шишасидан “ичиб қўйган” бўламиз.

Учинчиси, бундай кўр-кўрона ёндашув борган сари воизларнинг шахсий сокин вақтида олган “очиқликлар”и билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Воизлар “янги” ва “руҳий” нарсани хоҳлайдилар. Кейин ўша шахсий руҳий туйғуларини Худонинг хабари сифатида тақдим қиладилар. Натижада, “*илҳомланган*” деб аталган воизлик ҳақиқий, мазмунли ва матнга таянган экспозицион воизликнинг ўрнини эгаллаб қўяди.

Шу ўринда савол беришга ҳақлимиз: Контекстуаллаштириш борасидаги истагимизнинг нимаси нотўғри эканини оддийроқ тушунтиришнинг иложи борми? Менимча бор.



Юқоридаги расмнинг ўнг томонида: *тўғри тушуниш* деган жумла бор. У воиз Худонинг Сўзини тўғри тушунишга жавобгар эканини кўрсатади. Бизнинг асосий ишимиз ҳам шундан иборат. Биз ҳаммамиз садоқатли бўлишни истаймиз, тўғримиз?! Муқаддас Китоб эса бизга тирик Худонинг сўзларини ўргатади. Бу расмнинг чап томонидаги: *ўтказиб бериш* жумласи эса бизнинг яна бир жавобгарлигимизни кўрсатади. Бу ҳам жуда муҳим. Орамизда ким самарали хизматчи бўлишни истамайди. Воиз ҳар ҳафта мана шу

иккита жавобгарликнинг ўртасида туради. Бу иккита жавобгарлик уни сиқувга олади, уларнинг ҳар иккиси ҳам вақт ва эътибор талаб қилади. Кўп ҳолларда воиз бирини яхши бажариб, бошқасини яхши бажара олмасликдан қўрқади.

Оқибатда, воиз ўзи билан ўзи суҳбатлашади. Тахминан бу суҳбат мана шундай кўринишда бўлиши мумкин: “Агар мен *тўғри тушуниш* йўналишига кўпроқ вақт ажратсам, жуда чуқурлашиб кетаман, тингловчиларим учун бу оғирлик қилади, ҳаддан ташқари мураккаблашиб *тўғри етказиш* қисми ҳаётий таъсирини йўқотади. Охир-оқибат, агар мен “Калом воизи” сифатида танилсам-у, бироқ бу менинг “Рухга тўлган воиз” сифатидаги обрўимга путур етказадиган бўлса, мен бунга йўл қўёлмайман. Ахир, менинг масъулиятим фақат ақлга эмас, балки қалбга ҳам сўзлаш эмасми? Менинг ваъзларим ҳаётий, ҳақиқий ва таъсирли бўлиши керак. Мен фақат руҳан туғилиш ҳақида ўйлайдиган, ваъз қиладиган воизлардан чарчадим. Айтмоқчиманки, тўғри ишонч муҳим, албатта. Лекин агар контекстуаллашув – яъни шароитга мослашув – мени бошқармаса, мен ҳеч қачон ўрганганларимни тўғри қўллайдиган бўла олмайман. Тўғри, мен матннинг асл маъносини очиб беряпман, лекин охир-оқибат бу ерда менинг вазифам – бугунги кундаги масиҳийларга таъсир ўтказишдир.”

Худо воизликка чақирган инсоннинг қалби ва ақлида мана шундай тортишув бўлса, яъни “матнни тўғри тушуниш” ва “уни таъсирли етказиш” гўёки бир-бирига тўғри келмайдиган, уйғунашиши қийин бўлган иккита нарсадай туюлса, у ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, бу воиз контекстуаллашувга кўр-кўрона эргashiш бўсағасида турибди. Шу билан бирга бу воиз шахсий таассуротларига асосланган, руҳий маст ҳолдаги ва “илҳомланган” ваъз қилишга тайёр турибди.

Шубҳасиз, бу икки жавобгарлик: матнни тўғри тушуниш ва уни тўғри етказиш икки хил, мутлақо бир-бирига уйғунлаша олмайдиган вазифалар эмас. Чарльз Симеон ҳамда ҳар бир етук экспозицион ваъз қиладиган воиз ҳар иккисига ҳам садоқат билан эргашиш йўлини топишган. Умид қиламанки, кейинги учта бобда сиз шундай ваъз тайёрлаш усулини билиб оласиз. Шунда сиз ҳам Худонинг Сўзини садоқат билан самарали, аниқроғи экзегетик тарзда/экспозицион тарзда тушунтира олиш йўлида юқоридаги етук воизлар қаторига қўшиласиз.

2-БОБ

ЭКЗЕГЕЗА

Биз маттни тўғри тушуниш ва уни тўғри етказишнинг иккисини ҳам тўғри қўллашнинг иложи борлигини айтиб биринчи бобни яқунлаган эдик. Биз бирини ёки бошқасини танлашимиз шарт эмас. Биз иккаласини ҳам қила оламиз ва уларни яхши бажаришимиз мумкин.

Аммо қандай қилиб? Матндаги хабарга содиқ қолган ҳолда бугунги кунга тўғри келадиган ваъзаларни қандай тайёрлашимиз мумкин? Контекстуаллаштиришга кўр-кўрона ёндашмай туриб, буни қандай қилишимиз мумкин?

Бунинг йўли бор. Яхши талқинчилар шу йўлдан фойдаланадилар. Кейинги учта боб ана шу усулга асосланган уч босқичли жараёни баён қилади: 1) экзегеза, яъни маттни асл маънода талқин қилиш, 2) илоҳий фикр-мулоҳаза ва 3) бугунги кунга қўллаш ёки амалий хулосалар чиқариш.

ЭНГ МУҲИМЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ

Ҳар битта ваъз экзегезадан, яъни маттни таҳлил қилишдан бошланиши керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, контекстуаллашув, илоҳий фикрлаш ва бугунги кун билан боғлиқ муаммолар кейинги ўринда туради. Чунки биз тайёргарлик жараёнида доим энг муҳимига аҳамият беришимиз керак. Аниқроғи, садоқатли воиз ваъзни тайёрлаш давомида матннинг асл аудиториясига ва ўша ўқувчилар учун матн нима демоқчи бўлганига

эътибор қаратади. У уч хил йўл билан асосий аудиторияга эътибор қаратади. Қандай бўлмасин, воиз ...

1. Муқаддас Китоб контексти (ўзининг контексти эмас) бутун матннинг маъносини бошқаришига эргашади.
2. Ўқиётган парчаси бутун китоб хабарига қандай мос келишини кузатади ва диққат билан тинглайди.
3. Матннинг тузилишига ва у нимага урғу бераётганига эътибор қилади.

Эътибор қилган бўлсангиз, юқоридаги бандларнинг ҳеч бири контекстуаллаштириш билан боғлиқ эмас. Контекстуаллаштириш муҳим албатта, бироқ 4–бобда кўрамизки, яхши талқинчилар бу босқични кейинга қолдиришни ўрганишади.



Контекстуаллаштиришни яхши ҳамкор дейиш мумкин, аммо у ёмон бошқарувчи. Ваъзга тайёргарлик кўриш жараёнида

уни экзегетик қадамлардан олдин қўядиган бўлсангиз, тез орада муаммолар пайдо бўлади. Муаммо шундаки, кўпчилигимиз экзегетик қадамларни тайёргарликнинг охирига қолдирамиз ва энг аввало маданиятга ва буни қандай боғлашга эътибор қаратамиз.

Шу сабабдан кўпчилигимиз учун энг катта қийинчилик – нимани биринчи ўринга қўйишимиз кераклигини қайта кўриб чиқиш бўлади. Экспозицион (матнга асосланган) ваъз тайёрлаш сари қўйиладиган биринчи қадам шуки, контекстуаллашувни (яъни маданий муҳитга мослашувни) ўзингизга яқин бир ҳамкор деб билинг ва уни ўз ўрнида ишлатинг. Бу жараёни тескари ишлатмаганингиз маъқул. Мен ҳозиргача, айнан мана шу тартибга амал қилишим кераклиги ҳақидаги фикр онгимда шаклланган кунни ва ўша пайтда қаерда ўтирганимни аниқ эслайман.

МЕН ТУШУНИШНИ БОШЛАГАН КУН

Дўстим ва чўпон Стив Биклей мени Дик Лукас билан таништирганида 29 ёшда эдим. Ҳозир Лукас Лондондаги Муқаддас Елена Бишопсгэйт Жамоатининг ректорлик вазифасидан нафақага чиққан. Биклей Лукаснинг бир кунни биз билан – Кент Хюз раҳбарлигидаги Коллеж черкови чўпонлик бўлими ходимлари билан ўтказишига келишиб қўйди. Бу кун мен аслида нима қилаётганимни тушунмаётганимни англай бошлаган куним бўлди.

Қисқа фурсат ичида Худо Лукасни ваъз тайёрлашдаги анъанавий усулимизга қарши чиқиш учун ишлатди. Жуда тез ўтган икки соат ичида (жуда тез ўтиб кетди) у бизни ўзимизга таниш бўлган Коринфликларга биринчи мактуб 13–бобни янгича тарзда тушунтириб берди. У бизни ваъз қилишга тайёрлаб бўлгач, тайёргарлигимиз янгича тус олди. У бизга тўғри йўлни кўрсатди ва мен ҳозиргача мана шу йўл билан ваъз тайёрлаб келаман.

Биринчидан, Лукас биздан *муҳим нарсаларга эътибор қаратишимизни* сўради. Бу мен тасаввур қилганимдан ҳам қийинроқ эди. Мен Коринфликларга биринчи мактуб 13–бобни “севги боби” деб эшитганман. Мен буни фақат тўй маросимларида эшитардим. Ўшандай тадбирларда воиз матнга контекстуал ёндашар эди. Тўй кунлари, одатда, далда ва шодлик каби мавзулар олға сурилади ва мен эшитган ваъзлар ҳам айнан шундай ҳис-туйғулар билан тўйинган бўларди. Бошқача қилиб айтганда, воизнинг қаршисидаги тингловчилар ўша лаҳзанинг қондасини белгиларди. Мактуб асида кимга ёзилгани билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Иккинчидан, Лукас бизни кузатиш босқичига етаклади. У биздан матн нимани англатаётганини ёки бугунги кунда матндан ўрганганларимизни қандай қўллашимиз мумкинлиги ҳақида хулоса қилишга шошилмай, аввал ўша парчанинг *адабий контексти* (яъни матннинг ўз атрофида) ҳақида фикр юритишимизни сўради. Биз у айтганидай қилганимизда, Коринфликларга 1–мактуб 13–боб икки боб орасида жойлашганини кўрдик. Бу бобларда руҳий инъомлар, ва айниқса, руҳий етуклик билан улар орасидаги муносабат муҳокама қилинган эди (12:1, 4, 9, 28, 30, 31; 14:1, 37 га ҳам қаранг).

Учинчидан, Лукас биздан ушбу мактубнинг аввалги қисмларидан “руҳий инъомлар” ва “руҳий етуклик” атамаларини топишимизни сўради. У биздан матнимиз бутун китобнинг умумий мавзусига қандай боғлиқ эканини тушунганимизга қадар *диққат билан кузатиб, тинглашни ўрганишимизни* истади. Бу кузатиш ва тинглаш бизни 1–боб 4-7–оятларга етаклади. У ерда Павлус Коринфликларни инъомларга бой бўлган жамоат деб атади. Асида, уларда инъом танқислиги йўқ эди. Бироқ, 3–боб 1–оятда, Павлус айнан мана шу жуда иқтидорли жамоатни руҳан етук бўлмаганликда айблаган. Ҳатто уларни “руҳий гўдаклар” деб атаган

(1-2-оятлар).

Шу онда биз тушуна бошладик. Коринфда баъзилар рухий инъомлар билан рухий етукликни чалкаштириб юборган эди. Улар муайян бир инъомлар (бу вазиятда номаълум тилларда гапириш) уларга руҳан етукликни тақдим қилади, деб ўйлай бошлаган эдилар.

Бирданига фикрлар оқими қуйилиб кела бошлади. Савол тугилади: ҳаворий Павлус 13-бобда чиндан ҳам севги ҳақида ёзганми? Бу мактуби билан у Коринф жамоатидагиларга бемехрлиги учун танбех бермоқчи эдими? Биз “севги ҳақидаги боб” деб ўйлаган бобдан Муқаддас Руҳнинг мақсади уларни рағбатлантириш эмас, ёки аксинча, уларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш орқали бўлса ҳам тузатиш эдими?

Тўртинчидан, Лукас бизга бутун бир мактубнинг контексти 13-бобдаги сўзларга қандай боғланганини кўрсатди. Масалан, 13-бобдаги “севги мағрурланмайди” деган сўзларни эсланг. Бу сўз мактубнинг бошроғида ишлатилганми? Албатта. У мактубнинг бошида уларни аяб ўтирмай “Сизлар эса бундан мағрурланиб юрибсизлар”, дейди (5:2).

Сўнг Лукас бир оз тўхтаб бизга эшитганларимизни чуқур мулоҳаза қилиб кўришимиз учун вақт берди. Шунда бу боб Коринф жамоатидагилар учун ўша пайтда худди бомбадек таъсир қилди, деган фикрга келдик. Павлуснинг айнан севги ҳақида гапиришидан мақсад, Коринф жамоатидагиларга шу хислат етишмасди! Эҳтимол улар қобилиятли ва истеъдодли жамоат бўлгандир, лекин рухий жиҳатдан олиб қараганда, улар ҳали ҳам вояга етмаган гўдаклардай яшаётган эдилар. Павлус уларни улғайишга, ўзларида севги хислатини ривожлантирган, ўзидай “балоғатга етган киши”лар бўлишга чақирди. Чунки унинг назарида ҳақиқий етуклик бу севги эди.

Биз ўша куни ўзимизни Павлуснинг замонига бориб қолгандай, Коринфликлар билан бирга тургандай ҳис қилдик. Павлуснинг танбеҳларини шахсан эшитганимизни ҳис қилдик. Энг ажаблანарлиси, шу билан бирга бу учрашув биз учун Чикагодаги жамоатда долзарб ва мантиқий ваъз айтиш учун асосий тайёргарлик вақти бўлди.

Мен эса айнан ўша пайтда ҳаммасини аниқ-тиниқ тушуна бошладим. Ваъз тайёрлашда ҳар бир воизга зарур бўладиган асосий таркибий қисмларни кўра олдим. Ўша куни Худо бизга кучли таъсир ўтказди ва ваъз қилиш услубимизни қайта шакллантирди. Биз ҳаммамиз бу учрашувдан бутунлай ўзгарган ҳолда чиқдик. Худонинг Каломига бўлган иштиёқимиз янада кучайди ва муқаддас матнни тушунтирувчи (экспозицион воиз) бўлиш учун зарур бўлган ҳаракатларга амал қилишга қарор қилдик.

Ваъзга тайёргарлик қилиш жараёнида ёки умуман Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида энг аввало биринчи ўқувчилар ҳақида фикр қиладиган бўлсангиз, парчага мутлақо бошқача қарайсиз. Келинг, бунинг сизга телескоп мисолида тушунтириб бераман. Биласизки, телескоплар бизга олис осмондаги жисмларни кўриш имкониятини беради. Италиян физик олими, файласуфи ва астрономи Галилео Галилей телескоп ихтиро қилиб, унинг оммалашиб кетишига сабабчи бўлган. У телескоп ёрдамида ойдаги кратерларни ҳамда Сомон йўли галактикасининг миллионлаб, ҳатто миллиардлаб юлдузларини кўра олган. Бу у қадар қийин ихтиро эмас. Иккита линза – бири каттароқ бошқаси кичикроқ бўлсин. Сўнг уларни айлантирганда силжийдиган цилиндрга жойлаштиринг. Катта линза ботиқроқ бўлиб, узоқдаги тасвирни катталаштириб беради. Кичикроқ объектив/линза эса шунчаки кўзойнакка ўхшаш нарса бўлиб, узоқдаги нарсаларни яқинлаштириб, батафсилроқ кўриш

имконини беради. Агар телескопни тўғри ушласангиз, у сизга ақд бовар қилмайдиган нарсаларни кашф қилишингизга ёрдам беради. Бироқ уни нотўғри тутсангиз, объект ғалати, кичрайган ва ноаниқ ҳолатда намоён бўлади. Сиз кўрмоқчи бўлган объектнинг гўзаллиги ва шакли йўқолади.



Бу тамойилни ваъзга тайёргарлик кўриш жараёнингизга ҳам қўллаш мумкин. Агар сиз Муқаддас Китобни тўғри талқин қиладиган воиз (яхши экспозицион воиз) бўлишни истасангиз, энг аввало ўзингизда илк тингловчиларга эътибор қаратиш одатини шакллантиришингиз лозим бўлади. Шундай қилсангиз, матннинг шакли бузилмайди, Муқаддас Рух тингловчиларингизга айтмоқчи бўлган ҳақиқатни кўриш имконига эга бўласиз.

Бундан ташқари, бу бир қарашда кўринадиган даражада осон эмас. Мен ўзим Муқаддас Китобдаги қандайдир парчани талқин қила олишимга ишонмайман. Шунинг учун ҳар сафар Муқаддас Китобни ўрганиш учун ўтирганимда, энг аввало ибодат қиламан. Гарчи парчани ўрганишнинг одатдаги воситалари мавжуд бўлса-да, менга бу жараёнда Муқаддас Рухнинг ёрдами керак. Кейинги саҳифаларда сизларга парчани ўрганиш жараёнида қўллашингиз мумкин бўлган баъзи амалий воситаларни тақдим қиламан, бироқ шунга қарамай, сиз парчани ўрганиш пайтида барибир Муқаддас Рухнинг раҳм-шафқатига муҳтож эканингизни англаб етишингиз керак.

1. СИЗНИ МУҚАДДАС КИТОБНИНГ КОНТЕКСТИ БОШҚАРСИН

Парчани талқин қилишга келганда шахсан ўзимга контекст ҳақида икки хил тарзда фикр юритиш фойдали бўлган: *адабий контекст* ва *тарихий контекст*. Бу икки тушунча ўзаро боғлиқ ва кўп ҳолларда бир-бирига аралашиб кетади. Лекин яхши воиз учун улар ўртасидаги фарқни тушуниб олиши жуда муҳим.

Тарихий контекст – матннинг ёзилишига туртки бўлган вазият ёки ҳолатларни ўз ичига олади. Бунинг учун сиздан қадимги (антик) маданиятни тушуниш ҳам талаб этилади. Эҳтимол, мана шу босқичда сизга Муқаддас Китоб тарихи ҳақидаги билимларингизни мустаҳкамлаб олишингизга тўғри келиши мумкин. Ё бўлмаса, биринчи ўқувчилар дуч келган вазиятни яхшироқ тушунишингиз учун бутун бир китобни ўрганишингизга ҳам тўғри келиши мумкин.

Адабий контекст эса, аксинча, у сиз ўрганаётган матн атрофидаги матнлардир. Бу контекст муаллифнинг ёзиш ёки таҳрир қилиш стратегиясини ҳисобга олади ва нима учун шу тарзда ёзганига эътибор қаратади. Матндан олдин ва ундан кейин келган сўзлар унинг нимани англатишини тушунишимизга ёрдам беради.¹⁸

Келинг, матн маъносини ўз истакларимиз эмас, айнан унинг контексти белгилаши кераклигини кўрсатувчи бир мисолни кўриб

¹⁸ Тарихий ва адабий контекстни қандай мувозанатлаштиришингиз ва матнга қандай саволлар беришингиз, қисман сиз ваъз қилаётган китобга боғлиқ бўлади. Масалан, мактубларда сиз уни қабул қилган жамоат ёки мактуб юборилган шахснинг тарихий ҳолатини билишингиз керак. Аммо, Хушхабар китобларини бундай ўқишингиз шарт эмас. Агар Хушхабар китоблари бутун дунё бўйлаб тарқатилиш учун ёзилган бўлса, унда ҳар бир муаллифнинг биринчи тарихий аудиторияси унчалик муҳим эмас, балки муаллифнинг Хушхабарни адабий тарзда тузгани, яъни адабий контексти муҳимроқдир. Хушхабар китоблари кимга ёзилгани ҳақида батафсил билиш учун қуйидаги манбага мурожаат қилинг: Ричард Бакхем, таҳрир, *Барча масиҳийлар учун Хушхабар китоблари* (Грэнд Рапидс, Мичиган штати: Eerdmans нашриёти, 1998); [Richard Bauckham, ed., *The Gospels for All Christians* (Grand Rapids, MI: Eerdmans, 1998)].

чиқамиз. Коринфликларга 2–мактуб 6:14-15 да шундай деб ёзилган:

Имонсизлар билан бирга ўзга бўйинтуруққа қўшилманглар. Зеро ҳақлик ва қонунбузарлик орасида қандай мулоқот бор? Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бор? Масиҳ билан Белиар орасида қандай мувофиқлик бўлиши мумкин? Ёки имонли билан имонсиз орасида қандай шериклик бор? (2–Коринфликларга 6:14-15)

Бир пайтлар мен бу маттни ваъз учун ишлатган бўлардим. Мен ундан жамоатим аъзолари никоҳ ёки бизнес ҳамкорлари билан боғлиқ муаммоларга учрамасликлари учун мана шу оятлар ҳақида ўйлаб кўришга ундаган бўлардим.

Муаммо шундаки, агар тарихий контекстни бир оз чуқурроқ ўргансак, муаллиф бевосита бизга эмас, бошқа тингловчиларга мурожаат қилаётганини кўрамиз. Бу парча орқали ҳаворий Павлус Коринфликларнинг қилаётган ишлари тўғри эмаслигини, чунки улар ҳар доим ҳар қандай муаммодан чиқиш йўлини излайдиган машхур ва мағрур ўқитувчиларни тайинлаётганларини айтган эди. Бу “олий ҳаворийлар” одамларни Хушхабардан ва Павлусдан узоқлаштираётган эдилар. Павлус эса уларни қайтариб олмоқчи эди! У уларнинг ўзи билан бир йўлдан боришини (яъни ҳақиқий таълимотга қайтишини) истаган.

Шунинг учун, тарихий нуқтаи назардан қаралганда, бу матнга бошқача ёндашимимиз керак. Биз Павлус огоҳлантираётганидай, ўзимизни сохта устозлар билан “боғлаб” қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз керак. Демак, бу парча авваламбор кимга турмушга чиқиш ёки ким билан бизнес ҳамкор бўлиш ҳақида эмас.

Бу оятларнинг адабий контексти ҳам айнан шу маънони

тасдиқлайди. Бу оятлардан олдин Павлус коринфликларга қалби улар учун очиқ бўлганини айтади. Уларнинг қалби эса ёпиқ ҳолда қолганини таъкидлайди. Павлус “ичингизни кенг қилинглар” (6:13) деб, коринфликларни унинг “бўйинтуруғига қўш”илишга чақиради. Кейинги бобда Павлус қуйидаги оят билан, яна ўша илтимосини такрорлайди, “Бизни қабул қилинглар” (7:2).

Тарихий ва адабий контекстни яхши билиш сизнинг ваъз қилиш борасидаги фикрларингизни ўзгартириб юборади. Муқаддас Китобни яхши талқин қиладиган воизлар айнан мана шу контекстлар матннинг маъносини белгилашига, ваъз тайёрлаш жараёнида улар ваъз тайёргарлигини бошқаришига йўл қўядилар. Шунинг учун сиз қилишингиз керак бўлган биринчи иш сиз танлаган парчадан олдин ва кейин келадиган оятларни ва бобларни ўқиш бўлиши керак. Ўзингизга бошқача йўналишдаги саволлар беришни ўрганинг:

- Нега айнан бу парча бу ерда жойлашган?
- Мен танлаган парча каттароқ бўлим ичида қандай аҳамиятга эга?
- Бу парчага кўра биринчи тингловчилар ёки (жанрига қараб) биринчи ўқувчилар қандай вазиятда бўлган?

2. МАТН ОҲАНГИГА ҚУЛОҚ ТУТИШ

Мен ушбу бобнинг аввалида матннинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш учун учта амалий усулни қўллаш лозимлигини айтган эдим. Биз биринчи усулни кўриб чиқдик (маънони матннинг контексти белгиласин). Энди эса, келинг, иккинчи усулни кўриб чиқамиз: матн бутун китобнинг умумий мазмунига қандай тўғри келишини билиш учун уни диққат билан тинглаш керак.

Яхши воизлар, одатда, яхши тингловчилар бўлишади. Улар матнни тадқиқ қилишга киришар экан, бутун диққатини матннинг асосий мазмунини тинглашга қаратадилар. Агар бизнинг вазифамиз Муқаддас Китобни тўғри талқин қилиш бўлса, у ҳолда биз нафақат онгимиз билан, балки қулоқларимиз билан ҳам ишлашни билишимиз керак. Мен биладиган яхши воизлар ўзи ўрганаётган, талқин қилаётган китобда Худо айтмоқчи бўлган алоҳида хабарни эшитишга интиладилар. Бир неча йиллар олдин, Дик Лукас бу усулни шундай изоҳлаган эди:



Муסיқий қатор – қўшиқда такрорланиб, турлича ифодаланадиган, ўзига хос бир қисмни ташкил этадиган қисқа муסיқий қатор ҳисобланади. У асосий куйнинг бир бўлаги бўлиши ва қўшиқ давомида бир неча марта такрорланиб келиши мумкин. Муқаддас Китобдан ўрин олган китобларнинг ҳам ўз оҳанги бор. Ҳар бир китоб ўз муסיқий қаторига, аниқроғи, китобнинг ўзига хос мақсадини белгилайдиган асосий мазмун ва моҳиятига/асосий ғояга эга. Китобдаги ҳар бир парча мана шу “муסיқий қатор”га (асосий ғояга) маълум маънода хизмат қилади. Бунини яна шундай тасаввур қилсангиз бўлади: айталик бир ип бор ва бу ип китобнинг ҳар бир қисмидан ўтган, унинг тўқимасига сингиб кетган. Ё бўлмаса, уни пардани тутиб турувчи бир карниз деб тасаввур қилинг. У китобнинг ҳар бир парчасини тутиб турибди. Шунинг учун ваъз тайёрлаш чоғида биз ўзимизга шундай савол беришимиз мумкин:

китобнинг асосий моҳияти нимада? Шунингдек, “Мен ўрганаётган бу парча китобнинг моҳиятига қандай ҳисса қўшяпти ва китобнинг моҳияти уни қандай тўлдирапти?”

Воизлар учун бу усулнинг афзаллиги шундаки, агар биз бутун китоб нима ҳақидалигини аниқ билсак, ҳар бир парчани яхшироқ тушунамиз ва тўғри талқин қила оламиз. Шунингдек, бу усулнинг яна бир муҳим фойдаси бор: агар биз ваъзда китобнинг “муסיқий қатори”дан фойдалансак, гарчи жамоатимиз аъзолари бир оз вақт ўтиб ваъзнинг нима ҳақида бўлганини эсламасалар ҳам, улар аста-секин китобнинг мазмунини ўрганиб олади.

Хўш, ундай бўлса, китобнинг “муסיқий қатори”ни қандай топиш мумкин?

Келинг, буни тушунтириш учун мен ўзим китобнинг асосий мазмунини қандай топганимни мисол тариқасида келтираман. Мен катта синфга ўтганимда бизга бир неча марта катта-катта китоблар ва романларни ўқишимизни айтишган. Табиийки, ўқитувчиларимиз имтиҳон яқинлигини ҳам эслатиб ўтардилар. Ҳамма ишнинг қисқа ва осонроқ йўлини қидирадиган ўқувчи бўлганим учун мен китобнинг асосий ғоясини тез топишнинг йўлини топдим. Бунинг учун мен аввалига китобнинг кириш қисмидаги бир парчадан унинг тезиси ёки мақсадига оид фикрни қидирардим. Сўнг, биринчи ва охириги бобларни ўқирдим. Кейин эса ўқиганларимга асосланиб, китобнинг мазмунини бобларнинг сарлавҳалари билан боғлаш мақсадида, яна бир марта мундарижага кўз ташлардим.

Мен ички ҳисга таянган ҳолда китобни *бошидан охиригача* ўқиб чиқиш, ёки фақат китобнинг *боши ва охирини* ўқиб, такрорланиб келаётган *муҳим сўзларни, фикрларни ва ибораларни* излаш ва муаллиф китобни ёзишдан *мақсадини баён қилган жойларни* топиш каби стратегиялардан фойдаланардим.

Айнан шундай усуллар сизга ҳам Муқаддас Китобнинг “муסיқий

қатори”ни топишга ёрдам бериши мумкин. Мен бир неча йил олдин айнан шу стратегияларни ваъз тайёрлаш жараёнига қўллашга қарор қилдим ва уларнинг анчагина фойдали эканини кашф этдим. Ўшанда мен Яхудонинг мактубидан ваъз тайёрлашни истадим. Охирида битта эмас, бир неча ваъз тайёрлаб жамоатимга тақдим этдим. Айтишим мумкинки, мен бу мактубдан ўрганиш жараёнида ҳар бир дақиқадан роҳат олдим. Бироқ мактубнинг “муסיқий қатори”ни топиш учун анчагина тер тўкишимга тўғри келди.

Бошидан охиригача

Яхудо мактуби бўйича ваъзлар туркумини тайёрлашимдан анча олдин, мен бу мактубни ўқиш режамга киритган эдим. Уни бошидан охиригача бир марта ўқиб чиққан эдим. Бу атиги битта бобдан ва бор-йўғи 25 та оятдан иборат мактуб, шунинг учун уни ўқиб чиқиш қийин бўлмади. Сиз бирорта китобдан ваъз қилмоқчи бўлсангиз, аввал ўша китобни бошидан охиригача ўқиб чиқишингизни тавсия қиламан. Китобни бир марта тўлиқ ўқиб чиқиш ваъз қилишга тайёргарлик кўриш жараёнига ҳар доим ёрдам беради. Шундай қилсангиз, китобнинг умумий мазмуни билан танишиш сизга қийин бўлмайди. Муайян бир китобни ўз шартлари билан ўқиш, уни диққат билан тинглаш, сизга ўша китоб асосида яхши ваъз қилишга ёрдам беради.

Бошини ва охирини ўқиш

Бастакор кўпинча ўз муסיқий асарини муайян бир муסיқий қатор билан бошлайди ва ҳатто бу қаторни муסיқий асар давомида ривожлантирса ҳам, яна шу қатор билан якунлайди. Худди шундай ҳолат Муқаддас Китобда ҳам кузатилади. Мен Яхудо мактуби бўйича воизлик қилишимни билганимда, алоҳида вақт ажратиб

аввал уни тўлиқ ўқиб чиқдим, кейин мактубнинг фақат боши ва охирини қайта-қайта ўқидим. Шу орада битта асосий “оҳанг” ёхуд сўз намоён бўлди: “сақлаган.” Биринчи оятда Яҳудо “Исо Масих сақлаган” имонлиларга деб ёзади. Йигирма тўртинчи оятда эса “Сизларни йиқилишдан сақлаб қолишга ... қодир бўлган” Зот деб ёзади. Ўша дамда, ваъзга тайёргарлик кўриш жараёнининг ўша босқичида Яҳудо асосан нима ҳақида ёзганини тахмин қилишга тайёр эдим. Тахминимча, у “*Худо бизни Исо Масих учун сақлаб келайтгани*” ҳақида ёзган.

Такрорланадиган сўзлар, тушунчалар ва иборалар

Парчани экзегетик таҳлил қилиш жараёнининг мана шу босқичида мен ўзим чиқарган дастлабки хулосани синовдан ўтказиш учун хат мазмунига диққат билан қулоқ солдим. *Худонинг имонлиларни Масих учун асраши* ғояси мактубнинг асосий қисмида қай даражада аҳамиятга эгаллигини кўрмоқчи бўлдим. Чиндан ҳам шундай экан. Яҳудо 1–оятда ишлатган “сақлаган” сўзи (24–оятдаги “сақлаб қолишга” сўзи билан маънодош) яна тўрт марта такрорланади: икки марта 6–оятда (Муқаддас Ёзув таржимасида “сақланмасдан” ва “занжирбанд қилиб” деб берилган), бир марта 13–оятда (Муқаддас Ёзув таржимасида “тайёрлаб қўйилган” деб берилган) ва яна бир марта 21–оятда “сақланлар” дея буйруқ шаклида ишлатилган.

Буни кашф қилганимдан жуда қувонган бўлсам-да, сўзнинг такрорланиши менинг дастлабки “муסיкий қаторим”ни қайта ўйлаб кўришга мажбур қилди! Яҳудо китобининг боши ва охирида Исо учун асралганлар ҳақида айтилган бўлса, мактубнинг асосий қисмида имонлиларга ўзларини Худонинг севгисини юракларида асраш буюрилган. Бу эса ўзини асраб қолмаган ва шунинг учун

ҳам ҳукмга дучор бўлган “адашган юлдузлар”, аниқроғи ёвузликка юз тутган фаришталар ва сохта устозларга қиёсланади. Агар ўша пайтда кимдир мендан Яҳудо мактуби нима ҳақида деб сўраса, мен: “*Худо Исо Масих учун сақлаётган имонлилар юракларида Худонинг севгисини асраб қолишига чақирилганлар*”, деб жавоб берган бўлардим.

Мақсад баёни

Ниҳоят, мен мактубни яна бир марта ўқиб чиқиб, ундан мактубнинг мақсад баёни нима эканига қулоқ солдим ва уни топишга умид қилдим.¹⁹ Мақсад баёнини топиш унчалик қийин бўлмади. Учинчи оят диққатимни тортди: “*Севганларим, мен сизларга умумий нажотимиз ҳақида ёзишга гайратим кўп бўлиб, бир нарса ҳақида насиҳат қилиб ёзишни лозим кўрдим: Бир вақтлар муқаддасларга топширилган имон учун астойдил курашинлар.*”

Бу сўзлар менга Яҳудонинг “оҳанг”ини аниқлаш имконини берди. “Муסיқий қатор” қандай бўлишидан қатъи назар, унда шошилинчлик ҳисси бўлиши керак эди. Чунки жамоатнинг руҳий соғломлиги ва муқаддаслиги хавф остида эди!

Яҳудонинг мактуби Худонинг олийҳукмронлиги ва инсон масъулияти ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан “сақланиш ва ўзини сақлаш” мавзуларини ўргатадиган шунчаки бефойда илоҳий матн эмас. Йўқ, у қисқа, аммо таъсирчан мактуб – самимий муסיқий композициядир.

Шу сабабдан, мен “муסיқий қаторим”ни учинчи марта

¹⁹ Кўпинча мактубларда мақсадни баён этувчи ифода шакл масаласи сифатида киритилади. Луқа 1:1-4 ва Юҳанно 20:30-31 мақсадни баён этишга ёрдам берувчи мисоллар ҳисобланади.

қайта кўриб чиқиб уни аниқлаштиришимга тўғри келди: *Хозирги даврнинг хавфли эканини ҳисобга оладиган бўлсак, жамоат соғлом ва муқаддас бўлиши учун, Худо Исо учун асраётган имонлилар юракларида Худонинг севгисини сақлаган ҳолда имон учун курашишлари керак.*

Ниҳоят, мен асосий ғояни топдим. Бу мактубни ўрганиш жараёнида мен яна иккита муҳим сабоқни ўзлаштирдим. Биринчидан, агар мен ҳар бир парча ёки матнни китобнинг умумий маъноси билан боғлай олсам, унда ҳар бир парча бўйича воизлигим ҳам яхшироқ чиқар экан. Иккинчидан, экзегетик жараённинг шу босқичида қўлланадиган ҳар бир тинглаш усули менинг умумий тушунчам учун катта аҳамиятга эга экан. Китобнинг “муסיқий қатори”ни топиш учун биттагина усул етарли эмас.

3. СТРУКТУРА ВА УРҒУНИ КЎРА ОЛИШ


Муқаддас Матнни экспозицион талқин қиладиганлар ваъзга тайёргарлик кўришнинг экзегетик босқичида яна бир иш қиладилар. Улар матнга нафақат Муқаддас Китоб контексти нуқтаи назаридан ёндашадилар ва “муסיқий қатори”ни эшитадилар, балки шу билан бирга, ўзлари талқин қилмоқчи бўлган матннинг устунали структурасини ҳам аниқлашга ҳаракат қиладилар. Улар матнга шундай савол берадилар: Муаллиф матнни қандай тузган? Бу тузилишга кўра муаллиф қайси ғояга урғу берапти?

“Китобни қандай ўқиш керак” китобининг муаллифи Мортимер Адлер шундай дейди:

Ҳар бир китобнинг ўзига хос скелети/структураси бор.
Ҳар бир “скелет” китобнинг асосий структурасини тақдим этади. Сиз эса экзегетик ўқувчи сифатида

айнан ўша структурани кашф этишингиз керак бўлади. Китоб сизнинг қўлингизга суякка қопланган гўшт ёки кийимга ўранган тана кўринишида келади. У бошдан-оёқ кийимда. Сиз бу китобни ўқир экансиз, кўзларингиз худди рентген каби ишлаши керак. Чунки ҳар қандай китобни яхши тушунишимиз учун унинг структурасини кўра олишимиз керак.²⁰

Агар Адлернинг фикри тўғри бўлса, у ҳолда биз ўрганаётган китобимизнинг структурасини тушунмагунимизча, матннинг асосий ғоясини тушунолмаймиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Муқаддас Китобни тўғри ва яхши талқин қилишимиз учун биз Муқаддас Китобдаги матннинг “суяклари” ва “илиги”ни ўзимиз илғаб олишимиз керак бўлади.



Ваъз қилиш масаласига келсак, биз яна қуйидагиларни қўшимча қилишимиз мумкин:

20 Мортимер Адлер ва Чарльз Фон Дорен, *Китобни қандай ўқиш керак: Тушуниб, таҳлил асосида ўқиш учун анъанавий қўлланма* (Нью Йорк: Touchstone нашриёти, 1940), 75–бет; [Mortimer Adler and Charles Van Doren, *How to Read a Book: The Classic Guide to Intelligent Reading* (New York: Touchstone, 1940), page 75].

- Ҳар бир матн ўзига хос структурага эга.
- Матннинг структураси муаллифнинг асосий фикрини (нимага кўпроқ урғу бераётганини) очиб беради.
- Шу матннинг шакли ва ундаги асосий фикр ҳақли равишда мен тайёрлаётган ваъзни бошқаради.

Экзегезанинг бу жиҳати бизга мен кириш қисмида келтирган экспозицион воизликнинг таърифини ёдимизга солади. Бу – шундай бир ваъзки, у матннинг шакли ва асосий фикрини тўлиқ қабул қилади ва унга бўйсунди. Шунда ваъз ҳақиқий куч ва таъсирга эга бўлади.

Аслида, кўпчилигимизнинг муаммоимиз ҳам шунда. Биз ваъз айтиш учун минбарга чиқамиз, матннинг ички тузилишини англамаймиз. Бунинг натижасида матннинг маъноси ҳақида ҳам ҳеч қандай аниқ тасаввурга эга бўлмаймиз. Шунинг учун, биз ваъзни тугатиб минбардан тушганимизда, тингловчиларимиз ҳам бу ваъздан ҳеч қандай фойда олмаган бўлади. Ҳўш, шундай экан, матннинг структурасини қандай топамиз?

Ҳар бир парчада қўл келадиган ўқиш стратегияларидан фойдаланинг

Сиз танланган Муқаддас Китоб матннинг структурасини топишга ҳаракат қилар экансиз, аввало оддий, қайси жойини ўқиманг, ҳамма ерда иш берадиган стратегиялардан бошлаганингиз маъқул.

Биринчи навбатда, агар иложи бўлса, матннинг сўзма-сўз таржимаси билан ишланг. Агар она тилингизда Муқаддас Китобнинг бир нечта таржимаси мавжуд бўлса, энг тўғри, яъни энг “сўзма-сўз”ига яқин Китобни танланг. Чунки сўзма-сўз таржима (семантик таржимага нисбатан) одатда ҳар бир сўзни изчилроқ ифода қилади,

бу эса матннинг структурасини кўпроқ очиб беради. Шу билан бирга, ҳеч қайси таржима бу вазифани тўлиқ бажара олмайди. Шунинг учун, бир пайтнинг ўзида, бир нечта турли таржимадан фойдалансангиз, сиз учун фойдали бўлади.

Шу ерда асосий фикрдан четга чиқмаслигимиз кераклигини эслатиб ўтай: биз бу ерда матннинг структурасини топишга қаратилган шахсий тайёргарлик ҳақида гапиряпмиз. Ваъз қилишга келганда эса сўзма-сўз эмас, семантик таржималардан фойдаланиш тўғри бўлиши мумкин. Бунга анчагина яхши сабаблар бор.

Иккинчидан, агар сизда Муқаддас Китоб матнларини асла тилда ўрганиш имкони бўлса, ана шу имкониятдан фойдаланинг. Мен матнни ўзим таржима қилганимда бу менга парчани яхшироқ тушунишимга ёрдам берган. Ўзим таржима қилганимда парчани экзегетик ўрганишимга анча вақт кетади, ўрганиш жараёнини секинлаштиради, аммо шу билан бирга, муаллиф нима демоқчи бўлаётганини ва ҳар бир парчанинг катта матн билан қандай боғлиқлигини кўра бошлайман.

Учинчидан, матнни ўқинг, қайта-қайта ўқинг. Секин ва овоз чиқариб ўқинг. Матн устида қанча кўп вақт ўтказсангиз у қандай тузилганини шунча яхшироқ англайсиз.

Тўртинчидан, ўқийётган пайтингизда такрорланиб келаётган сўзлар, иборалар ва тушунчаларга эътибор беринг. Агар мақсадингиз парчанинг структурасини ва унинг асосий фикрини топиш бўлса, у ҳолда тез-тез такрорланиб келаётган сўзлар ёки иборалар, одатда, қайси нуқтага урғу берилганини кўришда муҳим йўлқўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Матн қайси адабий жанрга мансуб эканини аниқланг

Баъзи ўқиш усуллари бутун Муқаддас Китоб бўйлаб яхши иш беришига қарамай, тўғриси, барча адабиёт жанрларида бирдай ишламайди. Масалан, сиз газетани шеър ўқишда қўлайдиган усуллар билан ўқимайсиз-ку, тўғрими? Ёки романни ошпазнинг рецептидай ўқиш ҳам тўғри бўлмайди. Шунингдек, Муқаддас Китобнинг ҳар бир китобини ҳам бир хил усулда ўқиш мумкин эмас.

Муқаддас Китобда турли жанрлар бор: Эски Аҳд ҳикоялари (ҳикоя жанри), Башорат йўналишидаги адабиёт, Апокалиптик (Ваҳий китоби), Панд-насиҳат йўналишидаги жанр (Ҳикматлар ва Забур), Мактублар, Хушxabар китоблари ва Ҳаворийлар фаолиятлари. Ушбу жанрларнинг ичида учта асосий матн тури бор: *дискурс (нутқ), ҳикоя ва шеърият.*

Одатда, сиз Хушxabар китобларидаги матнда (асосан ҳикоя ёки дискурс) фойдаланиладиган ўқиш услубларини Санолар/Забур парчасига (шеърият) ишлата олмайсиз. Ўша ўқиш услублари билан Забурнинг структурасини тушуна олмайсиз. Ҳар хил турдаги матнларнинг структурасини билиш уни тушунишда қайси усуллар самарали эканини англашга ёрдам беради.

Умуман олганда, *дискурс* – бу оғзаки нутққа хос матн. У мантиқий ва изчил тартибда берилади. Муқаддас Китобдан жой олган мактублар бу жанрга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, Эски Аҳднинг тарихий китобларида, пайғамбарларнинг башоратлар ва апокалиптик китобларидаги нутқларда, шунингдек, Хушxabарлар ва Ҳаворийлар фаолиятлари китобларида келтирилган ваъзаларда ҳам учрайди.

Дискурснинг тузилишини англаш учун матнни қоғозга муҳаррирлар томонидан берилган сатр бошиларсиз (абзацлар) ва оят рақамларисиз қоғозга кўчириб ёзиш жуда фойдали бўлади.

Бу жараёнда асосий эътибор грамматикага қаратилиши лозим:

қайси сўзлар такрорланаяпти, қайси иборалар калит ҳисобланади, қайси сўзлар ғояларни боғлаб турибди, фикрлар қай йўсинда оқиб келмоқда, қайси жумлалар мустақил, қайси бири тобе. Шунингдек, матн “мен”, “сен” ёки “у” шаклида берилганми, унда саволлар, тасдиқлар ёки буйруқ гаплар борми — ана шу жиҳатларни кузатиш зарур.

Бу жараёни оддийроқ қилиб “жумла таҳлили” дейиш мумкин. Агар сиз ушбу воситалардан тўғри фойдалана олсангиз, кўпинча матннинг асосий шакли ва асосий урғусини осонгина топа олишингиз мумкин бўлади.²¹

Ҳикоя — бу воқеа баёни. Ҳар қандай ҳикоя, одатда, ўзига хос тузилишга эга бўлади. Шунинг учун, мактубларни тушунишда грамматикага эътибор бериш қанчалик муҳим бўлса, ҳикояни англашда *сахналар*, *сюжет* ва *қаҳрамонлар* воизга матннинг асосий шакли ва урғусини топишга ёрдам беради.

Аввало, матндаги турли сахналарни аниқлаб олиш — масалан, воқеа жойи ўзгарган парчалар — энг тўғри бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Агар воиз узун ҳикоявий парчани таҳлил қилиб, ундан маъруза тайёрламоқчи бўлса, айнан шу сахна ўзгаришлари матннинг ички тартибини очиб беради.

Сахналар ичида (ва баъзан улар орасида ҳам) сюжетларга эътибор бериш керак бўлади. Сюжет, одатда, беш қисмдан ташкил топади:

- *Манзара (жой)*: Ҳикоя одатда воқеа жойи, вақти, мавсуми ва қаҳрамонларнинг таништирилиши билан бошланади.

21 Юэин Моту, *Гапларни чизиш: Диаграмма чизиш учун қўлланма* (Луисвил: Butler Books нашриёти, 2010); [Eugene Moutoux, *Drawing Sentences: A Guide to Diagramming* (Louisville: Butler Books, 2010)].

- *Тўқнашув (Зиддият)*: Бу қисм ҳикояга драматик кескинлик бағишлайди, яъни ҳал қилиниши лозим бўлган масала пайдо бўлади. У аниқ-равшан (масалан, зўравонлик таҳдиди) ёки жуда сезилар-сезилмас (масалан, руҳий изтироб) бўлиши мумкин.
- *Кульминация (Ҳикоя ривожининг чўққиси)*: Бу тўнтариш ёки бурилиш нуқтаси бўлиб, драматик кескинликнинг узилиши рўй беради.
- *Ечим*: Кульминациядан кейинги воқеалар ривожини, яъни можаро қандай ҳал этилганини кўрсатади.
- *Янги манзара (янги жой)*: Ҳикоя якунлангач, воқеа янги “меъёр”га қайтиб, ундан кейинги сюжет учун замин яратилади.

Сюжетнинг ушбу қисмларини аниқлаш жараёнида албатта куйидаги саволлар берилиши керак: Бу ерда қандай тўқнашув бор? Драматик кескинликка/босимга нима сабаб бўляпти? Бурилиш нуқтаси қаерда? Бу кескинлик қандай ҳал этиляпти?

Фикримча, асарнинг асосий ургуси айнан *кульминацияда*, шу билан бирга, *тўқнашув* ва *ечимнинг* айрим қисмларида мужассам бўлади.

Албатта, муаллиф қаҳрамонларни — ҳикоядаги шахсларни — қандай тасвирлаганини англаш ҳам жуда муҳим. Муаллиф қайси қаҳрамонни қачон саҳнага олиб чиқишини кузатинг. Улар қандай ўзгаришига, қандай ривожланишига диққат қаратинг. Шунингдек, муаллиф улар орасида бўлаётган воқеаларни қандай ҳикоя қилиб бераётганини ҳам назардан қочирманг. Агар сиз сюжет ва қаҳрамонларни яхшилаб англай осангиз, ҳикоянинг умумий шакли

ва асосий урғуси ҳам равшан бўлади.

Шеърят — бу учинчи турдаги жанр ҳисобланади. Муқаддас Китобдаги шеърӣ асарларга Эски Аҳддаги Санолар китобини ва Сулаймоннинг ҳикматлари китобини ва Пайғамбарлар китобларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шеърӣ матннинг тузилишини англаш учун, аввало, сўзларнинг ёки бутун бир мисраларнинг такрорланишига эътибор бериш зарур. Масалан, Забур китобидаги 41 ва 42–санолар айнан шу мисралар атрофида ривожлантирилган: *“Нега қайғурасан, эй, жоним, нега оҳ-нола қиласан? Худога умид қил, чунки Худонинг ҳузуридан келган нажот учун мен Уни янада улуглайман.”*

Шунингдек, образлар (тасвирлар) ўзгаришига ва грамматик усуллардаги силжишларга, масалан, шахс ёки нуқтаи назарнинг ўзгаришига ҳам эътибор бериш керак.

Бироқ, шеърнинг шакли ва асосий урғусини топишнинг энг самарали йўли бу — *параллелизмни* кузатишдир. *Параллелизм* — иброний шеърятига хос бир услуб бўлиб, унда мисралар кўпинча жуфт ёки учлик ҳолда келади ва маълум маънода бир-бири билан уйғун ёки қарама-қарши муносабатда бўлади.

Баъзан иккинчи мисра биринчи мисрадаги асосий фикрни такрорлайди ва унга озгина кучайтириш ҳам қўшади. Баъзан эса иккинчи мисра биринчи фикрни инкор қилади ёки унга қарама-қарши маънони беради. Ёки иккинчи мисра биринчи фикрни тўладириб якунлайди.

Мисралар ўртасидаги айнан шундай муносабатлар — биринчи ва иккинчи мисра ўртасидаги алоқалар — шеърда турли хил параллелизмни ҳосил қилади. Ана шундай параллелизм турларининг ўзгариб боришини англай олсангиз, матннинг шакли ва урғусини ҳам равшан кўра оласиз.

ЯКУНЛАДИМ ДЕБ ЎЙЛАШНИНГ ХАВФИ!

Умумий ёндашувлар ва матн жанрига хос стратегияларни пухта ўзлаштириш матнингизнинг тузлиши ва унинг асосий фикрини аниқлаш учун тўғри қадам ҳисобланади. Китобнинг контексти ва умумий хабари (ғояси)ни аниқлаш ҳам экзегезанинг муҳим жиҳатларидандир. Ёдингизда бўлсин, сиз қуйидагиларни бажаришингиз керак:

1. Матн маъносини топишга киришар экансиз, тайёргарлик жараёнида ўз шахсий контекстингизни эмас, балки Муқаддас Китобнинг контекстини олға суришингиз керак.
2. Матнингиз китобнинг умумий хабарига қандай мос тушиши ва унда қандай ўрин тутишини англаб олгунингизча, матнни диққат билан “тингланг”.
3. Матннинг тузлиши ва асосан нимага урғу берилганини кўра билинг.

Қолаверса, сиз ҳали воизлик қилишга тайёр эмассиз, деб ўйлайман.

Фақат экзегезанинг ўзи етарли эмас. Изоляцияда амалга оширилган экзегеза ҳаддан ташқари *ақлий (илмий)* ёки *буйруқ оҳангида бўлган* ваъзга олиб келиши мумкин.

Ақлий (илмий) ваъз – бу илк (ўша даврадаги) тингловчиларни охирги мақсад қилиб олганингизда юзага келади. Бу шундай ҳолатки, сиз жуда аҳамиятли матнни оласиз-да, уни академик шарҳга ўхшаш ваъзлар ёзиш орқали аҳамиятсиз қилиб қўясиз. Сиз экзегеза ишларини қиласиз-у, шу ерда тўхтаб қоласиз. Натижада, зерикарли, изоҳлар билан тўлиб-тошган самарасиз ваъзлар пайдо бўлади.



Кўпинча, ёш воизлар шундай воизлик қилганларига кўп марта гувоҳ бўлганман. Улар дўстим Майк Булмор айтганидек, ўша ҳафтада матн ҳақида ўрганган барча маълумотларини жамлаб қўядиган бир “омбор” деб ўйлаб адашадилар. Аммо ваъз бу билимлар омбори эмас. Сиз шунчаки, ортиқча ақл ўргатишга асосланган ваъз тайёрлашдан эҳтиёт бўлишингиз керак.


Экзегезани алоҳида қўллашнинг яна бир хавфи шундаки, воиз фақат *буйруқча асосланган* ваъзлар қила бошлайди. Албатта, Муқаддас Китобда кўплаб амрлар бор ва улар ҳаёт учун долзарб. Лекин улар Муқаддас Китобга хос тарзда тўғри қўлланмаса ва уларда илоҳий контекст бўлмаса, нотўғри йўналишга ҳам олиб кетиши мумкин. Энг хавфли жиҳати шундаки, агар биз илоҳий-тафаккур босқичини четга суриб қўйсак (бу ҳақда кейинги бобда тўхталамиз), у ҳолда ҳатто тўғри таҳлил қилинган амрлар ҳам оддий *ахлоқий буйруқбозликка* айланиб қолади. Бу эса жамоатларимизда қонунчилик руҳини кучайтиради.

Шунинг учун ваъз тайёрлашда албатта илоҳиётга оид мулоҳаза босқичига эътибор қаратилиши керак. Бу эса бизни ваъз тайёрлашнинг кейинги босқичига олиб боради.

3-БОБ

ИЛОҲИЁТГА ОИД МУЛОҲАЗА

Аввалги бобнинг якунида кўрганимиздек, экзегеза билан чекланиб қолган изоҳди (экспозицион) ваъз охир-оқибат фақат ақлий ёки ҳаддан ташқари буйруққа асосланган бўлиб қолади. Ваъз қилиш академик ёки ахлоқий ваъзга айланади. Шунинг учун ваъзга тайёргарлик кўришда кейинги босқичга – илоҳиётга оид мулоҳазага ўтиш зарур. Бу босқичга эътибор қилмасангиз, у ҳолда сиз ҳали ҳақиқий ваъз қилишга тайёр эмассиз.



Илоҳиётга оид мулоҳаза нима ўзи? Оддийгина қилиб айтганда,

бу интизом – матн билан Худонинг қутқариш режаси орасида қандай алоқа борлиги ҳақида мулоҳаза юритиш учун ибодат билан алоҳида вақт ажратиш дегани. Ибодат билан мулоҳаза қилиш жараёнида мен ўзимга савол бераман: Бу парча бутун Муқаддас Китобга, айниқса, Худонинг Исо орқали қилган ишига қандай боғлиқ?

МУҚАДДАС КИТОБНИ ИСОНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎҚИШ

Исо тирилганидан кейин Эммаусга, Қуддусдан тахминан ўн чақирим узоқликдаги қишлоққа кетаётган иккита шогирдига (Ўзини танитмай) ҳамроҳ бўлади. Улар билан суҳбат давомида, Исо уларга Мусодан тортиб, барча пайғамбарлар китобларида Ўзи ҳақида айтилганини сўзлайди (Луқо 24:25-27). Кейинроқ, ўша кечада У бошқа ўн бир шогирдига ҳам кўриниб, уларга Муқаддас Ёзувларни тушунишлари ва Мусонинг қонунларида, Пайғамбарлар китобларида ва Забурда У ҳақида ёзилганини ва ёзилганларининг барчаси амалга ошиши кераклигини кўра олишлари учун уларнинг онгини очиб юборади (44-45–оятлар). Шунингдек, У Ўз ҳаворийларига Қуддусдан бошлаб дунёнинг энг олис ерларигача У ҳақида гувоҳлик беришни амр этади. Нима ҳақида гувоҳлик берилиши ёзма тарзда Хушxabар китобларида ҳамда Ҳаворийлар фаолиятлари китобида ва мактубларда берилган.

Исонинг сўзларида муҳим бир тамойил бор. Бутун Эски Аҳд китоблари, шунингдек, Янги Аҳд ҳам У ҳақида ва У билан боғлиқ муайян воқеалар ҳақида гапиради. Луқо 24-боб 46-47–оятлар айнан қайси воқеалар ҳақида сўз бораётганини айтади: “... уларга деди: “Шундай ёзилган эди ва Масих шундай азоб чекиши ҳамда учинчи куни тирилиши керак эди. Шунингдек, Йерусалимдан бошлаб барча халқларда Унинг номи ҳақи тавба қилиш ва гуноҳлар кечирилиши

воизлик қилиниши керак.” (Луқо 24:26 даги “азоб” ва “тирилиш” сўзларига эътибор қилинг). Ушбу соддагина жумлада чуқур маъно яширинган. Оятда берилган “Масих” сўзида мужассам бўлган яширин шоҳлик, Унинг ҳукмронлиги ва “барча халқлар”нинг ушбу шоҳликка киритилиши беқиёс даражада бой ғоялардир. Жумла оддий, аммо шу жумла Хушxabарнинг марказидир. Исонинг нуқтаи назари билан қарасак, Хушxabарни бутун Муқаддас Китобнинг ҳамма жойидан топиш мумкин. Хушxabар бутун Муқаддас Китобни бирлаштирадиган занжирга ўхшайди. Шу боис, уни бутун Муқаддас Китобни Хушxabар асосида ўқишимиз керак.

МУҚАДДАС КИТОБНИ ПАВЛУСНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎҚИШ

Худога шукурки, бутун Муқаддас битиклар Исо ҳақида гапиришини Павлус ҳам давом эттиради. Исонинг намунасини Павлус ҳам қўлайди. Ҳаворийлар фаолиятлари китобида ёзилишича, “Павлус ўз оdatига кўра уларнинг олдиларига кириб, уч шаббат кунни улар билан Ёзувлар бўйича мулоҳаза қилди. Масихнинг азоб чекиши ва Унинг ўликлардан тирилиши лозим бўлганини *очиб бериб* ҳамда буни *исбот қилиб*, у: “Шу Масих – мен сизларга воизлик қилаётган Исодир”, – деб айтар эди” (Ҳаворийлар 17:2-3). Шунингдек, Ҳаворийлар китобида Павлус Афинада (17:17), Коринф шаҳрида (18:4) ва Эфесда (18:19; 19:8) ҳам шунга ўхшаш мунозаралар олиб боргани ҳақида баён этилган.

Павлус ўз ишига жуда жиддий ва онгли равишда ёндашган. Унинг бу услуби бизга ҳам Муқаддас Китобни қандай ўқиш кераклигини ўргатади. Биринчидан, Павлус Масих ҳақида бутун Муқаддас Китобдан ваъз қилар экан, Исо ҳақида фикр юритади, Унинг Масих ва Нажоткор эканлиги ҳақида ишончли далиллар

келтиради. Павлус ишлатган сўзнинг ҳар бири Юнон фалсафаси замирида чуқур ахлоқий маънога эга бўлиб, Павлуснинг пухта ва чуқур фикрлашини кўрсатади. Иккинчидан, у бу усулларни турли муҳитларда: масалан, синагогаларда, бозорларда, яҳудийлар билан суҳбатларда ҳам, юнонлар билан ҳам ишлатган. У ҳамма жойда ҳар бир кишига бир хилда гапирган. Учинчидан, Павлус Муқаддас Китоб ҳақида ҳеч қандай билимга эга бўлмаган одамлар орасида ҳам Хушxabарни ваъз қилиш йўлини топган. Демак, Муқаддас Китоб ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган одамларга ҳам уларнинг ҳолатига мос равишда ваъз қилиш мумкин экан.

Павлус ҳам худди Исо каби бутун Муқаддас Китоб Исонинг ўлими ва тирилишига ишора қилишига ишонган. Шунингдек, Павлуснинг хизматидаги юқорида келтирилган учта жиҳат илоҳиётга оид мулоҳаза ҳақида фикр юритиш жиддий меҳнатни талаб этишини кўрсатади.

МУҚАДДАС КИТОБНИ ЧАРЛЬЗ СПЕРЖЕННИНГ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎҚИШ

Исо Масих ҳамда Павлуснинг услубида, аниқроғи, Муқаддас Китобни ўқишда Исони диққат марказда тутиш усулида иш кўрган, бизга яқинроқ даврда яшаган шахснинг намунасига қараш ҳам бизга бу борада фойдали бўлиши мумкин. Баптист ҳамда буюк воиз – Воизлар шаҳзодаси, деб ном олган Чарльз Ҳаддон Спержен бу ғояни қуйидагича ифодалаган:

Англиядаги ҳар бир шаҳарчадан, ҳар бир қишлоқдан ва ҳатто энг кичик овулдан ҳам Лондонга олиб борувчи йўл борлигини билмайсизми?! Худди шундай, Муқаддас Китобнинг ҳар бир қисми бизни

Масихга етаклайди. Азиз биродарим, ҳар бир матнга эътибор қаратганингизда, “Бу Масихга қандай ишора қиляпти?” деб сўранг. Мен ҳали бирор марта Исо ҳақида эслатмайдиган маттни учратмадим. Агар шундай матн бор бўлса (бундай матн йўқ), матн у ёки бу тарзда Исо ҳақида гапирмаса, унда бу парча ўқишга арзирмайди.²²

Спержен топшириқни тўғри бажарди – у Муқаддас Китобга тўғри ички ҳис (инстинктлар) билан ёндашди. У маттни ўқир экан, шундай савол берарди: “Мен ўқиган матн Хушxabарига қай тарзда ишора қилади ва унга тўғридан-тўғри қандай боғлиқ?” Мен унинг баъзи ваъзларидаги у қўллаган услубга – матндан Хушxabарга ўтиш услубига доим ҳам қўшилмаслигим мумкин, аммо у қўйган савол энг тўғри савол бўлган. Бу саволга қандай жавоб беришимиз жуда муҳим.

Ҳар бир маттни Исо ва Хушxabар нуқтаи назаридан кўриб чиқишни ўрганиш учун камида учта муҳим ва таъсирли соҳада ишончли билимга эга бўлишимиз керак. Уларсиз ҳақиқий талқин қилувчи (экспозицион ўрганувчи) бўлишинг иложи йўқ: тарихий-танқидий услуб (матнларни улар ёзилган вақт, жой ва тарихий шароитни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш), Каломий илоҳиётшунослик ва тизимли илоҳиётшунослик.

22 Чарльз Ҳаддон Спержен, “Исо имонлилар учун жуда қадри” (ваъз, Суррей (графлик) Муסיқий Зали, Суррей қироллик боғлари, 13 март 1859), <https://www.spurgeon.org/resource-library/sermons/christ-precious-to-believers/#flipbook/>; [Charles Haddon Spurgeon, “Christ Precious to Believers” (sermon, Music Hall, Royal Surrey Gardens, March 13, 1859), <https://www.spurgeon.org/resource-library/sermons/christ-precious-to-believers/#flipbook/>].

ТАРИХИЙ-ТАНҚИДИЙ УСЛУБНИНГ МАШАҚҚАТЛАРИ

Агар сиз менга ўхшаган академик муҳитда бўлсангиз, бу бобнинг биринчи сатридаги “илоҳиёт” сўзини ўқишингиз билан хаёлингизда “огоҳлик чироғи” ёниши табиий. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки *илоҳиёт* билан бирга *тарих* масаласи ҳам кўтарилади. Яъни, биз кўпинча матнни тўғри талқин қилишдаги (экзегетикадаги) масъулиятни етарлича қадрламаймиз, натижада тарихий воқеаларнинг вақти ва жойига жиддий ёндашмай қўямиз.

Бундай ҳолда биз ортиқча соддалаштирилган илоҳий фикрларга берилиб кетамиз: ё матнга сунъий тарзда саёз ва чала бир “хушxabар”ни қўшиб қўямиз, ёки умуман матнни ваъз қилиш ўрнига таълимотни ваъз қиламиз. Айниқса, ҳар ҳафта шундай ваъз қилиш одатга айланса, бу жуда хавfli ҳолатдан дарак беради. Чунки бундай ёндашув масиҳийликни тарихдан узиб қўяди.

Агар биз ваъз қилишда Эски Аҳддаги матннинг тарихий ҳолатини аҳамиятсиз деб ҳисоблаб, уни Хушxabарга етаклайдиган шунчаки бир зинадек кўрсак, бунда Муқаддас Китобни ўрганишда тингловчиларимизга “Тарих аҳамиятга эга эмас” деган фикрни сингдириб қўямиз. Бундай ҳолда тарих илоҳий диний ақида (догма) учун шунчаки муҳит (фон)га айланиб қолади. Агар шундай қилишда давом этсак, биздан кейинги авлод қайта тирилишга тарихий воқеа сифатида эмас, балки мавҳум бир руҳий воқеа сифатида қарай бошлайди. Худди шу тарзда, Муқаддас Китоб ҳақиқат эмас, балки ахлоқий афсона сифатида қўриладиган бўлади.

Қисқаси, Исо Масиҳ ҳақида ҳар бир парчадан воизлик қилишни мақсад қилиб олган айрим ёш воизлар, ўзлари билмаган ҳолда, масиҳий воизликнинг асосий пойдеворини йиқитиб қўйишлари мумкин.

Тарихнинг муҳимлиги ҳақидаги бу масала яқинда пайдо бўлган эмас. Жон Оуэн ўзининг *Каломий илоҳиёт* асарини 1661–йили лотин тилида нашр қилганидаёқ бу муаммони кўтарган. Жон Оуэн XVII–асрда Англияда яшаб ўтган чўпон ва илоҳиётшунос (теолог) эди. У китобнинг дастлабки уч бобида “илоҳиёт” тушунчасини Муқаддас Китоб матни ва унинг тарихи устига сунъий равишда қўшиб қўйилган нарса сифатида кўриб чиқади. Бу масала бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Айрим нуфузли академик илоҳиёт мактаблари (жумладан, менинг ҳудудимдаги мактаблардан бири ҳам) айнан шу сабабли ҳанузгача профессор-ўқитувчилар таркибига (штатга) илоҳиётшунос мутахассисни қабул қилишдан бош тортиб келмоқда.

Жеймс Барр – масиҳийларнинг ҳар бир нарсани Исонинг нуқтаи назаридан талқин қилиш истагини энг яхши танқид қиладиган қобилиятли танқидчилардан бири эди. У асосан XX–асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган ва Эски Аҳд бўйича мутахассис эди. Барр ҳар бир ваъзнинг марказида Исо бўлган ваъзларга шубҳа билан қарайди, чунки унинг фикрича, бундай ваъз, кўпинча, Эски Аҳд ўз маъносини ифодалашига йўл қўймайди. Балки унга масиҳийликни (яъни ҳар бир ваъзга Масиҳ ва Унинг қурбонлигини) мажбуран юклаб қўяди. Бу эса, натижада, Эски Аҳднинг масиҳийлик учун қийматини ва таъсирини камайтиради. Баррнинг сўзлари билан айтганда: “Агар масиҳийлик Эски Аҳдга ташқаридан киритилса ёки унга тиқиб қўйилса, унинг масиҳийликка фойдаси ва таъсири камаяди. У масиҳий натижалар бериши мумкин, лекин сунъий равишда ‘Масиҳга мослаштирилмаслиги’ керак. Лекин бунинг иложи борми?”²³

23 Жеймс Барр, *Каломий илоҳиёт тушунчаси: Эски Аҳд нуқтаи назаридан* (Лондон: SCM Press нашриёти, 1999), 253-254–бетлар; [James Barr, *The Concept of*

Жеймс Барр қанчалик танқид қилмасин, бу масалани савол остига олади. Бунинг иложи бормикан? Аниқроғи, Эски Аҳддаги матнларни уларнинг асл маъносини бузмасдан, Масихни марказга қўядиган матн сифатида ваъз қилиш мумкинми? Албатта, бу жуда муҳим савол.

Тассавур қиялман, агар Барр айрим воизлар Ҳабаққуқ 3–бобда Худо ҳақидаги тасвирни содалаштириб ваъз қилаётганларини кўрганида, нима деб ўйлаган бўларди? Ўша бобни ўқисангиз, Худо кўз қамашадиган даражада нур ичида, худди голиб жангчидай тасвирланган. У ерга тушганида душманлари томонидан хўрланган ва эзилган халқни мўъжизавий тарзда халос қилади.


Аммо, тажрибасиз, фақат “ҳар бир матн Масихга йўналтирилган бўлиши керак” деган ғояга кўр-кўрона ишонадиган воиз бундан шундай хулоса чиқаради: “Бу ерда Исо Масих ҳақида гап кетмоқда, У қудратли тарзда гуноҳкорларни кутқариб, ғалаба қозонди”. Бироқ шу пайт, Барр шундай деб сўраши мумкин: “Эй воиз, сиз қайси ҳуқуқ билан Худонинг Исроилга дунёвий душманлари ҳақида айтган ваъдасини ҳамма халқ учун руҳий душмани устидан ғалаба деб талқин қиялпсиз? Бу билан сиз *тарихий воқеликни четга суриб*, матнни *руҳий-мифологик* маънога айлантириб қўймаяпсизми?”

Ҳабаққуқ 3–бобдан келтирилган бу мисол бизни яна ўша саволга қайтаради: воизлар Эски Аҳддаги матнларни уларнинг асл тарихий маъносини йўқотмаган ҳолда, Исо Масихга боғлаб тушунтиришлари мумкинми?

Исо Луқо 24–бобда айтганидек, барча Ёзувлар “Мусодан тортиб, барча пайгамбарларда Ўзи ҳақида айтилган” деган тамойилдан чиқиб кетмаган ҳолда, шу билан бирга, матнни тарихдан

Biblical Theology: An Old Testament Perspective (London: SCM Press, 1999), pages 253-254].

узиб қўймайдиган йўлни топиш мумкинми?



Бу саволни фақат Эски Аҳдга эмас, Янги Аҳдга ҳам қўйиш мумкин. Чунки баъзан одам иккинчи маъбад даври яҳудийлиги ёки Юнон-Рим дунёси тарихи каби фонларга шунчалик берилиб кетадики, ўша матннинг ҳақиқий маъноси Хушхабарга қандай алоқадор экани ҳақида унутади.

Ҳақиқатан ҳам, тарихий-танқидий таҳлилнинг энг катта муаммоси “қандай қилиб?” деган саволда. Яъни: қандай қилиб Муқаддас Китоб матнидаги тарихий боғлиқликни бузиб қўймаган ҳолда, у ҳақида илоҳий мулоҳаза юритиш мумкин?

Энг аввало, илоҳиёт бўйича мулоҳаза қилиш ибодат билан бошланиши шарт. Аниқроғи, ибодат қилмай туриб илоҳиёт бўйича мулоҳаза қилишнинг илоҳи ёқ. Масиҳнинг ким эканини англаш учун – Худонинг Муқаддас Китобда берган ваъдалари Масиҳда амалга ошганини кўра олиш учун сокин вақт олиб ибодат қилиш керак бўлади.

Луқо Хушхабариди муаллиф бу боғлиқликни бир неча бор кўрсатади. Масалан, Исо: “Сизлар-чи, Мени ким деб хисоблайсизлар?” деб сўраганида, Бутрус: “Сен Худонинг Масихсан!”, деб жавоб беради. Бу оятдан олдин эса Исонинг ёлғиз Ўзи ибодат қилаётгани ёзилган (Луқо 9:18-20). Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Луқо Исонинг Бутрусга ибодат орқали зоҳир бўлганини билдирмоқчи. Шунингдек, Исонинг юзи-кўриниши ўзгаргани ва кийимларининг ҳам оппоқ бўлиб порлаши воқеаси – У Худонинг Ўғли ва Танлангани сифатида шон-шухратда намоён бўлиши ҳам Исо Бутрус, Ёқуб ва Юҳаннони тоққа ибодат қилиш учун олиб чиққанидан кейин содир бўлади (Луқо 9:28-36).

Хушхабарнинг бошига қайтадиган бўлсак, Шимон ва Ҳанна ҳақида ҳам шундай дейилади: улар “ҳақ ва диёнати” кишилар сифатида таърифланади. Худо уларга Исони намоён қилишидан олдинги оятларда уларнинг айнан шу сифатлари таъкидлаб ўтилади (Луқо 2:25, 37; яна 2:28-32, 38). Яна Луқо Хушхабариди қайд этилишича, ҳатто Исонинг сувга чўмдирилишида ҳам, Худо уни Ўғлим деб эълон қилган пайтда, осмон айнан Исо дуо қилаётган вақтда очилган (Луқо 3:21-22).

Луқо бу ҳақиқатни аниқ-равшан таъкидлади: Худо Исони одамларга ибодат орқали намоён қилади. Шундай экан, агар биз ваъзларимизда Исонинг намоён бўлишини чин дилдан истасак – Исони бутун Муқаддас Ёзувларнинг маркази сифатида очиб беришни хоҳласак – унда тайёргарликни ибодатдан бошлашимиз шарт. Фақат шундан кейингина биз жиддий илоҳиёт мулоҳазалари босқичига кириша оламиз. Фақат шундан кейингина биз Каломий илоҳиёт ва тизимли илоҳиёт устида ишлашга ўтишимиз мумкин.

КАЛОМИЙ ИЛОҲИЁТНИНГ ФЙДАЛАРИ

Каломий илоҳиёт биздан бир қадам ортга чекиниб, Худо нима деганини ва нима қилганини кенгроқ – бир бутун ҳолда кўришни талаб этади. Шунда буларнинг ҳаммаси Худонинг илоҳий ҳақиқатига – Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилишига боғланишини кўра оламиз. Мен бу соҳани (Каломий илоҳиёт) шундай деб тушунаман: Муқаддас Китобни шундай ўқиш керакки, унда Худонинг одамзод учун қутқариш режаси Исо орқали аста-секин очиб борилиши кўриниб турсин.

Каломий илоҳиёт соҳаси ваъз қилишнинг энг муҳим қисми ҳисобланади, сабаби у ваъзнинг шунчаки ақлий мулоҳаза ёки одоб-ахлоқ ҳақидаги маърузага айланиб қолишидан сақлайди. Ижобий томони шундаки, Каломий илоҳиёт ҳар бир оят ёки парчадан сизга Исо Масиҳ Хушхабарининг негизига етиб бориш имконини беради. Исонинг Ўзи ҳам Луқо 24–бобда шундай қилган. У бутун Муқаддас Китобни Ўзи билан боғлаб тушунтирган. Шунинг учун ҳам Каломий илоҳиёт муҳим маълумотни муҳимлигича сақлаб қолади.

Шундай экан, Каломий илоҳиётни амалда қандай қўллаш мумкин? Уни ваъзларимизда қандай қилиб тўғри қўллашимиз мумкин? У ваъз тайёрлаш жараёнида бизга қандай ёрдам беради? Бунинг учун, менимча, қуйидаги учта муҳим ишни бажаришимиз керак бўлади:

- Каломий илоҳиёт бўйича мулоҳаза юритишни ўрганинг.
- Янги Аҳднинг бошқарувига эргашинг.
- Хушхабар билан тўғри боғланишлар қилинг.

1. Каломий илоҳиёт бўйича мулоҳаза юритишни ўрганинг.

Ўзимизда йўқ бўлган нарсани қўллай олмаимиз, тўғрими? Шунинг учун биричи қадам – Каломий илоҳиёт бўйича мулоҳаза юритишни ўрганиш бўлади. Бундай мулоҳаза қилишни ўрганишнинг энг яхши йўли бу Муқаддас Китобни тўлиқ ва мунтазам равишда ўқиб боришдир. Шундай қилсангиз бутун Муқаддас Китобни чуқур ва ичидан англай оладиган, матнлар орасидаги боғланишларни кўра оладиган бўласиз. Шу боис, Муқаддас Битикларни мунтазам равишда ибодат билан ўқиб боришни одат қилиб олинг. Ундаги ҳар бир китобни ўқиганингизда, уларнинг мусиқий қаторини қидиринг. Сиз Муқаддас Китобни ўқиб, тўлиқ ёки яхлит манзарани кўришга қанча кўп вақт сарфласангиз, катта манзарани шунча аниқроқ кўра оладиган бўласиз.²⁴

Албатта, ўзингизда кенг қамровли Каломий илоҳиёт бўйича мулоҳаза қилиш маҳоратини шакллантириб бориш билан бирга, ҳар ҳафта ваъз тайёрлаганингизда ҳам бу боғланишларни топишингиз

24 Каломий илоҳиётни тушуниш учун яхши иккиламчи манбалар ҳам мавжуд. Мен шундай манбалардан Герардус Воснинг “Каломий илоҳиёт” асарини ўқишдан бошладим. Вос Муқаддас Китобни даврлар (Мусо, пайгамбарлар даври ва Янги Аҳд) нуқтаи назаридан тушунган ва ўз асирида батафсил тушунтириб берган. Кейин Жонатан Эдвардснинг “Қутқарилиш тарихи” асарини ўрганишга ўтдим. У ҳам инсоният тарихини уч асосий даврга бўлган: биринчи гуноҳ қуликдан Масиҳнинг келишигача, Масиҳнинг танада келишидан тирилишигача, сўнг тирилишдан дунёнинг охиригача. Бу асардан кейин Эса Грэм Годсвортининг “Хушxabар ва Шоҳлик” асарини ўқидим. Унда муаллиф “Шоҳлик” ғоясини бутун Муқаддас Китобни бирлаштирувчи марказий мавзу сифатида таърифлайди (менга ўхшаб илоҳиётни ўрганмокчи бўлганларга айнан мана шу асарни тавсия этаман). Агар сизга соддароқ тушунтирилган асар керак бўлса, Ван Робертснинг “Худонинг буюк манзараси” асарини ўқинг. Борди-ю, сизга янада соддароқ, ёш бола даражасида содда тушунтирилган асар керак бўлса, “Муқаддас Китобнинг катта манзараси” асарини тавсия қиламан; [Geerhardus Vos, *Biblical Theology*; Jonathan Edwards, *A History of the Work of Redemption*; Graeme Goldsworthy, *Gospel and Kingdom*; Vaughan Roberts, *God’s Big Picture*; David R. Helm and Gail Schoonmaker, *The Big Picture Story Bible*].

керак бўлади. Бироқ, буни Муқаддас Китобнинг тарихи ва адабий хусусиятларини инобатга олган ҳолда бажариш керак. Ҳар бир парчанинг талқини “менинг матнимда Исо қаерда?” деган оддий саволга жавоб бериш билан чекланмайди. Исо бирор бир тошнинг остига ёки бирор бир дарахтнинг орқасига яшириниб олмаган-ки, уни топиб олсак. Биз юқоридаги саволдан кўра бир оз чуқурроқ саволлардан бошлашимиз керак. Масалан:

- Бу матни тушунишимга Хушxabар қандай таъсир қилади?
- Менинг матним Хушxabарнинг келишига қандай ишора қилади, ёки уни қандай намоён қилади?

Бироқ, яхшироқ саволлар қўйиш ҳам етарли эмас.

2. Янги Аҳднинг бошқарувига эргашинг.

Агар икки Аҳдни ўзаро боғлаш нуқтаи назари билан айтадиган бўлсак, илк “Каломий илоҳиётчилар” айнан Янги Аҳд муаллифлари бўлган. Янги Аҳд саҳифаларини варақласангиз, деярли ҳар бир бетида Эски Аҳддан тўғридан-тўғри иқтибос келтирилганини ёки сон-саноқсиз ишораларни кўрасиз. Бу эса Каломий илоҳиёт билан шуғуланмоқчи бўлган ҳар қандай киши учун беқиёс ёрдам ҳисобланади. Шу маънода Янги Аҳд ҳақиқий хазинага ўхшайди — у илоҳиётчилик усулларини кўрсатиб беради. Агар сиз ўрганаётган матн бошқа бир матнга ишора қилаётган бўлса (айниқса, икки Аҳдни боғлаб турган бўлса), демак, сиз тўғри йўлдан бошлагансиз.²⁵

Мен бу бобнинг бошида Павлуcнинг Ҳаворийлар

25 Мен деярли ҳар ҳафта фойдаланадиган қулай восита – Nestle-Aland 28–нашр индексидир. Бунинг учун Юнон тилини билиш шарт эмас, чунки унда Янги Аҳдда тилган олинган Эски Аҳддаги ҳар бир ишора ва иқтибослар келтирилган.

фаолиятлари китобидаги услуби орқали Эски Аҳд ва Янги Аҳд оятларини Исо Масиҳнинг ўлим ва тирилиш воқеаси билан боғлаш катта диққат ва пухта ёндашувни талаб қилишини айтиб ўтган эдим. Лекин, назаримда, унинг Афинада айтган нутқига (Ҳаворийлар 17:22-31) бирров кўз ташласак, у шу боғланишларни қандай қилиб амалга оширгани ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Гарчи бу нутқ Муқаддас Китобнинг муайян бир матнини батафсил шарҳлаб бермаган бўлса-да, у бутун Китобнинг Хушхабарга хос моҳиятини очиб беради. Бу моҳият, айниқса, Павлус ўз нутқида муайян илоҳий тушунчаларни таъкидлаганида яққол кўринади.

Кириш

- Павлус саждагоҳлардан фойдаланиб Худо ҳақида сўз очади (22-23–оятлар).

Асосий қисм

- Павлус суҳбатини Худо оламини ва ундаги ҳамма нарсани яратгани билан бошлайди (24–оят).
- Кейин эса инсониятнинг умумий муаммоси бутпарастлик эканини маълум қилади (24-25–оятлар).
- У Худонинг абадийлигини ҳамда биз билан муносабатда бўлишни исташини таъкидлайди (26-28–оятлар).
- Худо инсониятнинг айбдорлигини эълон қилиб уларни тавба қилишга чақиради (29-30–оятлар).

Хулоса

- Павлус ўлиб тирилган Исо ҳақида гапириб, Унга содиқ бўлишимиз кераклигини айтади (31–оят).
- Сўнг, Худо дунёни адолат билан ҳукм қилади, деб ваъзини яқунлайди (31–оят).

Павлус атиги саккизта оятда бутун Муқаддас Китоб тарихини – Ибтидодан Ваҳийгача бўлган ҳикояни тушунтириб берибди. У Худонинг Яратувчи сифатидаги мақоми, инсониятнинг гуноҳга ботгани, Масихнинг тирилиши ва Унинг осмонда белгиланган кунда инсониятни ҳукм қилиш учун қайтиб келишини бир-бирига боғлаб баён қилди. Шу маънода унинг бу ваъзи Муқаддас Китоб тарихининг улкан манзарасини қисқа вақтда самарали тарзда қандай етказиш мумкинлигига энг яхши намунадир. Павлуснинг бу ваъзи бизга анчагина сабоқ беради: биз қайси оят ёки китобни ўқишимиздан қатъи назар, унинг намунасига эргашишимиз мумкин.

Ваъз тайёрлашда Каломий илоҳиётдан фойдаланишнинг мана шу икки усули муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Чунки сизга Муқаддас Китоб ҳақида умумий қараш, унинг бутун тарихини ва қай тарзда бир-бирига боғланишини тушуниш зарур бўлади. Шу билан бирга, сиз Янги Аҳднинг Эски Аҳд билан қандай боғлиқлигини ва Эски Аҳднинг Янги Аҳдга қандай йўл очиб берганини англаб етишингиз керак бўлади. Лекин, энг муҳими, ҳатто Янги Аҳдда Эски Аҳддан аниқ иқтибос келтирилмаган ҳолларда ҳам, матнлар орасида боғланиш ясаш учун махсус “воситалар”, яъни усуллар ва билимларга эга бўлишингиз зарур.

3. Хушхабар билан тўғри боғланишлар қилинг.

Агар менинг сўнги бўлимларда айтган фикрларим тўғри бўлса, у ҳолда сизнинг асосий вазифангиз сиз ваъз қилмоқчи бўлаётган матндан Хушхабар билан тўғри боғланишларни топишдир.

Фикримча, бу борада сизга қуйидаги тўртта асосий йўналиш яхши ёрдам беради:

- Башоратнинг амалга ошиши
- Тарихий йўналиш
- Асосий мавзу ва гоаялар
- Ўхшатишлар ва таққословчи қисмлар

Албатта, бу йўналишлар кўп жойларда ўзаро бир-бирига қўшилиб кетади. Масалан, башоратнинг амалга ошиши мавзуга қўшилиб кетиши ёки ўхшатиш орқали берилиши мумкин. Ўхшатишнинг ўзи матн мавзусини очиб бериши ҳам мумкин. Мавзу эса табиийки тарихий йўналиш билан боғлиқ бўлади. Яна бошқа бир оз фарқ қиладиган йўналишлар ҳам бор. Лекин энг муҳими — уларни қандай аниқлаш ёки тартибга солиш эмас, балки уларнинг ҳаққоний ва асосли бўлишидир. Шу йўналишлар бор-йўғи йўл бошидаги қадамлар, холос.

Башоратнинг амалга ошишига эътибор қаратинг

Шубҳасиз, энг аниқ боғланишлар матндан аниқ кўриниб турадиганларидир. Яхши биласизки, Эски Аҳдда Худо келажакда Масиҳни юборишга ваъда берган ва бунга анчагина мисоллар бор. Янги Аҳдга киритилган китобларнинг муаллифлари эса ана шу башоратларга таяниб, уларнинг Исо Масиҳ шахсида ва ҳаётида қандай амалга ошганини очиб берганлар.

Башоратнинг бажарилишига энг оддий мисол қилиб Матто Хушхабаридagi “*бажо бўлмоқ*” сўзининг ишлатилишини кўрсатиш мумкин. Бу сўз Матто Хушхабарида турли шаклларда қўлланган. Муаллиф Хушхабарни ҳикоя қилар экан, тахминан 10 ёки ундан ҳам кўпроқ марта ҳикоялар орасида тўхтаб, Исо Масих Эски Аҳд пайғамбарлари қилган башоратларини қандай амалга оширганини таъкидлаб ўтади. Мисрга кетиш воқеасидан тортиб, Исонинг масаллар орқали сўзлашигача (Матто 2:14-15; 13:35), Унинг ҳаёти кўп жиҳатдан тўғридан-тўғри Эски Аҳд пайғамбарлари қилган башоратлар амалга ошганини кўрсатади. Ҳатто Исо Масихнинг ўзи ҳам Хушхабарнинг энг муҳим нуқталарида бу ҳақда очиқ айтади:

Ёки ўйлайсанки, Мен Отамга илгижо қила олмайманми ва У Менга ўн икки легиондан ортиқ фаришталарни юбормайдими? У ҳолда, буларнинг содир бўлмоғи кераклиги ҳақидаги Ёзув қандай *бажо бўлади?* Шу пайт Исо халққа деди: “Сизлар Мени қўлга олиш учун худди қароқчининг олдига чиққандек қилич ва таёқ билан қуролланиб чиқибсизлар, бироқ Мен маъбадда таълим бериб, ҳар куни сизлар билан бирга ўтирар эдим, сизлар эса Мени қўлга олмас эдингизлар”. Буларнинг ҳаммаси пайғамбарларнинг ёзувлари *бажо бўлиши учун* содир бўлди. Шунда ҳамма шогирдлари Уни ташлаб, қочдилар. (Матто 26:53-56)

Матто Хушхабарида Эски Аҳддаги башоратлар Исо Масихнинг шахси ва ҳаётида амалга ошишининг тўғридан-тўғри ва оддий, шу билан бирга, аниқ-равшан усулини қўлаган. Фақат Маттогина эмас, Луқо билан Юҳанно ҳам ўзлари баён этган

Хушxabарларида худди шу усулни қўлаганлар. Бу усул кейинчалик илк жамоатларда ҳаворийлар хизматининг бир қисмига айланди. Масалан, Ҳаворийлар фаолиятлари китобининг 3–бобида Бутрус ўз ваъзларидан бирида жуда муҳим апологетик ҳимояни амалга оширади: “Худо эса Ўзининг ҳамма пайғамбарларининг оғзи билан Масихнинг азоб чекишини олдиндан қандай хабар қилган бўлса, шундай бажо келтирди” (Ҳаворийлар 3:18; қиёсланг: 13:27). Ёқуб ҳам Иброҳимнинг имони орқали оқланиши ҳақида гапирар экан, шу усулдан фойдаланади (Ёқуб 2:23).

Албатта, бу таққослаш усулини Янги Аҳддан Эски Аҳдга қаратиб эмас, аксинча, Эски Аҳддан Янги Аҳдга қаратиб қўллаш ҳам мумкин. Яъни, сиз Эски Аҳддан бошлаб Янги Аҳдда бу ваъдалар Исо Масих шахсида ва ҳаётида қандай амалга ошганини аниқ кўришингиз ва кўрсатишингиз мумкин. Масалан, Мусо Исроил халқига Худо унга ўхшаган – Худонинг Сўзини етказадиган яна бир пайғамбарни юборишини айтган. Кейин Бутрус бизга Исо айнан шу ваъдани бажарганини таъкидлайди (Қонунлар 18:15-22; Ҳаворийлар 3:22-26).

Матндан тарихий йўналишни изланг

Ўрганаётган матнингизни Хушxabар билан боғлашнинг иккинчи усули бу тарихий воқеаларнинг ривожланишини ёки *тарихий йўналишни* топишдир. Башоратларнинг амалга ошиши усулида бўлгани каби, матннинг тарихий йўналишини излаш ҳам “Худо Ўзини аста-секин, босқичма-босқич ошкор этади” деган ғояга таянади. Шунга кўра, нажот тарихи ҳикояси ҳам муайян йўналишга эга бўлиб, унинг чўққиси хочда намоён бўлади. Аммо бу усул биздан нажот тарихининг ягона тарихий йўлини, аниқроғи, асосий сюжетини кўра билишни ва ундаги ҳал қилувчи фикрларни ажратиб

олишни талаб қилади.²⁶

Масалан, нажот тарихини қуйидагича қисқача ифода этиш мумкин: **Яратилиш** → **Гуноҳ** → **Қутқарилиш** → **Янги Яратилиш**. Муқаддас Китобдаги ҳар битта матн айнан шу босқичлардан бири ҳақида гапиреди. Шундай экан, матнни ўрганиш жараёнида биз ўша матнни нажот тарихи ичида жойлаштириш имконига эга бўламиз. Демак, матнни Хушxabар билан боғлаганимизда у мана шу катта тарихий йўналишнинг қайси нуқтасига тўғри келиши осон ва яққол кўринади.

Бу жуда оддий усул. Масалан, бирорта компьютер дастурида ёй шаклини чизиш учун камида учта ёй шаклини чизишда қўл келувчи нуқталар бўлиши керак. Бу геометрик масала. Худди шу тарзда, Муқаддас Китобда тарихий йўналишларни чизиш ва унинг Хушxabарга қандай боғлиқлиги борлигини кўриш учун сизга ҳам учта нуқта керак. Менинг тажрибамга кўра, буни кўришнинг энг осон усули Муқаддас Китобдан битта парчани олиб, Нажот тарихи ичида ундан олдинги бир нуқтани ва ундан кейинги бир нуқтани белгилаб олиш керак. Сўнг эса ана шу уч нуқта ёрдамида мен тарихий йўналишни чизаман ва шу тарзда мен танлаган матн Хушxabарга қандай боғлиқ эканини аниқ кўра оламан.

Масалан, Воиз 12–боб 1–8–оятлари Яратувчини ёдда тутишга алоҳида ургу беради. Римликларга мактубнинг 1–боби ҳам худди шу гоёни таъкидлайди. Ҳар икки матн нажот тарихи ичидаги муайян бир нуқтани кўрсатади, қолган бутун нажот тарихи эса ана шу нуқтадан оқиб чиқади. Сиз Муқаддас Китобдаги воқеаларга қайтиб, ҳақиқий яратилишни (Ибтидо 1-2) кўриб чиқишингиз ёки келажакка қараб,

26 Сидней Грейданус, *Эски Аҳддан Исони ваъз қилиш: Замонавий герменевтик услуб* (Гренд Рапидс, Мичиган штати: Eerdmans нашриёти, 1999), 234-240–бетлар; [Sidney Greidanus, *Preaching Christ from the Old Testament: A Contemporary Hermeneutical Method* (Grand Rapids, MI: Eerdmans, 1999), pages 239-240].

янги ер ва осмоннинг яратилиши гоёсига (2–Коринфликларга 5:17) ўтишингиз мумкин. Бунинг ҳар иккаласи ҳам нажот тарихи ичидаги муҳим даврлар бўлиб, улар орқали нажотнинг марказига боғланиш мумкин. Агар сиз ўрганаётган парчада охирзамонга оид мазмун ёки апокалиптик руҳ бўлса, матнларни мана шундай йўл билан боғлаш жуда фойдали бўлади. Чунки янги ер ва осмоннинг яратилиши Масиҳнинг қайтиб келишини ва унга боғлиқ барча оқибатларни ўз ичига олади.

Мавзуларга диққат қилинг

Муқаддас Китобнинг барча қисмларини яна бир усул билан – илоҳий *мавзулар* орқали боғлаш мумкин. Худо Ўзини Муқаддас Битиклар орқали аста-секин муайян мавзулар ёки рамзлар воситасида намоён қилади. Умумий ҳисобда йигирмадан ортиқ шундай мавзуларни биламиз. Аммо энг асосийларидан айримлари: Шоҳлик, Аҳд, Маъбад/Руҳоний/Қурбонлик ва Чиқиш/Сургун/Тинчлик мавзуларидир.

Мавзуларнинг қандай ишлашини тушуниш жуда муҳим. Масалан, Мисрдан чиқиш воқеаси Чиқиш китобида қайд этилган тарихий ҳодисадир. Бироқ, унинг маъноси шу билан чекланиб қолмайди, балки Муқаддас Китоб бўйлаб қайта-қайта такрорланадиган бир фикрга айланади: Худо Ўз халқини куликдан олиб чиқиб, синовлардан ўтказди ва уларни Ўз марҳамати ҳузурига етаклайди. Эски Аҳд пайғамбарлари асирликка олиниш ва асирликдан қайтиш ҳақида ёзар экан, уни “янги чиқиш” сифатида тасвирлайдилар. Демак, чиқиш мавзуси Исо Масиҳнинг ўлими ва тирилишида ўзининг олий нуқтасига етади (Луқо 9:30-31 га қаранг).

Эсимда, бир сафар мен Луқо 22:14-30 ни ўрганаётган эдим. Бу ерда “шоҳлик” мавзуси жуда аниқ кўриниб турарди. Чунки бу сўз

мазкур парчада тўрт марта такрорланади ва Луқо Хушхабарининг қолган қисмларида ҳам асосий мавзу бўлиб қолади. Бироқ, маттни ўқиб чиқар эканман, яна бир мавзунини пайқадим: **аҳд**. Қаранг Луқо, 22–боб 20–оят бу ҳақида нима дейди: “Шунингдек, кечликдан кейин Исо косани олиб деди: «Бу коса сизлар учун тўкилатган Менинг қонимдаги Янги Аҳддир.»”

“Аҳд” сўзи Луқо Хушхабаридида фақат икки марта учрайди: мана шу оятда ва Луқо 1:72 да. Шунинг учун мен Муқаддас Китобда тасвирланган турли аҳдлар устида изланишга киришдим. Нухдан тортиб Иброҳим ва Довудгача — *аҳд мавзуси* кўп учрайди ва бу жуда муҳим мавзу. Бироқ Луқо Хушхабаридида ишлатилган бу сўз, албатта, ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки бу сўз билан Луқо шунчаки бир аҳд ҳақида эмас, балки **“Янги Аҳд”**ни назарда тутатган эди. Янги Аҳд 1–Коринфликларга 11:25 даги охириги кечки таомга ҳам боғланган. Бироқ, бу мавзу мени, энг аввало, Муқаддас Китобда бу сўз илк марта ишлатилган жойга – Йермияҳ 31:31-34–оятларга олиб борди.

Мана, шундай кунлар келмоқда, – дейди Раббий, – Мен Исроилнинг хонадони ва Яҳудонинг хонадони билан Янги Аҳд тузаман. Бу Аҳд – Мен уларнинг оталарини қўлидан ушлаб, Миср еридан олиб чиққан кунларимдаги улар билан тузган Аҳдга ўхшамайди. Мен уларга содиқ хўжайин бўлсам ҳам, улар Менинг ўша Аҳдимни буздилар. Лекин мана, ўша кунлардан сўнг Мен Исроилнинг хонадони билан тузадиган Аҳдим шуки, – дейди Раббий, – Мен Қонунимни уларнинг ичига жойлайман, уни уларнинг юракларига ёзиб қўяман. Мен уларнинг Худоси бўламан, улар эса Менинг халқим бўладилар. Ҳеч ким ўз яқинига ва ҳеч

ким ўз биродарига: “Раббийни таниб-билинглар”, – демайди. Чунки ҳамма: кичикдан каттагача Мени таниб-билади, – дейди Раббий, – зеро Мен уларнинг қонунбузарликларини кечираман ва уларнинг гуноҳларини бошқа эсга олмайман. (Йермияҳ 31:31-34)

Воизлик хизматимда Янги Аҳднинг Йермияҳ 31–боб билан боғлиқлигини тушуниб етиш менга фойдали бўлди. Чунки бу менга ваъз қилишга ёрдам берадиган камида яна учта боғлиқликни очиб берди. Биринчи боғлиқлик шоҳлик ахлоқи ҳақида. Луқо асосан мана шу мавзуга урғу беради. Йермияҳ 31:34 да Худо Янги Аҳддан баҳраманд бўладиганларни “катта” ва “кичик”лар сифатида тилга олади. Луқо Хушхабарига Исо бу фикрни кўп марта тилга олади (масалан, 7:28 ва 9:48). Шунингдек, У “охиргилар биринчи, биринчи бўлганлар охирги бўлади” деган тамойилни ҳам таъкидлайди (ёки камтар бўлиш – 13:30; 14:11; 17:7-10 га қаранг). Луқо 22–бобда эса Исо шогирдларига Янги Аҳднинг асосий неъматлари — хизмат қилиш ва камтар бўлиш эканини ўргатади. Унинг фикрича, ҳақиқий буюклик — кичик бўлиш ва бошқаларга хизмат қилишда (22:24-27).

Иккинчи боғлиқлик – иштирок. Худо нафақат аҳд тузган, балки шу аҳд орқали одамларига Шоҳликдан улуш ҳам берган. Йермияҳ 31–бобда “аҳд тузиш” сўзи ишлатилса, Луқо 22:29 да Исо “шоҳликни васият қилиш” ҳақида гапиради. У шогирдларига шундай дейди: “Сизлар Менинг синовларимда Мен билан бирга бўлдингизлар. Шунинг учун Отам Менга *васият қилгани* каби, Мен ҳам сизларга Шоҳликни *васият қилаяпман*, токи сизлар Менинг Шоҳлигимдаги зиёфатда ўтириб еб-ичинглар ва тахтларга ўтириб, Исроилнинг ўн икки қабиласини ҳукм қилинглар” (Луқо 22:28-30).

Учинчи боғланиш шундан иборатки, шогирдлар каби биз ҳам “энг буюк” бўлиш ҳақида қайғуришимиз шарт эмас (Луқо 22:24). Чунки Исо бизга Ўз ҳукмронлигининг улушларини ваъда қилади (22:30). Қизиғи шундаки, Йермияҳ 31–бобда асосий урғу бирлашган Исроилга қаратилган – у ерда қабилалар бутун дунё устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга бўладиган ягона халқ сифатида тасвирланади (Йермияҳ 25:17-29 га қаранг).

Шу тариқа, аҳд мавзуси орқали Луқо 22–боб ва Йермияҳ 31–боб ўртасидаги боғланишларни топганим Луқо 22:14-30 асосидаги ваъзимни анча бойитди. Шу тариқа ваъзим фақат Раббий билан кечки овқат ҳақидагина эмас, балки уйимизда оилавий кечки овқат пайтидаги одоб-ахлоқ ҳақида ҳам бўлди. Бу ваъз фақат Худонинг нажот аҳди ҳақида эмас, балки мен ҳам иштирок этадиган ва унда ҳукмронликка шерик бўладиган аҳд ҳақида ҳам бўлди.

Ўхшатишларни изланг

Ваъз қилувчилар энг кўп қўлайдиган, шу билан бирга, энг кўп нотўғри ишлатишадиган усуллардан бири — *ўхшатишлардир*. Бир томондан, бу йўналиш анча мураккаб туюлиши мумкин, чунки у аналогия, типология, аллегория, метафора ва бошқа кўплаб техник атамаларни бир-биридан фарқлашни талаб қилади. Албатта, мен сизга бу атамаларга ортиқча берилиб кетмасликни тавсия қилган бўлардим. Чунки турли Муқаддас Китоб олимлари ва воизлари уларни турлича таърифлайдилар.

Яна бир жиҳати шундаки, бунда осонгина шу мавзуга ҳаддан ташқари берилиб кетиш мумкин. Масалан, агар сиз типология деган тушунчани яхши ўзлаштирсангиз, ундан кейин кўрган ҳамма нарсангизга типология асосида қарайдиган бўлиб қоласиз. Агар шундай қиладиган бўлсангиз, сиз айтадиган ҳар бир ваъзингизни ҳам

мажбуран типология қолипига солиб, уни ўзига тўғри келмайдиган бир шаклга келтириб қўясиз.

Аналогия эса икки нарсани таққослаш ёки улар орасидаги ўхшашлик ва фарқни кўрсатишнинг кенг қамровли усулидир. Яхши ҳикоялар қаҳрамонлар ёки предметларга бошиданок муайян хислат ёки вазифаларни юклайди, кейин эса бу нарсалар катта маънога эга бўлиб чиқади. Яхши ҳикоялар айнан шу жиҳати билан қадрланади. Шу сабабли биз китобни яна қайта ўқишни ёки бир кўрган фильмимизни иккинчи марта ҳам кўришни истаймиз. Биринчи марта ўқиганингизда сиз эътибор бермаган кичик деталлар, аслида, муаллифнинг яширин мақсади очилганидан кейингина ҳақиқий аҳамиятга эга бўлади.

Ҳикматларда айтилганидек: “Ишни яшириш — Худонинг шуҳрати�ир, подшоҳларнинг шуҳрати эса бунини излаб топишдир” (Ҳикматлар 25:2). Афтидан, Худо Ўзининг чексиз донолиги билан Исроил тарихидаги баъзи одамларнинг ҳаётига, нарсаларга ва ҳодисаларга ўхшатиш маъносини жойлаган. Бу ўхшатишнинг ҳақиқий мазмуни эса фақат Масихда тўлиқ намоён бўлади. Шунинг учун Муқаддас Китобдаги бундай ўхшатишларни англай олиш яхши ваъз қилиш учун жуда муҳим кўникма ҳисобланади.

Бу ўхшатишлар кенг маънода бўлиши мумкин – бундай ҳолда биз уларни шунчаки **ўхшатиш** деб атаймиз. Аммо Муқаддас Китобдаги бирор шахс, воқеа, муассаса ёки предмет Исо Масихнинг муайян жиҳатини олдиндан аниқ ифода этса, бундай ҳолат **типология** дейилади. Типологияда ўхшатиш башорат қилиш хусусиятига эга бўлиб, вақт ўтиши билан янада чуқурроқ маъно касб этади.²⁷

27 Г. К. Бийл, *Янги Аҳдда Эски Аҳддан фойдаланиш қўлланмаси: Экзегетика ва талқин* (Гренд Рапидс, Мишиган: Baker Academic нашриёти, 2012), 14–бет; [Г.К. Веа-

Масалан, Шоҳ Довуд Масихнинг “типи” сифатида кўрилади. Бунда Довуд (тип) ва Исо Масих (анти-тип) шоҳлик орқали ўзаро боғланади. Лекин бу ўхшатиш бир хил эмас: Исо Довудга ўхшайди, аммо У Довуддан улугроқдир. Шоҳлик маъноси Исо орқали чексиз даражада катта мазмун касб этади.

Келинг, бир мисолни кўриб чиқайлик. Чикагонинг Хайд-Парк мавзесидаги Чикаго университетининг ёнида жойлашган жамоатимизда биз ваъзлар жадвалини академик ўқув йилига мослаб тузамиз. Кўпчилик одамларимиз ёзги таътилга кетганлиги сабабли, ёз вақтини махсус ваъзлар туркуми учун ажратиш биз учун мантиқан тўғри йўлдир. Бир неча бор ёз фаслида Шомуилнинг (Шоҳликлар) биринчи ва иккинчи китоблари бўйича ваъзлар туркумини ўтказишга қарор қилганмиз. Сўнг менга мен Муқаддас Китобдаги энг оғир бўлимларидан бири деб ҳисоблайдиган жойдан – 1–Шоҳликлар 28–бобидан ваъз қилишни топширишди. Бу мен учун шараф эди.

Айни шу бобнинг охирида ўхшатиш гоёси мен учун чинаккамига жонланди ва бутунлай бошқача кўринишда намоён бўлди.

Шунда Шоул бутун танаси билан ерга ағдарилиб тушди, чунки у Шомуилнинг сўзларидан қаттиқ кўрқиб кетди. Бунинг устига, бир кеча ва бир кундус нон емагани учун унинг кучи кетди. Ўша аёл Шоулга яқинлашди ва унинг қаттиқ кўрққанини кўриб деди: —Мана, чўрингиз овозингизга қулоқ солди ва жонини хавфга қўйиб, сиз менга буюрган амрингизни бажо келтирдим. Энди сиз ҳам чўрингизнинг овозига

le, *Handbook on the New Testament Use of the Old Testament: Exegesis and Interpretation* (Grand Rapids, MI: Baker Academic, 2012), page 14].

қулоқ солинг – олдингизга озгина нон қўйй, еб олинг. Бу йўлингизда кетаётганингизда сизга қувват бўлади. Шоул рад этиб: —Емайман! — деди. Бироқ унинг хизматкорлари ҳам, аёл ҳам уни ейишга ундай бошлашди. Шоул уларнинг сўзларига қулоқ солиб, ердан турди ва тўшакка ўтирди. Аёлнинг уйида семиз бузоғи бор эди. Аёл уни тезда сўйди. Ун олди-да, хамир қориб, хамиртурушсиз нон ёпди. Таомларни Шоул билан унинг хизматкорларининг олдига қўйди. Улар еб-ичдилар ва ўша тундаёқ туриб, жўнаб кетдилар. (1–Шоҳликлар 28:20-25)

Шоулнинг умри поёнига етиб қолган эди. У Эн-дордаги жодугар аёлни чақириб, у орқали Шомуилнинг руҳи билан гаплашмоқчи эди. У жодугарни Шомуилнинг руҳини чақирришга мажбур қилди. У худди 1–Шоҳликлар 15–бобда Худо Шоулга Шомуил орқали Ўзининг ҳукмини айтганидек, бу сафар ҳам Шомуил унга Худонинг ҳукмини айтади, деб ўйлади. Шомуил эса Шоулга унинг умри тутаганини маълум қилди. Сўнг Шоул аёлнинг қистови билан ўша жодугар аёл ва ўзининг хизматкорлари билан нон синдириб еди. Аввалига у кўнмади, бироқ Худонинг сўзларидан кейин умидсизликка тушиб, охир-оқибат жодугарнинг айтганига кўнди. Улар хамиртурушсиз нон ва бўрдоқи бузоқнинг гўштидан тановвул қилдилар. Кейинги куни Шоул ўз қиличига йиқилиб жон берди.

Бу ўхшатиш жуда қизиқ. Бир тарафдан, бу воқеа Фисиҳ байрами зиёфатининг мутлақо тескарисига ўхшайди. Шоул ва унинг ўғиллари Худонинг ҳукмига кўра қайтариб бўлмайдиган ўлим жазосига дуч келиш арафасида эдилар. Шу билан бирга, бу ҳолат

Исо Масиҳ шогирдлари билан ўтказган Қутлуғ кечликдан жуда фарқ қилади. Шоул ўзининг бир нечта хизматкори билан ўлиmidан бир кун олдинги кечада дастурхонга ўтирди. Исо ҳам худди шундай, Ўз шогирдлари билан ўлиmidан аввал нон синдириб еган эди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам нон синдирган. Аммо мана шу ерда ўхшатишнинг моҳияти очилади: Шоул Масиҳнинг тимсоли эмас, аксинча, анти-Масиҳнинг тимсолидир. Унинг ҳаётидаги шу кеча Исо шогирдлари билан нон синдириб еган кечага мутлақо тескари маънога “ишора” қилади. Ундан фарқли равишда Исо ўша кеча Ўз ҳаётини “кўпчилик учун фидо” этишга тайёрланаётган эди.

Баъзилар бу ҳикояда Шоул ва Масиҳ ўртасида типологик боғланишни кўриши мумкин. Бошқалар эса бу воқеани Фисих мавзуси билан боғлайди. Қандай номласак ҳам, икки ҳолат ўртасидаги бу ўхшатиш 1–Шоҳликлар 28–бобни янада чуқурроқ англашимизга, пировардида, Исо Масиҳнинг улуғвор қурбонлигида тамоман бошқа маънода ўз ифодасини топади.

Қўлингиздаги мана шу воситалар Каломий илоҳиёт бутун Муқаддас битиклардан Масиҳ ҳақида ваъз қилишнинг имконини беради. Бунинг қандай катта куч эканини яққол кўриб тургандирсиз?! Шунинг учун доим ёдингизда тутинг — Каломий илоҳиётдан фойдаланиш учун қуйидаги учта муҳим қадамни босишингиз керак бўлади. Биринчидан, Каломий илоҳиётни асос сифатида қабул қилинг. Иккинчидан, имкони бўлганида, Эски Аҳд матнларини Янги Аҳд ёрдамида талқин қилинг. Учинчидан эса матнларни Хушхабар билан изчил боғлаш учун юқоридаги тўртта воситадан фойдаланишни бошланг.

ТИЗИМЛИ ИЛОҲИЁТНИНГ ВАЗИФАСИ

Илоҳиётга оид мулоҳазани ўрганишнинг энг яхши бошланғич

нуқтаси бу Каломий илоҳийётшунослик ҳисобланади. Агар сиз кўп тажриба тўплаб, ваъз қилиш борасидаги Каломий илоҳийёт бўйича кўникмаларингизни ривожлантирсангиз, тайёргарликнинг бу босқичида йўлнинг катта қисмини босиб ўтасиз. Лекин шу билан бирга, илоҳийётга оид мулоҳазада яна бир йўналиш ҳам муҳим аҳамиятга эга: бу — *тизимли илоҳийёт*.

Агар Каломий илоҳийёт сизга Худонинг Масих орқали қутқариш режаси босқичма-босқич очилаётганини англашга ёрдам берса, тизимли илоҳийёт Муқаддас Китобда айтилган барча ҳақиқатларни йиғиб, уларни таълимотлар (доктриналар) шаклида умумлаштиришга ёрдам беради. У Муқаддас Китобни тарихий ёки хронологик тартибда эмас (Каломий илоҳийёт шундай қилади), балки мантиқий ва иерархик тартибда жойлайди. Янги Аҳдни ўрганиш бўйича таниқли мутахассис Д. А. Карсон тизимли илоҳийётга шундай таъриф беради: “Бу — илоҳийётнинг бир йўналиши бўлиб, у бутун Муқаддас Китобни ва шу билан бирга унинг қисмлари ўртасидаги мантиқий (шунчаки тарихий эмас) алоқаларни кенгроқ очиб беришга интиладиган илоҳийёт соҳасидир.”²⁸

Шу билан бирга, биз эҳтиёткор ҳам бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Гарчи мен воизлик қилишда тизимли илоҳийётнинг роҳлини қўллаб-қувватласам-да, воизликда тизимли илоҳийёт билан таълим бериш тизимлари орасида фарқ бор. Симеон бу ҳақида шундай деган: “Худо Ўз ҳақиқатини тайёр бир тизим кўринишида ошкор этмаган; Муқаддас Китобнинг ўзида аслида бундай тизим

28 Д. А. Карсон, “Янги Аҳдадаги бирлик ва хилма-хиллик: Тизимли илоҳийётнинг имкониятлари,” *Муқаддас Битиклар ва ҳақиқат*, таҳриричлар Д.А. Карсон ва Жон Д. Вудбриж (Гренд Рапидс, Мичиган штати: Baker нашриёти, 1983), 69-70-бетлар; [D.A. Carson, “Unity and Diversity in the New Testament: the Possibility of Systematic Theology,” in *Scripture and Truth*, ed. D.A. Carson and John D. Woodbridge (Grand Rapids, MI: Baker, 1983), pages 69-70].

йўқ.” Демак, бундай қатъий эътиқоднинг ҳулосаси қуйидагича: “Тизимга эмас, Муқаддас Китобга эътибор қилинг. Унинг сўзларини ҳеч қандай тизимга боғламанг, шунчаки қабул қилинг ва бўйсунинг. Сизлар «тизимли» имонлилар эмас, балки «Муқаддас Китобга бўйсунадиган» имонлилар бўлинг.”²⁹ Симеон ҳақ, биз тизимни ваъз қиладиган воизлар бўлмаслигимиз керак.

Шундай бўлса-да, тизимли илоҳиётни илоҳиётга оид мулоҳазага қўшишнинг учта амалий фойдаси бор:

1. У сизга имонда мустаҳкам туришингизга ёрдам беради.
2. У сизга муайян жанрлар орқали матнни Хушхабар билан боғлашингизга ёрдам беради.
3. У сизда масиҳий бўлмаганлар билан гаплашиш қобилиятини чархлайди.

1. Тизимли илоҳиёт имонда мустаҳкам туришга ёрдам беради.

Тизимли илоҳиёт ҳақида мулоҳаза юритишнинг энг катта фойдаси – у сизнинг ваъзга тайёрланиш жараёнингизни назоратда ушлайди ва йўл-йўриқ беради. У сизни тўғри таълимотга етаклайди. Чунки оятларни талқин қилиш чоғида сиз шубҳасиз мураккаб парчаларга дуч келасиз ва қийин (матн изоҳлашига оид) қарорлар қабул қилишингизга тўғри келади. Орамизда ҳеч ким мукамал

29 Ушбу иқтибослар Чарльз Симеон билан Кембриж талабалари орасидаги “суҳбат кечалари”да А. В. Брауннинг қайдларидан олинган. Абнер Уилям Браун, *Кембриждаги Тринити жамоати чўпони, Қироллик коллежи катта илмий ҳамкори, руҳоний Чарльз Симеоннинг суҳбатлари ҳақидаги хотиралар* (Лондон: Ҳамилтон, Adams, & Co нашриёти, 1863), 269–бет; [Abner William Brown, *Recollections of the Conversation Parties of the Rev. Charles Simeon, M.A.: Senior Fellow of King's College, and Perpetual Curate of Trinity Church, Cambridge* (London: Hamilton, Adams, & Co, 1863), page 269].

эмас, шу боис хатолар ҳам қиламиз. Матнга оид хулосалар қилишга қийналганимизда соғлом таълимот бизга йўлбошчилик қилади.

Айтайлик, Ёқуб 2:14–26 ни юзаки изоҳласак, Ёқуб бу оятлар орқали Павлуснинг “фақат имон орқали нажот топиш” ҳақидаги таълимотига қарши чиқмоқда, деган хулосага келишимиз мумкин. Лекин сиз бу матнга тизимли илоҳиётга оид мулоҳаза нуқтаи назаридан ёндашсангиз, Павлуснинг нажот ҳақидаги сўзлари Ёқуб айтган гаплар билан қандай *уйғун ҳолда* эканини англашга ҳаракат қиласиз. Ҳатто барча саволларга жавоб топа олмасангиз ҳам, сиз бир нарсани – Муқаддас Китоб ўзини ўзи изоҳлай олишини тушунасиз. Ана шунда сиз муқаддас матннинг хатосизлиги ҳақидаги тўғри таълимотни инкор этиб қўймайсиз.

2. Тизимли илоҳиёт муайян жанрлар орқали матнни Хушхабар билан боғлашга ёрдам беради.

Ростини айтганда, баъзи жанрларда Каломий илоҳиётдан фойдаланиш анча қийин бўлади. Чунки Каломий илоҳиёт — улкан ҳикоя бўлиб, у асосан ҳикоя услубида келган жанрлар билан яхши уйғунлашади. Масалан, Эски Аҳддаги шеърий услуб (масалан, Забур) бутун Муқаддас Китобнинг катта тарихий қиссасига сиз кутганингиздек кенг йўл очмаслиги мумкин. Янги Аҳддаги мактублар эса кўпинча мантиқий баҳс ва далилларга асослангани учун уларни ҳам Каломий илоҳиёт билан Худонинг нажот тарихига (катта ҳикояга) боғлаш осон бўлмайди.

Бироқ, дискурсга (нутқ) бой бўлган ёки шеърий шаклда ёзилган жанрлар тизимли илоҳиёт орқали Хушхабар билан анча осон боғланади. Чунки бу жанрларда кўп ҳолларда асосий тушунчалар — имон, иноят, оқланиш, гуноҳ каби мавзулар кўтарилади. Шунинг учун, масалан, Забурда гуноҳдан тавба қилиш ҳақида сўз кетса, ёки

Павлаус имон ва амаллар ҳақида ёзса, бизда Хушхабарнинг асосий илоҳий тушунчасига олиб борадиган ҳақиқий эшик пайдо бўлади.

3. Тизимли илоҳиёт масиҳий бўлмаганлар билан гаплашиш қобилиятини чархлайди.

Менимча, масиҳий бўлмаса-да жамоатимизга кириб келаётган одамларнинг кўпчилиги Ҳабашистонлик амалдор каби Ишаё китобини яхшироқ англашни чин дилдан истайдиган одамлар эмас. Аксинча, улар кўпроқ ёвузлик муаммоси, Худо, айбдорлик, қутқарилиш ва шу каби саволлар бериш учун келишади. Бундай саволларга жавоблар эса тизимли (яъни муайян йўналишга солинган) таълимот тоифаларидан келиб чиқади. Шунинг учун ваъз пайтида матнни тизимли илоҳиёт билан тўғри боғлай олиш — масиҳий бўлмаган кишини Худонинг Каломига жалб этишнинг энг самарали йўли бўлиши мумкин.

Масалан, тасаввур қилайлик, масиҳий бўлмаган бир одам ваъзингизни тинглаяпти ва унда матнда келган “гуноҳ” тушунчасига оид саволлар пайдо бўлди. Унга бу тушунчани ёритишнинг яхши усули — илоҳиётда “гуноҳ” қандай тасвирланишини кўрсатишдир. Тизимли илоҳиётда гуноҳ уч хил асосий тимсол билан тушунтирилади: оғирлик (юки), қарз ва доғ. Шундай қилиб, тингловчи сиз ўқиган матнда “гуноҳ” тушунчасини дарров тушунмаса ҳам, сиз ваъзингизда гуноҳ тушунчасини кенгроқ тушунтириб бериш орқали унга ёрдам берган бўласиз.

ЯНА БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ

Ушбу бобда биз кўп нарсани кўриб чиқдик. Умид қиламанки, сиз матнни фақат изоҳлаб (экзегеза) қилиб, унинг маъносини

амалда қўллашга шошилмаслик, ёки ҳатто изоҳлаш билан чекланиб қолмаслик қанчалик муҳимлигини англадингиз. Шу билан бирга, матнингиз маъноси сизни қандай қилиб Хушxabар билан боғлаши мумкинлиги ҳақида ўйлаш учун вақт ажратиш қай даражада муҳимлигини ҳам кўрдингиз деган умиддаман. Тарихий-танқидий усулни тўғри тушуниш, Каломий илоҳиёт ва тизимли илоҳиёт воситаларидан унумли фойдаланиш сизни муваффақиятга етаклайди.

Бироқ, бу тугади дегани эмас. Олдинда бизни замонамизнинг қийинчиликлари ва талаblари кутмоқда.

4–БОБ


БУГУН

Ваъзга тайёргарлик кўришнинг охириги босқичи бу уни *бугун* билан боғлаш. Ниҳоят, ўқиган матнимизни бугунги кунга қандай боғлаймиз, деган саволга ҳам етиб келдик. Қадимий матнни “уларга/ўшанда” деб изоҳлаб берилган босқичини ортда қолдирдик. Ўша қадимий матннинг тепаликларидан илоҳиётга оид мулоҳазанинг чизиғи ҳам кўринади. Бу чизиқ Исо Масихда Худо белгилаган муддат битганига, Унинг ўлими ва тирилишига диққатимизни қаратади. Энди олдимизда матндан ўрганганларимизни *бугунги кунга* қўллаш масаласи турибди. Биз ва ҳозирги кун. Жамоат. Худонинг халқи ва Унинг Сўзини ваъз қилиш орқали Уники бўладиганлар.

Тўғри ваъз қилиш саёҳатимизнинг шу қисмигача биз контекстуаллаштиришни кейинга қолдириб келдик. Сабаби, биз бу мавзуни жиловламасак, у матнимизни изоҳлашда (тушунтириб беришда) етакчиликни ўз қўлига олишга мойил, биз эса, биласизки, бу хатони “кўр-кўрона эргашиш” муаммоси деб атадик. Аммо энди Муқаддас Китоб матнини ўрганиш ва изоҳлаш ишлари якунига етгач, бу масалага ўзининг ҳақи ва зарур ўрнини бериш вақти келди. Соғлом Хушхабар хизматининг асоси доим матннинг ўзи бўлиб келган. Шундай бўлса-да, у замон ва ҳолатни ҳам инobatга олиши керак. Контекстуаллаштириш Худонинг Каломини бугунги кунда қай тарзда ваъз қилишимизга таъсир қилиши керак. Бунга қуйидаги тўрт йўналиш орқали эришамиз:

1. Тингловчилар таркиби
2. Мавзуни тартибга солиш
3. Келтирадиган далиллар
4. Ваъзнинг хабарини ҳаётга татбиқ қилиш

Ушбу сўнгги босқични *синтез* (synthesis) сифатида тасаввур қилиш фойдали бўлади. “Синтез” сўзи қадимги юнон тилидан олинган бўлиб, у икки ёки ундан ортиқ алоҳида унсурларни бирга қўйиб, янгича ва яхлит бир бутун шакл яратиш дегани.



Ёш ва ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган кўпгина воизлар ваъз қилишнинг сўнгги босқичида қийналадилар. Улар бу босқичдан қандай фойдаланишни, аниқроғи, ундан тўғри фойдаланишни билмайдилар. Шунинг учун улар бу босқичда турли қисмларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқадилар. Баъзилар, шубҳасиз, экзегетик жараённинг вазифаларини тўлиқ амалга ошира оладилар. Бошқалар

ўқиш стратегияларини – уларни илоҳиёт нуқтаи назаридан мулоҳаза қилишга ундайдиган усулларни қўллаган бўлишлари мумкин. Бироқ, улардан “Мана шу бир нечта қисми бирлаштириб, бугунги кунга тўғри келадиган битта яхлит ва тушунарли хабарга айлантира оласизми?” деб сўрасангиз, нима дейишни билмай қоладилар.

Аммо синтез амалга оширилиши шарт. Муқаддас Китоб тафсирчилари (изоҳлаб берувчилари) бу ишни қисман контекстга, *тингловчиларга, мавзунинг тартибга солинишига* ва уни қандай қилиб *ҳаётга татбиқ этишига* эътибор қилганлари учун ҳам синтезни яхши қўллай оладилар.

1. ТИНГЛОВЧИЛАР ТАРКИБИ

Бу мавзуга кенгроқ назар ташлайдиган бўлсак, контекстуаллаштиришда иккита хатодан бирини қилмасликка ҳаракат қилишимиз керак. Бир томондан, агар ваъзимиз мунтазам равишда маданиятга тўғри келмаса, ҳали Масиҳ ҳақида айтиб улуғурмасимиздан тингловчилар бизнинг хабаримизни рад қилади. Бошқа томондан эса агар хабаримизни тингловчиларга тўғри келиши учун ўзгартирсак (ёки ҳаёт тарзимизни мослаштирсак), унда Худога фойдали бўлишнинг асосини йўқотган бўламиз. Бизнинг вазифамиз, Муқаддас Китобдан беҳабар ҳамда диний чалкашликлар ва тушунмовчиликка тўла бу дунёга Худонинг ўзгармас хабарини етказишдир.

Экзегетик ва илоҳиётга оид ҳаракатларни тарғиб қилиш яхши, аммо яхши тафсир қилувчи (изоҳлаб берувчи) воизлар доимо бир нарсани – буларнинг бари фақат инсонларнинг манфаати учун эканини доимо ёдда тутадилар. Айрим воизларда бир нотўғри қараш бор – уларнинг фикрича, гўёки жамоат уларнинг “Худонинг Каломини етказиш” хизматини амалга оширишлари учун мавжуд.

Мен бундай ёндашувни қабул қила олмайман. Айниқса, ёш воизлар шахсий манфаатларга асосланган хизмат йўли борлигидан яхши хабардор бўлишлари ва шу йўлни танлаш васвасасидан узоқроқ юришлари керак.

Сўнги ўн беш йил ичида жамоатимиз етмишдан ортиқ йигит-қизни масиҳий хизматга тайёрлаш шарафига эга бўлди. Уларнинг ҳар бири бутун умрини масиҳий хизматнинг турли соҳаларига бағишлашни ният қилган. Баъзан мен уларга асосий мақсадимиз *одамлар* эканини эслатиб тураман. Агар воиз Каломни ваъз қилишни истаса-ю, одамларни севмаса, улар учун қайгурмаса, ундай одамларга воизлик қилиш ҳуқуқи берилмаслиги керак.

Шундай экан, агар сиз ҳам Муқаддас Китоб тафсирчиси (изоҳловчиси) бўлишни истасангиз, бир нарсани унутманг – ваъз қилиш учун энг аввало воизда одамларга нисбатан доим ортиб борувчи меҳр-шафқат бўлиши керак. Худо сизга берган тингловчиларни яхши таниб-билишни ва уларни севишни ўрганинг. Ахир, Исо ҳам Бутрусни дунёга Хушхабар айтиш учун юборишдан олдин унга айнан мана шу сабоқни бермаганмиди?! Юҳанно 21–бобда Исо Жалила кўлининг қирғоқида Бутрус ва бошқа шогирдларига учинчи марта кўринганда, Бутрусдан уч марта шундай деб сўради: “ Йонаҳ ўғли Шимон, сен Мени улардан кўра кўпроқ севасанми?” Исо ҳар сафар шундай деб сўраганда, тез орада воиз бўладиган Бутрус асабийлашиб, “- Раббий, Сен ҳаммасини биласан, мен Сени севишимни биласан”, - деди. Унинг бу сўзларига жавобан Исо шундай деди: “- Менинг қўйларимни боққин” (Юҳанно 21:17). Бу сўзларнинг маъноси жуда оддий: Исо кимни Хушхабарни ваъз қилишга танлаган бўлса, улар ўзларининг Исога бўлган муҳаббатини Унинг халқини севиш орқали кўрсатишлари керак.

Шунинг учун Масиҳнинг хабарини ваъз қилишни истаётган

ҳар бир инсонга шундай дейман: Исони севасизми? Уни чиндан ҳам севасизми? У ҳолда Масихга бўлган севгингизни У Ўз жонини қурбон қилган одамларни “боқиш” орқали кўрсатинг. Одамларни севишни ўрганинг.

Жамоат

Экспозицион ваъзнинг биринчи ва асосий тингловчилари бу жамоат, яъни Худонинг халқидир. Садоқатли воизлар бу ҳақиқатни доим ёдда тутадилар. Улар Худонинг Каломини эҳтиёткорлик билан ўрганадилар, сабаби, улар ваъз қилаётган Калом жамоатга нажот беради ва уларни мустаҳкамлайди.

Адан боғида Худо Ўз халқининг манфаати учун ўз Каломини юборди. Синай тоғида ҳам Худонинг илоҳий Каломи янгради. Бу сафар У Каломини тошга ўйиб ёзди, токи энди қутқарилган халқ У Зотни ва Унинг марҳаматли йўлларини таниб билсин. Сўнг Худо одамларни ўз ҳузурига тўплаш учун дунёга Исо Масихни – Ўзининг Ўша Каломини юборди. Ҳатто “Эллигинчи кун” – Ҳосил байрами кунини ҳам худди шу ҳол такрорланди: ҳаворийлар таълимотига садоқат билан ўзини бағишлаган муқаддаслар жамоаси Калом орқали имонга келди.

Қисқача айтганда, мен танийдиган ҳар бир садоқатли воизнинг қалбида шундай бир мустаҳкам ишонч бор: **Худонинг Каломи Худо халқини — Унинг жамоатини — пайдо қилади ва сақлаб туради.**

Бугунги кунда бу ҳақиқат сизнинг ваъзингизга қандай таъсир кўрсатади? Хусусан, экспозицион ваъз қиладиган воизлар Худо билан мулоқот қилишга қанчалик муҳтож эканини чуқур англаб етиши керак. Чунки фақат Унинг Ўзи олдимизга қўйилган буюк вазифани бажара олади. Биз Худонинг ҳузурига ибодат билан келиб,

тайёрлайдиган ҳар бир ваъзимизни Унинг қўлига топширишимиз керак. Худодан ажралган ҳолда ваъз қилолмаймиз. Унинг жамоатини пайдо қилиш ва уларни мустаҳкамлаш фақат бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ деб ўйласак қаттиқ янглишамиз. Воизлар, энг аввало, энг кўп ибодат қиладиган инсонлар бўлиши керак. Фақат шундагина биз жамоат қандай пайдо бўлишини ва дунёда қандай гуллаб-яшнашини чиндан англаб етган бўламиз.

Бу эса биз воизларни ваъзга тайёргарликни фақат китоб варақлаш билан эмас, балки тиз чўкиб – ибодат билан киришишга ҳам мажбур қилади. Биз ўз тажрибамиздан биламизки, ваъз орқали қила олмайдиган ишимизни Худо бажариши учун юзимизни полга қўйиб Унга илтижо қиламиз.

Қисқача айтганда, биз Унга муҳтожмиз. Биз ваъзимизни Муқаддас Рух Ўз қудрати билан бошқаришига муҳтожмиз. Шунинг учун ҳам ибодат қиламиз. Биз ваъз қилишдан олдин ибодат қиламиз. Ваъз қилаётган чоғимизда ҳам ибодат қиламиз. Биз ҳатто ваъзимизни яқунлаганимиздан сўнг ҳам ибодат қиламиз.

Шаҳар

Сўнги йилларда биз ваъз қиладиган тингловчиларни қаердан топишимиз ҳақида кўп ёзилди. Бу ерда кўп нарсани қўшимча айтиш шарт эмас. Бир нарса аниқ: тез орада дунё аҳолисининг ярми шаҳарларда яшайдиган бўлади. Экспозицион ваъз қилувчи воизлар бу ҳақиқатдан беҳабар бўлмаслиги керак. Аксинча, ваъзларимизни шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда тайёрлашимиз керак.

Бу ерда Худо шаҳарда яшовчи одамларни қишлоқдагилардан кўпроқ севар экан, деган беъмани фикр келиб қолмаслиги керак. Масала шундаки, биз шаҳар ҳаётининг муаммо ва имкониятларига эътибор беришимиз шарт. Чунки кўпчилик ваъз қиладиган

жамоатларимиз табиий равишда турли миллатли ва турли дунёқарашлардан иборат инсонларга тўлган бўлади. Агар биз сўзларимизга эътибор қилмасак, улар ортиқча тортишув ва зиддиятга сабаб бўлиши мумкин.

Демак, ваъзимиз турли тингловчиларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши лозим. Бу эса ўзимизгагина хос сўзлар, иборалар ва ҳазилларни ташлаб, ҳаммага тушунарли қилиб сўзлаш деганидир. Ахир сиз шаҳар кенгаши йигилишида дўстингиз билан чойхонада айтган ҳазилларни айта олмайсиз-ку, тўғрими?! Бу ваъз қилиш кўламимизни кенгайтириш масаласидир. Биз ваъз қилар эканмиз, гўё бутун дунёнинг турли бурчакларидан келган одамлар эшитиб тургандай гапиришимиз керак. Чунки кўп ҳолларда айнан шундай одамлар овозимизни эшитиб турган бўлади.

Худо тингловчиларимизнинг таркибини кенгайтиргани сайин, ваъз қилишнинг икки турдаги стратегиясига мурожаат қилишимиз фойдали бўлади:

- Одамлар билан юзма-юз мулоқат қилиш
- Турли усулларни бирлаштирган ҳолда мулоқот қилиш

Бу иккисини ҳам Павлуснинг биргина Афинадаги нутқи мисолида тушунтириш мумкин. Биринчидан, *юзма-юз мулоқот қилиши* масаласида Луқо Павлуснинг афиналиклар билан ҳам синагогада, ҳам бозорда баҳслашгани ва суҳбатлашганини айтади. Аниқроғи, унинг ваъз қилиш усули бир йўналишли эмасди. Уни фақат ҳафтасига бир марта минбар ортида туриб сўзлайдиган одам бўлган деб ўйлаш нотўғри. Аксинча, у турли мулоқот усулларидан фойдаланарди. Хатто бозорда у суҳбатни мулоқотга асосланган, икки томонлама услубда олиб борарди. Шунингдек, биз ҳам бугун

шаҳарларда ана шундай шахсий мулоқот стратегиясини қўллашнинг турли йўллари ва имкониятларини излаб топишимиз зарур.

Одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиш стратегиясига оид яна бир жиҳат шундаки, Павлус ўзи ташаббус кўрсатиб, одамларни уни эшитишга мажбур қилмаган, аксинча, унга нуфузли одамлар олдида гапириш имкони берилишини кутганга ўхшайди. Масалан, Ҳаворийлар фаолиятлари 17–бобида Луқо шундай деб ёзади: “Шунда Павлусни Ареопагосга олиб келиб, унга дейишди: – Сен воизлик қилаётган бу янги таълимотнинг нималигини билсак бўладими?” (Ҳаворийлар 17:19).

Бу ердаги “олиб келиб ...” деган сўзда катта маъно бор. Демак, Павлус ўзини бошқаларга тиқиштирмаган, Афина жамиятининг марказига куч билан киришга уринмаган, элита қатлаמידан тингловчи талаб қилмаган. Одатда, у оддий жойларга – синагога ва бозорларга борар эди (17:17). Ареопагосдаги нутқ эса ундан сўралгани учун айтилган. Шубҳасиз, биз ҳам жасоратли бўлишимиз керак. Бироқ, шу билан бирга, шаҳар муҳити биздан ҳурмат-эҳтиромни ҳам талаб қилади.

Иккинчидан, шаҳарларнинг аҳамияти ортиб бораётгани учун ҳам биз *турли усуллардан таркиб топган суҳбатлашиш усулини* танлашимиз керак. Бу – маданий одатлар билан масиҳий хабарни уйғунлаштириш ва улардан тўғри фойдаланиш деганидир. Бунга мисол қилиб, Павлуснинг Афинадаги нутқини олиш мумкин. Бу парча Ҳаворийларнинг фаолиятлари 17–бобда келтирилган. Луқо Павлусни диний фанатизмда айбламай, у афиналикларнинг бутларини кўриб руҳан изтироб чекса-да, уларни йиқитмаганини таъкидлайди. Аксинча, Павлус улардан ўз апологетик мақсади йўлида фойдаланганини кўрсатади:

Ўшанда Павлус Ареопагоснинг ўртасида туриб, деди: –Эй, афиналиклар! Мен сизларнинг ҳамма нарсада жуда диндор эканингизни кўряпман. Зеро мен шаҳрингизни кезиб юриб ва саждагоҳларингизни кўздан кечириб, устида “номаълум Худого” деб ёзилган бир қурбонгоҳни топдим. Сизлар танимасдан, сажда қилаётган шу Худони мен сизларга воизлик қилмоқдаман. (Ҳаворийлар 17:22-23)

Павлус ўз нутқини “номаълум Худо” ибораси билан бошлаб, афиналик зиёли тингловчиларнинг ақлий дидига мослашди. Ахир, кўп олимлар ҳали ҳам кўп нарса номаълумлигини тан олишга тайёр. Дарҳақиқат, Павлус 17:23 да қўллаган ибора “агностицизм” сўздан келиб чиққан. Корнелиус Ван Тил бу ҳақда шундай деган: “Ҳатто маърифатли одамлар орасида ҳам осмон ва ерда уларнинг фалсафалари ҳали қамраб ололмаган кўп нарсалар борлигини тан олиш яхши услуб саналган... Шу сабабдан улар номаълум нарсалар учун ҳам жой қолдиришга тайёр эдилар.”³⁰ Павлус нутқини шундай бошлаб ақли ва самарали иш қилди.

Тасаввур қилинг, Павлус Афинада юқоридагидай ақли иш қилмай, аксинча, уларнинг бутларини уриб йиқитганда, оқибати қандай бўлган бўларди? У қўлига болға олиб уларнинг қурбонгоҳларини ва бутларини уриб йиқитганда ёки уларнинг диний байрамларига қарши бойкот уюштирганда, ё бўлмаса, шаҳарнинг кираверишига “Афина нотўғри йўлда” деган шиорни илиб қўйганда, унинг хабарини тушуниш осон бўларди, шундай эмасми? Аммо бу билан у Хушxabарни самарали тарзда етказа

30 Корнелиус Ван Тил, *Павлус Афинада* (Филиппсбург, Нью Жерси штати: P&R нашриёти, 1978), 6–бет; [Cornelius Van Til, *Paul at Athens* (Phillipsburg, NJ): (P&R, 1978), page 6].

олмаган бўларди.

Баландпарвоз ва кескин усуллар дунёдаги бутларга қарши ташқи таъсир қилиши, аниқроғи, бутларни шаҳарлардан олиб ташлаши мумкин, аммо масиҳийлар бундай йўл тутганларида, ўша бутпарастларнинг онги ва қалбини забт этолмаган бўларди.

Тўғри, бугун жуда кўп воизлар катта-катта шаҳарларда ваъз қилишга чақириладилар ва агар улар ўтмишда қўлланган икки усулни: одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиш ҳамда турли усуллардан таркиб топган мулоқот усуллари қўлласалар, хабарлари уларни эшитаётган қалбларга яхшироқ етиб борган бўларди.

Тингловчи ва унинг маданияти

Тингловчиларимизни қаердан топишни билиш етарли эмас. Уларнинг кимлигини ва қандай урф-одатларга кўра яшашини билишимиз ҳам керак. Бугун дунёда Муқаддас Китобни билмайдиган, у ҳақида ҳеч қачон эшитмаган одамлар кўп. Шунинг учун, Муқаддас Китобни ваъз қилар эканмиз, тингловчиларимиз орасида шундай одамлар бўлиши шарт. Хушxabар воизлари Худонинг Каломини айнан Худони билмайдиган одамлар эшитишлари керак деб ҳисоблашади, сабаби айнан улар Каломнинг асосий тингловчиларидир. Агар бугунги тингловчилар хабаримизни яхши тушунишларини истасак, уларнинг маданиятини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Сўзлаётганимизда улар тушунадиган тилда тушунтиришимиз керак. Худого шукурки, бу борада жуда кўп китоблар ва мақолалар ёзилган, менинг айтаётганларим уларда ёзилганларига қўшимча, холос. Аммо бир нарса ҳақида огоҳлантирмоқчиман, Муқаддас Китобни яхши тафсир қиладиганлар (экспозицион талқин қиладиганлар) тайёргарликнинг чегараларини билиши керак. Чунки контекстуаллаштириш қанчалик тўғри амалга оширилмасин, бу

ваъзимизни осон тушунишларига кафолат бермайди. Энг муҳими, бу орқали маданият албатта ўзгаради, деган кафолат ҳам йўқ.

Биз бунга ишонч ҳосил қилишимиз учун яна Ҳаворийлар фаолиятлари 17:16-34 да Павлуснинг Афинада сўзлаган нутқига эътибор қаратишимиз керак. Павлус ўз хабарини тингловчиларга мослаштириш учун қўлидан келганича ҳаракат қилди (биз ҳам шундай қилишимиз керак). Бироқ, Луқонинг ёзишича, бу яхши ва ўша вазиятда зарур бўлган ишнинг таъсири чекланган эди. Уни тинглаб турган афиналиклардан бири: “Бу беҳуда сўзловчи нима демоқчи ўзи?” – деди (17:18). Бу оятда ишлатилган “беҳуда сўзловчи” деган сўз “уруғ терувчи” ёки “ахлат йиғувчи” дегани бўлиб, гўёки, Павлус бир ердан бир фикрни, бошқа ердан яна бошқа бир фикрни эшитиб олиб, уларни бирлаштира олмаётган одамдай тасвирланади. Аслида эса бу мисол хабарни маданий шароитга мослаштириш етарли эмаслигини кўрсатади.

Луқонинг қайдларига яна эътибор қилсангиз, контекстуаллаштириш борасида бизга яхши намуна бўлган Павлусни баъзилар масхара қилишди. Сабаби, уни ягона асосга эга бўлмаган ва жамоатчилик фикрига мутлақо таъсир ўтказмайдиган хабарни ваъз қиляпти, деб ҳисоблашган (Ҳаворийлар 17:32 га қаранг). Павлуснинг хабарини бошқача қабул қилганлар ҳам бор эди: “У бегона илоҳларни воизлик қилмоқда, шекилли”, дейишди. Чунки Павлус уларга Исо ва тирилиш ҳақидаги Хушxabарни сўзлаётган эди (18–оят). “Бегона илоҳлар” деган ибора афиналиклар Павлуснинг хабарини тушунмаганини кўрсатади. Аслида, афиналиклар биринчи марта Хушxabарни эшитганларида, уни ғалати ва нотаниш, ўз маданиятлари ва тушунчаларига тўғри келмайдиган бир хабардай қабул қилишган.

Менинг Павлусга нисбатан бундай икки хил муносабатни

келтиришимдан мақсад – сиз атрофингиздаги замонавий инсоннинг маданиятини англашга астойдил ҳаракат қилинг. Бироқ, шу билан бирга, Муқаддас Китобнинг талқини доим ҳам замонамиздаги одамларга тушунарли ва ишонарли бўлавермаслигини ҳам унутмаслигингиз керак.

Ниҳоят энг муҳим нуқтага келдим: ваъларимиз муваффақиятли бўлиши учун нафақат ибодатга, балки Муқаддас Рухнинг қудратига ҳам муҳтожмиз. Бу чиндан ҳам бизнинг энг катта эҳтиёжимиз. Воизлар ҳақиқий қудратнинг манбаини яхши англашлари керак. Худонинг Каломи орқали жамоатларни бунёд этиш ва ҳар қандай халқлару маданиятларнинг устунлигига қарши чиқишда Муқаддас Рухнинг роли беқиёсдир. Биз ўз ақ-заковатимиз билан тингловчиларимизнинг онги ва қалбларида ҳақиқий ҳаёт ва ҳақиқий ўзгаришни пайдо қилолмаймиз. Буни фақат Худонинг Каломи ва Муқаддас Рухнинг қудрати қила олади (Юҳанно 6:63).

Шунинг учун биз, Худонинг Каломини тўғри талқин қилишга интилаётганлар, ҳар қандай кўз-кўз қилувчи сохта муносабатдан ва риёкорликдан воз кечишимиз керак. Ваъздаги ҳар қандай сохта услублар ва кўринишларни бир четга олиб қўйишимиз керак. Гўёки, ўзимизда куч бордай чиқиш қилишни ҳам тўхтатишимиз керак. Биз нутқимизнинг услуби ва унинг қай даражада чиройли чиқишига эътибор қилишни тўхтатайлик. Биз минбарга чиройли кўриниш учун эмас, ҳақиқатни гапириш учун чиқамиз. Шон-шухрат, машҳурлик ва мансабпарастлик, манфаатдорлик ва нафсдан воз кечишимиз керак.

Зотан бизнинг насиҳатимиз янглишишдан, нопок мақсад ва ҳийлакорликдан эмасдир. Бироқ Худо бизга Хушхабарини ишониб топшириш учун

бизни қандай лойиқ топган бўлса, худди шундай, биз буни инсонларга эмас, балки юракларимизни синовчи Худога маъқул бўлишимиз учун воизлик қилмоқдамиз. Чунки ўзларингиз биласизларки, сизларга нисбатан бизда ҳеч қачон тилёғламалик ҳам, манфаатпарастликнинг турлари ҳам бўлмаган. Бунга Худо гувоҳдир! Биз сизлардан ҳам, бошқалардан ҳам инсоний шухратни изламадик. (1–Фессалоникаликларга 2:3-6)

2. МАВЗУНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Воиз ҳар ҳафта бир хил муаммога дуч келади: Мен баҳам кўрмоқчи бўлган манба-маълумотларни қандай қилиб тартибга солсам экан? Уларни қандай тартибда жойлаштирсам экан? Булар чиндан ҳам жуда муҳим ва ўринли саволлар.

Сиз маттни чуқур таҳлил қилиб, уни илоҳиёт нуқтаи назаридан ўрганиб чиққан бўлсангиз, қўлингизда одамларга етказишга арзийдиган, мазмунли ва фойдали маълумотлар тўплами бўлади. Бундан сўнг, табиийки, сиз бу меҳнатингиз самарасини бошқалар (тингловчилар) билан баҳам кўришни хоҳлайсиз. Шунда савол туғилади: Энди мендаги материалларни қандай жойлаштирсам экан? Маттни тингловчиларга тўғри етказишда контекстуаллаштиришнинг қандай фойдаси бор? Менимча, тайёргарлик кўриш жараёнида қуйидаги иккита талабга эътибор қилишингиз керак:

- Аниқ-равшан
- Матнга асосланган ваъзнинг афзалликлари

Биринчи талаб кўпроқ контекстуаллаштиришга таянса, иккинчиси Муқаддас Китоб парчасига асосланади.

Аниқ-равшан

Мен бир неча йил олдин Англияда, Лондонда Дик Лукас билан кўришиб, у тўхтаган меҳмонхонада суҳбатлашдим. Суҳбатимиз ўз-ўзидан Худо жамоатда қандай ишлар қилаётгани мавзусига бурилди. Иккимиз ҳам янги авлод воизларида катта умид ва салоҳиятни кўриб қувондик. Шу ижобий муҳокамалар орасида у бир гапни қўшиб қўйди: “Ҳа, лекин биз уларга воизлик ҳеч қачон жуда оддий бўлиб қолмаслигини эслатиб қўйишимиз керак.” Дик Лукас – Лондондаги молия марказида ишловчи бизнесменларга қарийб эллик йил давомида воизлик қилган. У шу давр ичида жуда муҳим бир ҳақиқатни тушуниб етди: Воизлар сўзини қанчалик аниқ айтса, шунча яхши. Чунки бизга мураккаб сўзлар эмас, *аниқлик ва тушунарлилик керак.*

Мен ҳам шу нарсани кузатдим. Бугунги кунда кўплаб ҳаваскор ва умидли ёш воизлар бор. Лекин уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам ўз сўзларини аниқ ва лўнда қилиб гапиришни ўрганишлари керак. Мана шу борада контекстуаллаштириш жуда катта роль ўйнайди ва фойдали бўлади.

Матнни изоҳлайдиган воизлар матнни ҳафта давомида чуқур ўрганади, ундаги ҳар бир нозик ва мураккаб фикрнинг маъзини чақиб руҳланади, аммо воизларни ҳар ҳафта тинглайдиган одамлар воизлар олган очиқликлардан унча таъсирланмайди, воизлар бу ҳолатни тан оладилар. Жамоатимиздаги бир (художўй) тадбиркор келиб менга шундай деган эди: “Дейв, бу ҳафта мен нимани ўрганаман? Иложи борича 30 дақиқа гапириб, менга албатта бирор нарсани ўргатинг.

Менга шундай гапирингки, ҳар бир асосий фикр алоҳида ва аниқ бўлсин (масалан, сарлавҳаларга ажратилган бўлсин).” Сўзларингиз ҳам аниқ-равшан ва эшитган одамни чалғитмайдиган бўлсин.

Яхши ваъз қиладиган воиз ўзининг жамоатидагилари қандай ҳаёт кечираётганини, улар қайси “хандақ”ларда – яъни қандай оғир, ҳақиқий шароитларда ишлаётганини билади. Шунинг учун у тингловчиларининг эҳтиёжларини англайди ва улар тушунадиган тилда гапирди. Бундай воиз ҳафтасининг энг кўп қисмини жамоатда, ёлғиз ўтириб Китоб ўқиб, унинг устида фикр юритиб ўтказган бўлса ҳам, ўз сўзларини Масиҳга ишонадиганларга ҳам, ишонмайдиганларга ҳам бирдек осон ва тушунарли қилиб етказа олади.

Маълумотингиз (манбангиз)ни халққа мослаб тузиш ишларини бошлаётган пайтингизда, ваъзингиз аниқ ва тушунарли бўлишига ҳаракат қилинг. Ишлатадиган сўзларингизга ва фикрларни қандай етказаётганингизга эътибор беринг. Масиҳнинг шон-шухратини тингловчиларга аниқ ва равшан қилиб етказа олсангиз бас. Павлус бизга далда бериб айтганидек:

Ибодат қилишда доимий бўлиб, унда миннатдорчилик билан бедор бўлинглар. Шунингдек, бизлар учун ҳам ибодат қилинлар: Худо бизларга Ўз Сўзи учун эшикни очиб берсин, токи бизлар Масиҳнинг сирини воизлик қилайлик. Мана шу Сўз учун мен кишанбандман. Мен шу сирни муносиб равишда очиб беришим учун ибодат қилинлар. (Колосаликларга 4:2-4)

Материалингиз аниқ ва тушунарли бўлиши учун қуйидаги иккита амалий қадамдан фойдаланинг:

- Матннинг асосий мавзусини айтиб ўтинг
- Муаллифнинг мақсадини баён қилинг

Муқаддас Китобни тафсир қиладиган (изоҳлаб, тушунтириб берадиган) воизлар жамоатда ваъз қилишга чиқишдан аввал, матннинг асосий мавзусини *бир бутун, аниқ ва мазмунли жумлада* айта олишлари керак. *Мавзу* — матндаги энг муҳим фикр, асосий муаммо ёки муаллиф етказмоқчи бўлган ғоядир. Масалан, мен яқинда Ёқуб 4:1-12 бўйича ваъз қилишни бошлашимдан олдин шундай дедим: “Худо бугун биздан сўзларимизга эътибор қаратишни, уларнинг жамоатдаги муносабатларни бузадиган кучи, ушбу кучнинг манбаи ва бундай ҳолатда нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашимизни истайди.”

Мен бу фикрни жуда оддий ва тўғридан-тўғри айтдим, лекин воиз ўз сўзини шундай аниқ бошлаши керак — муаллифнинг асосий мақсадини битта жумлада айта олиши сўзларингизни ҳам содда, ҳам аниқ қилади. Бу эса яхши услубнинг асосий белгиларидандир.

Иккинчи амалий қадам бу муаллифнинг *мақсадини* аниқлаш. Муаллиф бу матн орқали ўз (асл) тингловчиларига нима демоқчи бўлган? Воиз матнни ўқиб чиққач, ўзига шундай савол қўя олиши керак: “*Муаллиф тингловчиларидан нимани хоҳлаяпти?*” “*Муаллифнинг мақсадига кўра, ўқувчи/тингловчи нима қилишини ёки қандай фикр юритишини истаяпти?*” Ўз ваъзингизда бу мақсадни бир жумлага йиға олмасангиз ҳам ваъз олдидан бу ҳақида ўйлаб кўришингиз керак. Сиз ваъз орқали муаллиф ўз ўқувчиларидан нимани хоҳлайди, деган саволга жавоб бера олишингиз керак.

Муаллифнинг мақсадини аниқлаш воизга жуда катта фойда

беради. Улардан бири, бу воизнинг матн асосидаги ваъзини контекстга тўғри жойлаштириш ишини осонлаштиради. Ҳақиқий экспозицион воизлар матнга қараб, ўрганганларини қандай қилиб бугунги кун ўқувчиларига долзарб қилиб кўрсатиш йўларини қидирмайдилар. Улар бундай қилишлари шарт эмас. *Муқаддас Китоб доим долзарб бўлиб келган.* Аксинча, воизлар матндаги мавжуд хулосаларни ва уни амалда қандай қўлланишини ўрганиб, бугунги кунда жамоат яшаётган маданиятга тушунарли тарзда ифода этиб берадилар. Шу тарзда муқаддас матннинг мазмуни ва замонга мослаштириш вазифаси (контекстуаллаштириш вазифаси) биргаликда ишлайди. Улар ваъз қилишда воизга жуда қўл келади. Агар воиз уларга тўғри ёндашса, ваъз нафақат самарали ва таъсирли бўлади, балки тингловчилар ҳам тушуниши осон бўлади.

Матнга асосланган ваъзнинг афзалликлари

Воизлар матн асосида ўз маърузаларини шаклантирганда ҳам яна юқоридаги ўша фаол ҳамкорликка таяниши керак. Замонга мослаштириш (контекстуаллаштириш) матндан устун бўлмаслиги керак. Ваъзингизнинг тузилиши, одатда, Муқаддас Китоб матнининг тузилишига мос келиши керак. Сизнинг экзегетик (тафсир қилувчи), Муқаддас Китоб асосидаги ҳамда илоҳий йўналишдаги изланишларингиз асосида ваъз режангиз шаклланади. Дарҳақиқат, бу режа қилган ишингизнинг контекстини акс эттиради.

Бу тамойил табиий равишда тафсирнинг (изоҳлашнинг) моҳиятидан келиб чиқади. Биз Муқаддас Китоб матнини ўз режамизга мослаштирмаймиз. Аксинча, Муқаддас Руҳ аллақачон матнга жойлаган нарсани айтамыз. Шунинг учун биз Муқаддас Руҳ жойлаштирганидай қилсак, энг яхши иш қилган бўламыз. Чарльз Симеон ана шу мақсадга интилар экан, бу ҳақда шундай дейди:

“Мен Муқаддас Китобни ўқиганимда, унга ҳеч нарса қўшмай ёки олиб ташламай, у менга ўргатаётган фикрларни тушунишга ҳаракат қиламан. Мен бу масалада жуда эҳтиёткорман ва унга жиддий қарайман. Матнни ваъз қилаётган пайтимда Муқаддас Рух ўша матндан менга очиб берганидан кўп ҳам, кам ҳам гапирмайман.”³¹

Мен Муқаддас Китобни тафсир қилишни (изоҳлаб беришни) шундай таърифлайман: бу — муқаддас матннинг шакли ва урғусини тўғри англаб, ваъзнинг тузилиши ва мазмунини унга мос ҳолда тайёрлайдиган ҳамда Худонинг қудрати билан амалга ошириладиган воизликдир. Бу таърифим билан нима демоқчи эканимни калит сўзлар орқали тушунтириб берсам, фойдали бўлади, деб ўйлайман. “Шакл” ва “урғу” деганда Муқаддас Китобдаги ҳар бир табиий равишда ваъзга асос бўлаоладиган бўлакнинг (яъни мустақил мазмунга эга қисмга) тузилиши (шакли) ва асосий урғусини Муқаддас Рух аллақачон белгилаб қўйган. Воизнинг вазифаси ана шу тузилиш ва урғуни топиш. Буни фақат экзегетик ва илоҳиётга оид (теологик) мулоҳазанинг қатъий интизоми асосида тўғри бажариш мумкин. Воиз ушбу шакл ва урғуни аниқ тушуниб олсагина, ваъзнинг умумий тузилиши ҳақида ўйлашга тайёр бўлади.

Экспозицион ваъзнинг бошқа руҳий суҳбатлардан фарқи шуки, воиз матннинг “*шакл ва урғу*” қондасига *тўғри бўйсунган ҳолда* мавзуни тартибга солади. Биз унга қандайдир ташқи режани мажбуран тиқиштирамаймиз. Шу билан бирга, матнда бўлмаган маълумотни ҳам унга қўшишга ҳаракат қилмаймиз. Ана шу икки жиҳатни биз “*тўғри бўйсунуш*” деб аташимиз мумкин. Бизга Хушхабарни аниқ ва садоқат билан ваъз қиладиган воизлар керак.

31 Хандли Карр Глин Моул, *Чарльз Симеон* (Лондон: Methuen & Co. нашриёти, 1892), 97–6ег; [Handley Carr Glyn Moule, *Charles Simeon* (London: Methuen & Co., 1892), page 97].

Афсуски, орамизда жуда кўпчилик ўзини тартиб-интизомлидай кўрсатса-да, аслида, тартиб ва интизомга амал қилмайди. Кўпинча, ваъздаги хабарларимиз Муқаддас Китоб матнига мос келмайди. Биз тайёрлаган хабарларнинг мазмуни матндаги ҳақиқий маънодан бошқачароқ бўлиб чиқади. Уларнинг шакли ҳам бошқача. Бу эса ваъз тайёрлашда интизомнинг етарли эмаслигини кўрсатади. Биз ваъзларимизнинг режаси ва ургуларини матнга мослаштирмаймиз — аксинча, ҳар ҳафта маттни ўз истагимиз, кайфиятимизга қараб ўзгартиришга уринамиз. Бунинг оқибатида маънони етарли даражада очиб бера олмаймиз, натижада, тингловчиларимиз Худонинг овозини эмас, фақат бизнинг камчиликка тўла овозимизни эшитади. Шунинг учун, мен сизларга шундай демоқчиман: “Муқаддас Китобдан шакл ва мазмун жиҳатдан матнга мувофиқ келадиган ҳақиқий ваъзлар тайёрлайлик.” Ниҳоят, бу Каломий изоҳдир ва қўлингиздаги китобчанинг қўшимча сарлавҳасида ёзилганидек, *бугун биз экспозицион орқали Худонинг Сўзини айтамыз.*

Биз тингловчиларни *этиборга олиш* ва *маттни тўғри тартибга солишда* контекстуаллаштиришнинг афзалликларини кўриб чиқдик. Энди булар сизнинг *ваъзингизни амалда қўлашга* қандай ёрдам беришини кўриб чиқамиз.

3. КЕЛТИРАДИГАН ДАЛИЛЛАР

Ҳар бир ваъз муайян бир далилга эга бўлиши лозим. Аслида, сиз далилсиз ҳеч қандай шогирд орттира олмайсиз. Эсингиздами, Матто 28:19-20 да Исо шогирдларига: “Мен сизларга буюрган барча нарсаларга риоя қилишни ўргатинглар”, деб топшириқ берган эди. Яъни, улар одамларни итоаткорликка даъват қилишда ахлоқий таъсир кучи билан сўзлашлари керак эди. Воиз инсон хулқини

ўзгартириш билангина чекланиб қолмаслиги керак — у одамларни ишонтириши ва юракларига йўл топиши зарур. Чунки воизнинг вазифаси фақат сўзни раво ифодалаш эмас, балки далил келтириш ҳамдир. Хушxabарда шундай жиҳат борки, у инсоннинг фақат туйғусини эмас, онгини ҳам ажойиб тарзда жалб этади.

Бу масала бўйича учта муҳим нарсани қисқача айтиб ўтмоқчиман. Биринчиси, Муқаддас Китобда ваъзда далил келтиришга оид кўплаб мисоллар бор. Масалан, Ҳаворийлар фаолиятлари 17:2-3 га эътибор берсангиз, Павлуcнинг хизмат доираси кенгайганини кўрасиз. Бу оятларда унинг хизмати ҳақида шундай дейилади: “Павлуc ўз одатига кўра уларнинг олдиларига кириб, уч шаббат куни улар билан Ёзувлар бўйича мулоҳаза қилди. Масиҳнинг азоб чекиши ва Унинг ўликлардан тирилиши лозим бўлганини очиб бериб ҳамда буни исбот қилиб, у: “Шу Масиҳ – мен сизларга воизлик қилаётган Исодир”, – деб айтар эди” (Ҳаворийлар 17:2-3). Тўртинчи оятда эса уларнинг баъзилари “имон келтир”ганлари ҳақида ёзилган.

Демак, Павлуc “мунозара қилди” (айнан шу сўздан “диалог” атамаси келиб чиққан). У шунчаки нутқ сўзламас эди, балки тингловчилари билан баҳс-мунозараларга киришар ва ваъзаларида ички мулоқот услубидан фойдаланар эди. У одамларга айтмоқчи бўлган хабарини тушунтирар, аниқроғи, тингловчиларининг онгини очарди. Исо ҳам Луқо 24–бобда шогирдлари билан суҳбатда шундай қилган – уларнинг онгини очган. Бунинг учун Исо Муқаддас Ёзувларнинг бир-бирига уйғун ва изчил эканига далил келтирган. Бу усул масиҳийлар гўё ақлга таянмайди, деган нотўғри тасаввурни йўқ қилади. Павлуc ҳам, Исо ҳам масиҳийлар энг очиқ фикрли ва мулоҳазали кишилар эканини амалда исботлаб беришган. Ҳаворийлар 17:3 да Павлуcнинг “исбот қилиб” бергани

ҳақида ёзилган. Маъжозий маънода бу сўз бирор бир таомни дастурхонга (одамнинг кўз олдига қўйиш) маъносида ишлатилади (Луқо 9:16, 10:8 ва бошқалар). Том маънода, Павлус ўз далилларини одамларга тақдим қилди. Натижада, одамлар *ишонди*. Павлус уларни ишонтира олди. Баъзилар ҳатто чин дилдан имон келтирди. Воиз сифатида инсон ўз олдига юксак мақсадлар қўя билиши керак. Биз 1–Коринфликларга 1–бобни нотўғри тушунганимиз учун “ишонтириш” гоёсига қаршилиқ билдиришимиз мумкин. Биз 1–бобни нотўғри тушунганимиз учун бу дунёнинг ҳикматини рад этамиз. Лекин бу биз одамларга таъсир ўтказишда қўлимизда бор барча имконият ва воситалардан фойдаланмаслигимиз керак дегани эмас. Биз ишонтиришга ҳаракат қилишимиз керак. Сўзларимиз таъсирли бўлиши керак. Павлус Ҳаворийлар 26:26-28 да ўзини тўлиқ хатарга қўйиб, шоҳ Агриппа ва унинг бутун сарой аҳлини ишонтириш истагида жасорат билан очиқчасига сўзлади. У шунчаки мулоқотда иштирок этиш билан кифояланмади. Шунингдек, у масиҳийликни одамларга ёқадиган кўринишда кўрсатишга ҳам уринмади. Унинг мақсади бутун инсониятни Хушxabар хизматига даъват қилиш эди.

Иккинчиси, ҳақиқий мулоқот услубига асосланган хизмат ўзига хос аҳамиятга эга. Бунини мулоқот услубидаги ваъз билан адаштирмаслик керак. Муқаддас Китобда “ваъз” тушунчаси — бирор ҳақиқатни эълон қилиш, яъни хабарни жонқуярлик билан етказиш маъносида келади ва кўпинча монолог шаклида бўлади. Лекин инсонларни ички мулоқотга ундаб, қалбига таъсир қиладиган тарзда гапиришни жуда самарали бир усул дейиш мумкин. Павлус айнан шундай усулда хизмат қилди: у одамлар билан очиқ мулоқот қилган, бироқ ваъз айтганида, у тўғридан-тўғри монолог шаклида сўзлаган. Унинг ваъзлари чин маънода ахлоқий кучга, руҳий таъсирга

эга бўлган ваъзлардан иборат эди.

Шунинг учун, биз ҳам савол-жавоб ва ҳақиқий мулоқот учун имконият излашимиз керак. Шу тарзда мулоҳаза юритиш ва фикрлашга ундайдиган услубларни воизликка олиб киришимиз керак. Чунки ваъз — бу фақат тушунтириш эмас, балки ишонтириш ва ҳаётга татбиқ қилиш ҳамдир.

Учинчиси, далилингиздаги энг муҳим мавзуларга эътибор қаратинг. Ҳаворийлар 24:24-25 да шундай ёзилган: “Бир неча кундан кейин, Феликс яҳудий хотини Друсилла билан келиб, Павлусни чақиртирди ва Исо Масихга имон ҳақида уни тинглади. Павлус ҳақлик, ўзини тийиш ва келаётган ҳукм ҳақида сўзлагани учун Феликс қўрқувга тушиб: «Энди боргин, вақт топганимда сени яна чақиртираман», – деди.”

Павлус Феликсга 1) Исо Масихга бўлган имон, 2) солиҳлик, 3) ўзини тийиш ҳамда 4) келажақдаги ҳукм ҳақида сўзлаб берди. Булар инсоният билиши керак бўлган тўртта муҳим мавзудир. Биз айнан шулар ҳақида асосли баҳс юритишни ўрганишимиз керак. Агар эътибор қилсангиз, Павлус Римликларга 1-3–бобларда ҳам шулар ҳақида фикр юритади.

Ҳар бир ваъзингизда далиллар қўллашни ўрганинг. Бу осон эмас, лекин тушунарли ва оддий қоида.

4. ВАЪЗНИНГ ХАБАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИШ

Қўллаш масаласига келганда, аввало шуни таъкидлаш лозимки, Муқаддас Китобни экспозицион ваъз қиладиган воизларнинг асосий мақсади — *инсонларнинг қалбларини ўзгартиришидир*. Шубҳасиз, тингловчиларимизнинг онгига Худонинг ҳақиқатларини сингдириш жуда муҳим вазифа. Бироқ, биз фақат шу билан

чекланиб қолмаймиз. Шу билан бирга, биз инсонларнинг қўл ва оёқларини ишга солиш, яъни уларни фаол хизматга ундаш билан ҳам кифояланмаймиз — бу ҳам зарур, лекин етарли эмас. Аксинча, биз тингловчиларимизнинг қалбларига йўл топишни мақсад қиламиз. Чунки ҳақиқий ваъз инсоннинг фақат ақлини ёки ҳаракатларини эмас, балки бутун иродаси ва ҳис-туйғуларини Худога қаратиши керак. Чунки қалб — инсоннинг ҳақиқий қудрати мужассам бўлган маскандир. Шу сабабдан, айнан қалбни ҳақиқий ўзгаришларнинг манбаи дейиш мумкин. Агар инсоннинг қалби ўзгарса, ўзи ҳам ўзгаради.

Инсонни қалбидан ўзгартирувчи ҳаётга татбиқ қилиш босқичи камида тўрт жиҳатдан контекстуаллаштириш билан уйғунлашади. Бундай татбиқ қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- Қалбни тавбага йўналтиради.
- Ибодатли қалбга асосланади.
- Қалб эҳтиёжларини тушунишдан бошланади.
- Муқаддас Китоб матнининг асл моҳиятидан келиб чиқади.

Қалбни тавбага йўналтириш

Келинг, яна Павлуснинг Афинада сўзлаган нутқиغا қайтамыз. У ерда Павлус тавба қилиш ҳақида сўзлаган эди. У Афинада яшовчиларни “билимсизлик даврларини четга қўйиб”, “тавба қилиш”га чақирган (Ҳаворийлар 17:30). Павлус ўша вақтда Афина аҳолиси онгини, қалбини ва иродасини тўлиқ Худога қаратишларини истаган.

Ваъзга тайёргарлик кўрар экансиз, танлаган матнингизни

ҳаётга қандай татбиқ қилиш ҳақида ўйланг. Шу қисмга келганда ўзингизга қуйидаги саволларни беринг:

- Мен қалбан ўзгаришга ундаяпманми?
- Мен ваъзим орқали тингловчиларни тўлиқ тавбага чақиряпманми?
- Менинг хабарим фақат ақлий маълумотдан иборат бўлиб қолмадими?

Ёдингизда бўлсин: контекстуаллаштиришдан мақсад Муқаддас Китоб хабарини яна бир қизиқарли маълумот тарзида бериш эмас. Аксинча, биз тингловчиларимизнинг қалбини Масихнинг ҳақиқатига буришга интиламиз. Шунда улар Масих лойиқ бўлган барча улугворликни чин қалбдан Унга бера оладилар. Бу олий вазифани бажаришимиз учун эса айнан Худонинг Руҳи Худонинг Каломини тингловчиларнинг қалбига етказиши керак бўлади. Чунки биламизки, инсон қалбини Худодан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди. Бу ҳақиқатни Исонинг душманлари ҳам англаб етишган (Марк 2:7–оятга қаранг).

Ибодатли қалбга асосланиш

Биламизки, ваъзнинг асосий мақсади тингловчиларнинг қалбини тўлиқ тавбага йўналтириш ва буни фақат Худо амалга ошира олади. Шу сабабдан ҳам, ваъз матнини ҳаётга татбиқ қилиш босқичига тайёргарлик кўраётганимизда, биз бу ишни тиз чўкиб тўғридан-тўғри Худонинг ҳузурига олиб келишимиз лозим. Бизнинг қалбимиз ҳам доимо ибодатга тайёр бўлиши керак.

Луқо 11:1-13 бизни айнан шундай қилишга ундайди. Шогирдлар Исонинг олдига келиб, “Устоз, Яхё шогирдларига

ўргатганидай, бизга ҳам қандай ибодат қилишни ўргатинг” деган мурожаат билан келганларида, Исо уларга қандай ибодат қилишни ўргатди (Луқо 11:1-4 га қаранг). Кейин У шогирдларни ибодат қилишга ундаш мақсадида Отанинг яқин дўстан ҳам яқинроқ эканини тасвирлаш учун бир масал сўзлаб берди. Эҳтимол, зарур иш билан тунда дўстингизнинг уйига бориб уйготсангиз, унга малол келар. Ахир дўстликнинг ҳам чегараси бор! Лекин Отамиз Худо ундай эмас. У ҳар доим ёрдам беришга тайёр. Сўранг, оласиз. Тақиллатинг сизга эшик очилади. Худо бизга аниқ нимани ваъда қилаётганига эътибор қилинг; “... осмондаги Ота Ундан сўраганларга Муқаддас Рухни беради” (Луқо 11:13). Ҳатто Яхё чўмдирувчининг шогирдлари ҳам Муқаддас Рух ҳақида билмасдилар (Ҳаворийлар 19:1-2). Аммо, Худога шукурки, биз буни биламиз. Худо бизга Муқаддас Рухни беришни ваъда қилган.

Қалб эҳтиёжларини тушуниш

Биз тингловчиларимиз учун ибодат қилар эканмиз, ўз қалбимизни Худога очишимиз керак бўлганидай, уларнинг юрагинима билан уришини ҳам билишимиз керак. Контекстуаллаштиришни тўғри қўллай олсак, у бизга атрофимиздаги одамларнинг қалби нимага тўлиб-тошганини кўришга ёрдам беради. Оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак, агар ваъзимиздаги амалда қўллаш қисмида тингловчиларимизнинг қалбини Худога қаратишни мақсад қилган бўлсак, у ҳолда биз уларнинг қалби нима билан тўлиб-тошганини билишимиз керак. Буни билиш учун эса биз уларни диққат билан кузатишимиз, уларнинг ичида мустаҳкам илдиз отган қадриятларни, нимага қаттиқ ишонишларини билишимиз керак. Энг муҳими, Исога ишонишга, Унга итоат қилишга ҳамда тўғри, тартибга солинган ҳаёт кечиришга нималар ҳалал беришини билиб олишимиз керак.

Илоҳиётшунос ва файласуф Августиннинг асарлари ҳамда Павлуснинг мактублари (Ҳаворийлар фаолиятлари китобидаги Павлуснинг ваъзалари ҳақида ёзилган парчаларда ҳам) воизларга контекстга мослаштириш босқичида чуқур фикр юритишга ёрдам берадиган бебаҳо манбалардир. Аслида, Муқаддас Китобни тафсир қилувчи (изоҳлаб берувчи) учун мана шу иккита қўлланманинг ўзи кифоя қилади. Бу вазифани бажариш учун оддийгина газета ёки оммавий ахборот воситаларидан иқтибос келтиришнинг ўзи етарли, деб ўйлаш бемаънилик. Бу турдаги маълумотлар оламда бўлаётган ишлардан хабар беришдан бошқасига ярамайди. Биз одамлар *нима учун* бошқача эмас, айнан у ёки бу тарзда ҳаракат қилишларини тушунишимиз керак. Бунинг асосий сабаби *юракда!* Бу масалада Августин ва Павлусдан ўтадигани бўлмаса керак. Улар сизга янгилıklarдан *қандай қилиб* самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Яхшиямки, бизда Августин ва Павлуснинг намуналари бор. Масалан, тарихчи олим Питер Браун Рим ҳақидаги тадқиқотларида инсон қалбига назар солиш ҳақида таъкидлайди. У Рим аҳолисидаги “*amor civicus*”, яъни ўз шаҳарларига ва унинг фуқароларига бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида ёзади. У шундай дейди:

Ўша замонда бундай меҳр-муҳаббатни намоён қилган бой-бадавлат инсон “*amator patriae*” – ўз она шаҳрини севадиган инсон сифатида ном қозонган. Бу эса бой одам кўрсатиши мумкин бўлган энг шарафли муҳаббат ҳисобланарди. “*Amor civicus*”, яъни фуқаролик муҳаббати деган ибора ибодатхоналар, форумлар, жамоатчилик бинолари, аркалар, устунлар ва халқ учун мўлжалланган кенг қўламли томоша жойлари — театрлар, амфитеатрлар ва циркка ўхшаш

стадионларда ёзиб қўйилган эди. Бу иншоотлар ҳали-ҳамон Рим қадимий ёдгорликларини томоша қилувчи сайёҳларни Ғарбий Европанинг ва Шимолий Африканинг деярли барча ҳудудларида ҳайратга солмоқда.³²

Браун Рим халқини “қалби ватанига боғланган” халқ деб таърифлайди. Уларни “Ватанпарвар ошиқлар”, “Юрагида Рим бўлган муҳаббат соҳиблари” деб номлайди.³³ Агар Питер Браун ҳақиқатан Рим халқига ваъз айтганда эди, айнан мана шу каби билим ва ҳиссиётлар унинг ибратли ваъзларида жуда фойда берган бўларди. Қадимги Рим каби бугунги шаҳарларимиз ҳам турли дунёқарашлар тўқнашадиган жойлардир. Аммо, шу билан бирга, инсонларга қарасангиз, уларнинг қалби, ҳиссиётлари кўз ўнгингизда намоён бўлади. Шунинг учун сиз ҳам, биз ҳам Питер Браун жуда яхши намоён қилган тинглаш ва қалбни англаш маҳоратини ўрганишимиз лозим.

Худонинг Каломини бугунги кунда теран ва таъсирли тарзда қўллашни истасак, одамлар нимани севишини, нимани қадрлашини ва нималарни барча нарсадан устун қўйишини билишимиз зарур. Сиз буни ўргандингизми? Ўз атрофингиздаги одамларнинг қалби нимага интилишини сеза оласизми?

Муқаддас Китоб матнининг асл моҳиятидан келиб чиқиш

32 Питер Браун, *Игна тешигидан* (Принстон: Princeton University нашриёти, 2012), 64–бет; [Peter Brown, *Through the Eye of a Needle* (Princeton: Princeton University Press, 2012), page 64].

33 Илгари келтирилган манбадан, 96-101–бетлар.

Ҳар қандай воиз одамлар қалбини ҳис қила билиши керак, аммо яхши, Хушxabарга боғланган ваъзнинг амалда қўллаш қисмини ишлаб чиқиш учун, шунинг ўзи етарли, деб ўйласангиз адашасиз. Унутманг, Муқаддас Китоб асосида соғлом ва самарали хизмат доимо маҳаллий шароитни ҳисобга олган, бироқ матнга асосланган бўлиши керак.

Баъзи воизлар шунчалик тингловчиларга, замон ва жамият шароитларига мослашишга берилиб кетадиларки, ваъзнинг амалий қисмига тайёргарлик кўриш жараёнида матннинг асосий ғоясини унутадилар! Эшитишимча, ҳатто баъзи воизлар ваъз қилишга илҳом келишини кутиб, хонасида кўзини юмганча, бошини орқага ташлаб, юзини шифтга қаратиб ўтирар эканлар.

Тўғри, контекстуаллаштиришнинг ҳам ўз ўрни бор, бу нарса ваъзнинг асосини эгалламаслиги керак. Ўз биродарларига хизмат қилмоқчи бўлган воиз ҳушёр кўзлар билан бутун диққатини *матнга қаратиши керак*. Энг муҳими – ваъз учун керакли амалий қўллашлар ҳар доим Муқаддас Китобнинг *асосий ғояси билан боғлиқ бўлиши керак*. Асосий ғояни топиш учун эса воиз аввало одамлар ҳақида эмас, матннинг ўзи ҳақида самарали саволлар бера билиши лозим.

Мен парчани ўқиш жараёнида ҳар доим бир саволни бераман: муаллиф бу парча орқали ўз ўқувчиларига нима демоқчи? Ҳар доим шундай савол билан бошлаш яхши. У фикрларимни муаллифнинг асосий мақсади билан уйғунлаштиради. Матннинг мақсадини аниқлаш унинг қандай аҳамият касб этиши, яъни ўқувчиларимиз учун қандай фойдали бўлиши ҳақидаги тушунчани топишимга ёрдам беради.

Баъзан муаллиф матнда ўз мақсадини очиқ айтади ва бундай пайтда у бизга амалий қўлланмани ҳам қўлимизга тутқазгандай

бўлади. Масалан, Довуд билан Голиёт ҳақидаги ҳикояда шундай деб ёзилган:

Ҳозир Раббий сени менинг қўлимга топширади ва мен сени ўлдириб, бошингни танангдан жудо қиламан. Сўнгра филистин қўшинининг жасадларини кўкдаги қушларга ва ердаги ҳайвонларга бераман. Шунда Исроилда Худо борлигини бутун ер билиб олади. Шунингдек, мана бу бутун йигин — Раббий на қилич, на найза билан қутқаришини билиб олади, зеро бу уруш Раббийникидир ва У сизларни қўлимизга топширади. (1–Шоҳликлар 17:46-47)

Бу парча бизга ҳикоянинг асосий мазмунини очиб беради: Довуд билан Голиёт ўртасидаги бу жанг Хушхабарга етакловчи мавзу сифатида хизмат қилади (“Шунда Исроилда Худо борлигини бутун ер билиб олади”) ва таълим-тарбия бериш мақсадида – Худонинг халқини Унга ишонишни ўргатади (“Раббий на қилич, на найза билан қутқаришини билиб олади, зеро бу уруш Раббийникидир ва У сизларни қўлимизга топширади”).

Матннинг асосий ғоясини тушуниш учун берилиши керак бўлган иккинчи фойдали савол қуйидагича: матнда келтирилган қахрамонлар Худонинг ҳақиқатларига ёки Унинг Танланганига қандай муносабатда? Доим бўлмаса-да, айрим ҳолларда қахрамонлар тингловчилар учун ўзига хос ойна вазифасини бажаради. Мен бир сафар икки шоҳ – Шоул ва Довуд (1–Шоҳликлар 22–боб) ўртасидаги фарқни кўрсатувчи парчадан ваъз қилган эдим. Бу ажойиб боб бўлиб, бу ҳикояда иккита кўзга кўринган шоҳ билан бирга яна иккита иккинчи даражали қахрамон тилга олинади. Улардан биринчиси бу эдомлик Доэг исми киши бўлиб, Шоулга

тарафдорлик қилади. Иккинчи қаҳрамон Абиатар эса Довуднинг изидан боришни танлайди. Доэг ва Абиатар каби шахслар воизликда амалий хулосалар чиқариш учун жуда фойдали образларга айланади. Ваъз жараёнида савол тугилади: Биз Худонинг Танлангани заиф кўринса ҳам ёки таъқибда бўлса ҳам унинг ортидан эргашишни танлаймизми ёки Доэгга ўхшаб, охири барбод бўладиган, дунёвий куч ва манфаатга эга шохнинг ортидан эргашамизми?

Учинчи фойдали савол: ушбу амалий қўллаш матннинг асосий маъносига тегишлими ёки шунчаки эҳтимолий бир талқинми? Умумий қоида сифатида, аввал матннинг асосий мазмунини очиб бермасдан туриб, иккинчи ёки учинчи даражали амалий қўллашларга ўтмаслик керак. Сизнинг асосий мақсадингиз Муқаддас Рух матн орқали етказмоқчи бўлган асосий ғояга мос келиши лозим.

Бу масалани шундай тасаввур қилинг: ҳар бир амалий қўллаш нарвондаги бир поғонага ўхшайди. Поғона қанча баландда бўлса, яъни матннинг асидан қанча узоқлашган бўлса, унга етишга уринган одам шунчалик кўп хато қилади. Чунки у жуда узоқ ва заиф бўлиб қолади. Бундай ҳолда, яқин, мустаҳкам, аниқ ва асосий амалий қўллашга таяниб ҳаракат қилиш сиз учун маъқулроқ бўлади.

Мен матнга бир нечта амалий қўллаш берадиган бўлсам ҳам ҳар доим энг асосийсидан бошлайман. Агар таҳлил чоғида матндан узоқлаша бошласам, жамоатга “Ҳозир айтмоқчи бўлган қўллашлар матндан бир оз четлашган талқинлар”, деб очигини айтаман. Китобимизнинг бошида (1–бобда) 1–Шоҳликлар 2–боб бўйича муҳокамани эслаб кўринг. Ундаги баъзи амалий хулосалар фарзанд тарбиясига оид эди, эсладингизми? Лекин матнни диққат билан ўрганганимизда, бундай амалий қўллашлар иккинчи, ҳатто учинчи даражали эканини англаган эдик.

Матндан четга чиқиб кетмаётганингизни текшириш учун яна бир фойдали, текширувчи савол бор: Амалий хулосаларим матн доирасида қоляптими ёки йўқми? Чунки матндан бирорта амалий хулосага келиш, бу муаллиф шуни назарда тутган, дегани эмас. Шунга яқин яна бир муҳим савол бор. Ўйлаб кўринг, менинг амалий қўллашим Муқаддас Китобнинг бошқа матнларига зид келмаяптими? Агар зид келадиган бўлса, у ҳолда бу хулосадан фойдаланманг. 1–Шоҳликлар 21–бобда Довуд озиқ-овқат ва қурол-яроғ олиш мақсадида руҳоний Ахимелекни алдагани воқеасини эсланг. Сиз бу парчани Худога хизмат қилиш йўлида “бир оз безарар ёлгон ишлатиш мумкин”, деган хулосани бериш учун ишлатадиган бўсангиз, у ҳолда Колоссаликлар 3:9-10 ни талқин қилаётганингизда, жиддий муаммоларга дуч келишингиз аниқ. Юқоридаги охириги савол воизни Муқаддас Китобнинг бир парчасини иккинчи парчасига қарши қўйишдек хатардан сақлайди.

Охирида, ваъзга тайёргарлик жараёнимдаги ишимни текшириш учун ўзимга шундай савол бераман: Менинг амалий қўллашларим Хушxabар асосига қурилдими? Мен тингловчиларимга Хушxabар асосидаги амалий қўлланмани тақдим этяпманми ёки шунчаки уларнинг елкаларига яна кўпроқ амрларни юклаш хавфи остида турибманми?

Айтайлик, Ёқуб 3:1-12 асосида ваъз қилганда, оддийгина қилиб, “Тилингизни тийинг!” деб айтиш мумкин. Аммо фақат шу билан чеклансак, бу ахлоқий таълимга айланиб қолади. Бу бобнинг асл мазмуни эса қуйидагидан иборат: тили тўлиқ назорат қилиш имконсиз. Бизга Худонинг инояти керак. Ёқуб бу фикрни 13-18-оятларда давом эттиради. У ерда у бизга “юқоридан келадиган донолик” кераклигини таъкидлайди.

СЎНГГИ СЎЗ

Бугунги кунда Худонинг Сўзини таъсирли ва самарали қилиб етказиш учун воизлар контекстуаллаштиришни Муқаддас Китоб матни билан уйғунлаштиришлари керак. Бундан ташқари, биз мана шу икки усулни биргаликда қўлаганимизда, бундай ваъздан фойда кўраимиз. Улар *тингловчиларимизни* шаклантиради, манба (маълумот)ни *тузишга*, *далиллар* келтиришга ва етказмоқчи бўлган хабаримизни *амалда қўллашга* ёрдам беради.

Ва ниҳоят, сўнги сўз — шу билан якун ясаймиз. Муқаддас Китобнинг энг яхши тафсирчилари (изоҳлаб берувчилари) ҳарчанд *бугунги кун* масалаларига жиддий ёндашсалар-да, ўз воизлик ишларини (экзегетика бўладими, илоҳиётга оид мулоҳаза ёки контекстуаллаштириш бўладими) ҳаминиша *ўша кун* — яъни Исонинг қайта келиш куни — нури остида амалга оширадилар. Чунки *ўша кун* ҳар бир нарса, ҳатто воизнинг нияти ҳам ошкор бўлади. *Ўша кун* ҳақидаги билимингиз сизга доимо ибодатда ва садоқатда қолишга ёрдам берсин ҳамда мўл-кўл ҳосилни – самарани Худонинг қўлига топширишингизга сабаб бўлсин.

ХУЛОСА

ҚУРИГАН СУЯКЛАР

Чарльз Симеон Trinity Sunday (Муқаддас Учбирлик Яқшанбаси) жамоатига расмий равишда хизматчиликка тайинлангандан сўнг, таътилда бўлган чўпоннинг ўрнига ўша жамоатда ваъз айтди. Ўшанда Симеон бор-йўғи йигирма икки ёшда эди. Орадан ўнлаб йиллар ўтиб, у ўзининг биринчи ваъзалари ҳақида шундай деб ёзган:

Жаноб Аткинсон билан танишиб қолганимдан сўнг, у киши таътилда бўлган вақтда унинг жамоатида хизмат қилишни зиммамга олдим. У ерда яхши хизмат қилдим, деган умиддаман. Бир ой ёки олти ҳафта ичида жамоат тингловчиларга тўлиб-тошди. Қутлуг Кечликка доимгидан уч баробар кўпроқ одамлар қатнашди ва “қуриган суюклар”нинг ҳам ҳаракати кўзга ташлана бошлади.³⁴

Воиз сифатида менга Чарльз Симеон ўзининг илк ваъзалари ҳақида айтган қисқача таърифнинг ҳар битта гапи ёқади. Бу таърифда у ўзининг хизмати оддий бошланганини, таътилда бўлган чўпоннинг ўрнига хизмат қилгани ҳамда таъриф давомида у ерда қилган иши фойдали бўлганига умид қилишини ҳам оддийгина қилиб

34 Уильям Карус, *Руҳоний Чарльз Симеоннинг ҳаёти хотиралари* (Лондон: Hatchard and Son нашриёти, 1847), 24–бет; [William Carus, *Memoirs of the Life of the Rev. Charles Simeon* (London: Hatchard and Son, 1847), page 24].

эслатиб ўтади. Худо унинг хизматини ажойиб тарзда бошлаган! Биласизми, Мен Худо унинг илк ваъзларини атайлаб самарали қилганига ишонаман. Келгусида унинг хизматларига руҳий мадад бўлсин, деб шундай қилган. Ахир, у тез орада Кембрижда анчагина синовларга дуч келарди-да. Аммо менга ўзининг қилган ваъзининг таъсирини қандай таърифлагани ёқади: “Қуриган суякларнинг ҳам ҳаракати кўзга ташлана бошлади”.

Ишончим комил, Худонинг инояти билан Чарльз Симеоннинг даврида содир бўлган воқеалар бугун ҳам такрорланади. Эҳтимол, бу жараён сиздан бошланар! Воизлик ҳақида қўлингиздаги ушбу китобчани ёзаётганимда, мен ўша йигирма икки ёшли йигит ҳақида ўйладим. Шундай экан, сиз йигирма икки ёшда бўласизми, ёки саксон икки ёшдами, Худо сиз орқали шундай иш қилсинки, ҳаммамиз “яхши хизмат қиляпти”, деб умид қилайлик.

ИЛОВА

ВОИЗЛАР БЕРАДИГАН САВОЛЛАР

Қуйидаги ташхис саволлар ваъзингизни бошидан охиригача тўғри тайёрлашга ёрдам беради.

ЭКЗЕГЕТИКА

- Тайёргарликка киришишдан олдин Худонинг мададини сўраб ибодат қилдимми?

Тузилиш (Структура)

- Муаллиф ушбу матнни қандай ташкил қилган? Тематик қисмлар қайси оятлардан бўлингани аниқ кўрсатилса, фойдали бўлади.
- Умумий: Матнда қайси сўз, ибора ёки ғоя такрорланиб келяпти?
- Ҳикоя: Матн қандай саҳналарга бўлинган? У манзара (жойлар) ўзгариши асосида ташкил қилинганми ёки қаҳрамонлар ўзгариши асосидами? Сюжет нима? (Тўқнашув ёки драматик танглик нимадан келиб чиқяпти? Кулминация ёки бурилиш нуқтаси қаерда? Тўқнашув ҳал бўлди? Агар ҳал бўлган бўлса, қандай ҳал бўлди?)

- *Дискурс:* Грамматик қурилиш ёки мантиқий изчиллик ғояларнинг оқимини қандай намоён этади?
- *Шеърый матн:* Бу матннинг кайфияти ёки мавзуси қаерда ўзгаради?
- Матннинг тузилиши муаллиф қайси ғояга эътибор қаратаётганини қандай очиб беради?

Контекст

- Бу парча атрофида жойлашган матнлар, яъни ундан олдин ва кейин келадиган қисмлар унинг маъносини қандай етказиб беради? Нима сабабдан бу парча айнан шу ерга жойлаштирилган? Муаллиф бу билан нимани мақсад қилган?
- Бу матнни илк тингловчилар ёки ўқувчилар (жанрига қараб) қандай тарихий вазиятда эшитганлар?
- Ўқиётган парчанингиз каттароқ бир бўлим (боб ёки бутун бир китоб) ичида қандай ўрин эгаллайди?

Матн оҳанги

- Бу китобнинг моҳияти нимадан иборат?
- Ушбу парча китобнинг умумий оҳангини қандай акс эттиради ёки китобнинг моҳияти уни қандай тўлдирипти?
- Матннинг мавзуси нимада?

ИЛОҲИЁТГА ОИД МУЛОҲАЗА

- Бу парча Хушхабарга қандай ишора қилади? Хушхабар билан боғлиқми?
- Каломий илоҳиёт менга матндан Хушхабарни кўришимга

қандай ёрдам беради? Муаллиф башоратнинг рўёбга чиқиши, тарихий йўналиши, умумий мавзулар ёки ўхшатишларни қандай ишлатган?

- Тизимли илоҳиёт менга матндан Хушxabарни кўришимга қандай ёрдам беради? Бу менинг имонда мустахам туришимга ёрдам берадими? Мени Хушxabарга янада чуқурроқ боғлайдими? Ёки Масихни билмаганлар билан мулоқот қилишда менинг гапириш маҳоратимни чархляптими?

БУГУНГИ КОНТЕКСТУАЛЛАШТИРИШ

Тингловчилар ким?

- Мен тайёрлаган ваъзимни тинглайдиган одамларни яхши биламанми? Уларни севишга қарор қилиб, ўзимни шу ишга бағишлаганманми? Ваъзга тайёргарлик кўриш жараёнида улар учун ибодат қилдимми?

Ваъзнинг тузилиши

- Мен айтадиган ваъз қандай шаклда бўлади ва ваъзда нимага урғу бераман? Ваъзимнинг шакли ва асосий мазмуни матннинг тузилиши ва асосий ғоясига мос келадики?

Ҳаётга татбиқ этиш

- Мен тайёрлаган ваъз энг аввало ўзимни ва шу билан бирга тингловчиларимни юракдан ўзгартирадики?

Менинг ваъзим тингловчиларни Худонинг олдида камтар қиладими? Нажоткорни улуғлаб, тингловчиларни муқаддас ҳаёт кечиришга ундайдими?

- Муаллиф мен ваъз қилаётган матн орқали ўқувчиларга нимани айтишни ният қилган ёки мақсад қилган?
- Ҳикоя: Матн қаҳрамонлари Худонинг ҳақиқатига ёки Танланган қандай муносабатда бўляпти?
- Нутқ/Дискурс ёки Шеър: Муаллиф матн орқали ўқувчиларида қандай муносабат уйғотишни истаган?
- Менинг амалий хулосаларим муаллифнинг мақсадига асосланганми?
- Амалий қўллашларим асосий ғоясини акс эттирадими ёки эҳтимолий талқинлардан бирими?
- Амалий қўллашларим матннинг моҳиятини камайтирмаяптими? У бошқа Муқаддас Ёзувларнинг мазмунига зид келмайдими?
- Мен ваъзимда келтираётган ҳаётга татбиқ этиш таклифи Хушxabарга асосланганми ёки шунчаки тингловчиларимнинг елкаларига яна кўпроқ талабларни юклаяптими?
- Мен Муқаддас Китоб матнига таяниб, ўзим айтмоқчи бўлган фикрларни айтяпманми? Ёки фақат матнда бўлган ва Худо айтмоқчи бўлган фикрни очиб беряпманми?

АЛОҲИДА МИННАТДОРЧИЛИК

Худо менинг ҳаётимга қўйган икки чўпон – Кент Хьюс ва Дик Лукаслар менга экспозицион ваъз қилишда намуна кўрсатдилар. Бу икки инсон ҳафта давомидаги вақтларини Худонинг Каломини тушунишга ва тушунтиришгагина сарфлаб қолмай, менга ҳам бор биланларини ўргатиб, ҳаётимга руҳий сармоя киритдилар. Шунинг учун ҳам мен улардан жуда миннатдорман. Улар мен учун доим яқин дўст ва ишончим комилки шундай бўлиб қолади. Қўлингиздаги ушбу китобча айнан улар туфайли янада яхшироқ бўлди.

Шунингдек, мен яқиндан ҳамкорлик қиладиган икки чўпон – Жон Деннис ва Артур Жексонга ҳам алоҳида миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Сизларнинг кўп йиллик садоқатли хизматингиз мени руҳлантиради. Мен Чикагодаги Ҳайд Паркда жойлашган Муқаддас Учбирлик Жамоати [Holy Trinity Church] олдида ҳам қарздорман. Мана, орадан ўн беш йил ўтибди ҳамки, ҳамон сизлар Худонинг Каломини мен орқали хурсандчилик билан қабул қилиб келяпсизлар. Фақат шутгина эмас, ҳар ҳафта, Масиҳнинг Каломи орқали қалбларимиз меҳр-муҳаббат билан боғланди, Унинг садоқатини ҳар доим янгилаб турдик. Мен бундан жуда миннатдорман, Масиҳнинг ҳокимияти остида Худо бизга берган шодлик учун ҳам шукрона айтаман.

Шунингдек, мен дўстларим Марк Девер ва Жонатан Лимандан ҳам миннатдорман. Фақат уларнинг хушмуомалалик билан берган таклифи ва бу гоёларни қоғозга тушириш ҳақидаги қатъий тавсиялари сабабли мен ёзишга вақт топа олдим. Азиз дўстларим,

менга шу ишда сизлар билан елкадош бўлиш имконини берганингиз учун раҳмат. Ҳамда, Crossway нашриётининг муҳаррири Тара Дэвиснинг меҳнати учун ҳам миннатдорлик билдираман. Айнан унинг таҳрири туфайли бу китобнинг матни янада мукаммал бўлди. Раҳмат.

Яна яқинларим ҳақида гапирадиган бўлсам, Масих йўлида ҳамроҳим ва дўстим Роберт Кинни учун Худодан жуда миннатдорман. Одатдагидай, қўлёзмамни янада мукаммал қилишдаги беминнат ёрдамнинг учун ва айни дамда Чарльз Симеон Траст ташкилоти раҳбарлиги масъулиятини кўтаришда доим елкадош бўлганинг учун раҳмат.

Ниҳоят, Лиза, азизам, мен билан умрбод муҳаббат ришталарини боғлаганинг учун, ўттиз йилдан бери мендан меҳрингни аямаганинг учун раҳмат. Айниқса, менга борган сари қалбингдан Худонинг Каломи учун кўпроқ жой бераётганинг ёқади.



Чарльз Симеон Траст

Дэвид Хелм Чарльз Симеон Траст ташкилотининг раиси. Бу ташкилот Худо Каломини тўғри ва масъулият билан талқин қилиш ва ундан фойдаланиш борасида сизнинг ишончингиз ва малакангизни оширишни мақсад қилган. Биз ўз вазифамизни қуйидаги иккита муҳим усулда амалга оширамиз:

Муқаддас Китобни талқин қилиш бўйича семинарлар ташкил қилиш

Семинар қуйидаги уч қисмдан иборат бўлади: *тамоийиллар* (Муқаддас Китобни талқин қилиш ва ўргатиш ёки ваъз қилиш бўйича оддий машғулотлар), *ваъз қилиш*, ва *амалий машқлар* (аввалдан берилган матнлар асосида маҳоратни ошириш учун интерактив кичик гуруҳ машғулотлари). Бундай семинарлар ҳар йили Америка Қўшма Штатлари ҳамда бутун дунё бўйлаб 30 дан ортиқ жойларда ўтказилади.

Симеон курси: Муқаддас Китобни талқин қилиш

Ушбу курс Худонинг Каломини ваъз қилиш ва ўқитиш амалиётига бағишланган бўлиб, фақат онлайн платформада олиб борилади. Бутун дунё бўйлаб энг яхши Муқаддас Китоб тафсирчилари (изоҳловчилари) ва ўқитувчиларининг веб-трансляциялари ва HD сифатдаги видео ёзувлари кутубхонасидан фойдаланган ҳолда, биз курс иштирокчиларига ўз маҳоратларини оширишга ёрдам берамиз.

Биз тақдим этадиган учта курсдан ҳар бири магистрлик даражаси учун кредит сифатида қабул қилиниши мумкин: *Воизлик ва адабий жанр* (30 та машғулот), *Ваъз қилиш ва Каломий илоҳиёт* (15 та машғулот) ва *Ваъз қилиш ва тизимли илоҳиёт* (15 та машғулот).

Кўпроқ маълумотга эга бўлиш учун қуйидаги сайтга мурожаат қилинг:

www.simeontrust.org

МУҚАДДАС КИТОБГА ИҚТИБОСЛАР

| | |
|-------------------------|-----------------------|
| Ибтидо | Воиз |
| 1-2 11, 99 | 12:1-8..... 99 |
| Чиқиш | Ўермияҳ |
| 3:5.....10 | 25:17-29..... 103 |
| Қонунлар | 31..... 102, 103 |
| 18:15-22.....98 | 31:31-34..... 101-102 |
| 1-Шоҳликлар | Ҳабакқуқ |
| 2 142 | 3 88 |
| 2:12-21 31-32, 33 | Магто |
| 15..... 106 | 2:14-1597 |
| 17:46-47 141 | 7:2813 |
| 21..... 143 | 13:35..... 97 |
| 22..... 141 | 26:53-56.....97 |
| 28..... 105, 107 | 28:19-20..... 131 |
| 28:20-25..... 105-106 | Марк |
| Неҳемияҳ | 2:7..... 136 |
| 8:8..... 10 | 4:1934 |
| Санолар | Луқо |
| 41-42.....77 | 1:72 101 |
| 111:9..... 40 | 2:25, 37..... 90 |
| 137:2..... 12 | 2:28-32, 38..... 90 |
| Ҳикматлар | 3:21-2290 |
| 25:2 104 | 7:28 102 |
| | 9:16 133 |
| | 9:18-2090 |

| | | | |
|---------------|-------------|---------------|---------|
| 9:28-36..... | 90 | 17:18..... | 123 |
| 9:30-31..... | 100 | 17:19..... | 120 |
| 9:48..... | 102 | 17:22-23..... | 94, 121 |
| 10:8..... | 133 | 17:22-31..... | 9, 94 |
| 11:1-13..... | 136 | 17:23..... | 121 |
| 11:13..... | 137 | 17:24..... | 94 |
| 11:1-4..... | 137 | 17:24-25..... | 94 |
| 13:30..... | 102 | 17:26-28..... | 94 |
| 14:11..... | 102 | 17:29-30..... | 94 |
| 17:7-10..... | 102 | 17:30..... | 135 |
| 22..... | 102 | 17:31..... | 95 |
| 22:14-30..... | 100, 103 | 17:32..... | 123 |
| 22:20..... | 101 | 18:4..... | 83 |
| 22:24..... | 103 | 18:19..... | 83 |
| 22:24-27..... | 102 | 19:1-2..... | 137 |
| 22:28-30..... | 102 | 19:8..... | 83 |
| 22:29..... | 102 | 24:24-25..... | 134 |
| 22:30..... | 103 | 26:26-28..... | 133 |
| 24..... | 88, 91, 132 | | |
| 24:17-47..... | 9 | Ёқуб | |
| 24:25-27..... | 82 | 2:14-26..... | 110 |
| 24:26..... | 83 | 2:23..... | 98 |
| 24:44-45..... | 82 | 3:1-12..... | 143 |
| 24:46-47..... | 82-83 | 3:13-18..... | 143 |
| | | 4:1-12..... | 128 |
| Юҳанно | | | |
| 6:63..... | 37, 124 | 1-Петрус | |
| 21:17..... | 116 | 1:23..... | 11 |
| Ҳаворийлар | | Яҳудо | |
| 3:18..... | 98 | 1..... | 68-70 |
| 3:22-26..... | 98 | 1:1..... | 68 |
| 11:27-30..... | 40 | 1:3..... | 69 |
| 13:27..... | 98 | 1:6..... | 68 |
| 17:2-3..... | 83, 132 | 1:13..... | 68 |
| 17:3..... | 132 | 1:21..... | 68 |
| 17:16-34..... | 123 | 1:24..... | 68 |
| 17:17..... | 83, 120 | | |

| | | |
|----------------|---------------------|---------|
| Римликлар | 9:6-7..... | 40 |
| 1..... | 9:6-9..... | 39 |
| 1-3..... | 9:8..... | 40 |
| | 9:9..... | 40, 41 |
| 1–Коринфликлар | 11:5..... | 41 |
| 1..... | 11:6..... | 41 |
| 1:4-7..... | 11:7..... | 41 |
| 2:10..... | 11:9..... | 41 |
| 3:1..... | 12:11..... | 41 |
| 3:1-2..... | 12:14-15..... | 41 |
| 3:7..... | | |
| 5:2..... | Филиппиликлар | |
| 11:25..... | 1:12..... | 46 |
| 12:1..... | 4:13..... | 46 |
| 12:4..... | | |
| 12:9..... | Колосаликлар | |
| 12:28..... | 3:9-10..... | 143 |
| 12:30..... | 4:2-4..... | 127 |
| 12:31..... | | |
| 13..... | 1–Фессалоникаликлар | |
| 14:1..... | 2:3-6..... | 124-125 |
| 14:37..... | 2:13..... | 12 |
| 16:1-4..... | | |
| | 2–Тимотий | |
| 2–Коринфликлар | 2:15..... | 14 |
| 5:17..... | 4:3-4..... | 25 |
| 6:13..... | | |
| 6:14-15..... | Ибронийлар | |
| 7:2..... | 1:3..... | 11 |
| 8-9..... | 3:7..... | 37 |

СОҒЛОМ ЖАМОАТЛАРНИ КЎТАРИШ ҲАРАКАТИДА

СИЗНИНГ ЖАМОАТИНГИЗ СОҒЛОММИ?

9Marks (9 Белги) хизмати Худонинг улуғворлигини соғлом жамоатлар орқали халқларга намоён этиши учун жамоат етакчиларини Каломий қараш ва амалий ресурслар билан қуроолантириши мақсадида фаолият кўрсатади.

Шу мақсадда биз жамоатларга кўпинча эътибордан четда қоладиган тўққизта соғлом жамоат белгисида ўсишига ёрдам беришни хоҳлаймиз:

1. Экспозицион ваъз қилиш
2. Хушxabар таълимоти
3. Юқоридан туғилиш ва Хушxabар тарқатиш бўйича Каломга асосланган тушунча
4. Жамоат аъзолиги бўйича Каломга асосланган тушунча
5. Каломга асосланган жамоат тартиб-интизоми
6. Каломга асосланган шогирдлик ва руҳан ўсиш
7. Каломга асосланган жамоат етакчилиги
8. Ибодат бўйича Каломга асосланган тушунча ва уни амалда қўллаш
9. Эчилик хизмати бўйича Каломга асосланган тушунча ва уни амалда қўллаш

9Marks (9 Белги) да биз мақолалар, китоблар, китобларга тақризлар ва онлайн журналлар ёзамиз. Биз жамоатлар Худонинг улуғворлигини намоён этишлари учун уларни қуроолантириш мақсадида конференцияларга мезбонлик қиламиз, суҳбатлар ёзиб оламиз ва бошқа ҳар хил ресурсларни тайёрлаймиз.

60дан ортиқ тиллардаги контент учун бизнинг веб саҳифамизга таширф буюринг ва бизнинг бепул онлайн журналимизни қабул қилиш учун рўйхатдан ўтинг. Бизнинг бошқа тиллардаги веб саҳифаларимизнинг тўлиқ рўйхатини куйидаги ҳавола орқали кўришингиз мумкин:

www.9marks.org/international



marvaridresurslari.org

Жамоат масалалари бўйича саволлар тўплами

Кўпроқ китобчаларни ва мақолаларни ўқиш ва тинглаш учун
Марварид Хизматларининг иловасини юклаб олинг!



ЯХШИ ВАЪЗ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Кўлингиздаги ушбу китоб воизлар ва келажакда воиз бўладиганлар учун осон ва тушунарли тарзда ёзилган. Бу китобда чўпон Дэвид Хэам Худо Каломини ваъз қиладиганлар ўз вазифаларини садоқат билан бажаришлари учун нималарга ишонишлари ва нима қилишлари кераклигини баён қилади. Ушбу унча катта бўлмаган китоб воизлар учун амалий, босқичма-босқич кўрсатмалар беришдан ташқари, ҳар биримизга яхши ваъзни фарқлай олишни ўргатади.

“Дэвид Хелм томонидан экспозицион ваъз ҳақида ёзилган ушбу китоб, мен ўқиган китоблар орасида энг фойдали, қисқа ва аниқ қилиб тушунтирилган китобдир.”

МЭТТ ЧЕНДЛЕР, Техас, Даллас, The Village Church жамоатининг бош чўпони

“Агар мен ваъз айтиши дарс берадиган бўлиб, талабаларимга фақат битта китобни ўқиб чиқишни тавсия қилишим керак бўлса, мен фақат мана шу китобни тавсия қилган бўлардим. Бу китоб ваъз қилишни энди ўрганаётганларга анчагина маълумот берадиган, шу билан бирга тажрибали воизларга ҳам бемалол йўл-йўриқ кўрсата оладиган ноёб китобдир.”

МАРК ДЕВЕР, Вашингтон ДС, Capitol Hill Baptist Church жамоатининг бош чўпони

“Муаллиф Дэвид Хелм ушбу китобда Худонинг Каломини ишонч билан ваъз қилиш учун воиз нималарни тушуниши ва нималар қилиши кераклигини жуда аниқ ва ишонarli тарзда баён қилган. Шунинг учун бу жуда муҳим китоб.”

Р. КЕНТ ХЮЗ, Иллинойс, Уигон шаҳри, College Church жамоатининг фахрий катта чўпони

ДЭВИД Р. ХЕЛМ (Gordon-Conwell семинариясининг илоҳиёт бўйича магистри) Чикагодаги Holy Trinity жамоатида бош чўпон сифатида хизмат қилади. Шунингдек, у воизлик бўйича амалий таълимни тартиб қилувчи Charles Simeon Trust ташкилотининг раиси ҳисобланади. Хелм “Каломни ваъз қилиш: Экспозицион ваъз қилиш борасида мақолалар тўплами”нинг муаллифи, шунингдек, Муқаддас Китоб ҳикояларида номли [The Big Picture Story Bible] болалар китобининг муаллифидир. Бундан ташқари, у Crossway нашриётда чоп этилган “Каломни ваъз қилиш” туркумидан жой олган Бутруснинг биринчи мактуби, Бутруснинг иккинчи мактуби ва Яхудо китобларига шахрлар ёзган.

*Ушбу китоб “9 Белги: Соғлом жамоатларни кўтариш ҳаракатида” туркумига киритилган.